

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ



ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАҲНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ”

кафедраси

**НОТИҚЛИК САНЪАТИ
ВА
НУТҚ МАДАНИЯТИ**

ФАНИДАН

МАҶРУЗА МАТНИ

Гулистан-2018

Тузувчи: Р. Махмудов—ГулДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди _____ (имзо)

Тақризчи: С.Исмоилов— ГулДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди _____ (имзо)

МУНДАРИЖА

ҮҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ	5
1-мавзу: Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти курсининг предмети, мақсад ва вазифалари	5
2-мавзу: Нотиқлик санъатининг моҳияти ва аҳамияти	12
3-мавзу: Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти тарихи	22
4-мавзу: Нотиқлик ва нутқ одоби	30
5-мавзу: Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг раҳбар фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти	42
6-мавзу: Ҳозирги даврда нотиқлик санъати ва нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаблар	56
7-мавзу. Нутқ маданияти тарихидан. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати Мустақил иш топшириклари	61
Семинар машғулотлари	68
Глоссарий.....	70
ИЛОВАЛАР	72

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти курсининг предмети, мақсад ва вазифалари Режа:

1.Нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий кисми.

2.Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти курсининг баҳс мавзуси.

3.Тил ва нутқ маданияти.

Таянч иборалари. нотиқлик санъати ва нутқ маданияти тушунчаси; нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг такомил босқичлари; нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, методлари, воситалари; нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг тадқиқиот тамойиллари ва методларини ўрганиш;

1

Дунёда икки нарса борки, у ҳамиша қадрли¹. Бири оч-нахор одамни тўйдирадиган нон, иккинчиси ғамгин одамнинг кўнглини кўтарадиган сўз. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоннинг ҳатти –ҳаракати, феъл-атвори туфайли рўёбга чиқади. Юқорида атрофлича тўхталиб ўтилган маданият турларининг ҳаммаси инсон феъли, хулқ-атвори билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг феъли (ўзини тутиши, муамала йўсини) эса, энг аввало унинг нутқида намоён бўлади.

Дунёдаги жамики жонзодлар бир-бирлари ўзига хос усулда тиллашиш имконига эга бўлсалар-да, уларнинг ичида фақат инсонларгина нутқ бирликлари ёрдамида мулоқотга киришадилар. XI асрда яшаб ўтган буюк бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур “Девону луғоти турк” китобида “Киши сўзлашу, йилқи йизлашу” деган ажойиб мақолни келтирган. Бунинг маъноси шуки, йилқи, яъни ҳайвонлар ҳидлашиб, кишилар сўзлашиб топишадилар. Мир Алишер Навоий бобомизнинг фикрига қараганда ҳам инсонни ҳайвондан фарқлайдиган энг муҳим белгиларидан, бири-бу, сўздир, иисоннинг сўзлай олиш қобилиятига эга эканлигидир:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, ,

Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Бир донишманддан:

-Дунёда энг ширии лаззат нима?

-Сўз лаззати, сўз санъатидан ҳузурланиш, - деб жавоб берибди. Шунда донишманд:

Булардан кўринадики, нутқ инсон онгли фаолиятининг асосий кўринишларидан биридир. Бироқ, кишининг ўйлаб-ўйламай айтган ҳар қандай сўзи ҳам ёқимли, лаззатли бўлавермайди. Шунинг учун ҳам “Яхшининг сўзи мой, ёмоннинг сўзи лой”, “Яхши топиб гапирав, ёмон қопиб гапирав” қабилидаги мақол ва маталлар дунёга келган.

Ўзбек тили ўзбек миллатининг фикр алмашув қуроли сифатида катта ижтимоий вазифани адo этаётган бугунги кунда нутқ маданиятига бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортиб кетганилиги табиий, албатта. Айни кунда нутқингизда учраб турадиган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, нутқ маданиятини ҳар қачонгидан ҳам ривожлантириш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган сиёсий ва ижтимоий масаладир. Чунки нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, кишилар юксак маданиятли бўлишлари учун, энг аввало, нутқ маданиятини чуқур эгаллаган бўлишлари лозим. Айниқса, мамлакатимиз кишилари минг йиллардай буён орзу қилиб келингак мустақилликни қўлга киритган, халқаро ҳаётда икки қарама-қаршп ижтимоий тузум ўргасида мафкуравий кураш ниҳоятда кескинлашган бир пайтда инсон дилининг таржимони бўлган тилнинг ёқимли ва ширин, айни пайтда ўткир ва кескир бўлиши талаб этилмоқда.

¹ Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997. 119-120 бетлар.

“НСВНМ” курсининг бош мақсади аждодларимиз ва инсоният томонидан яратилган нотиқлик санъати ва нутқ маданияти оид меросини ёшларимиз онгига сингдириш, уларни ҳар томонлама етук, нутқ маданиятини биладиган, нутқ тўғрисида тафаккурга эга ва шу асосда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган, жамиятда бўлиб турган барча воқеа ва ҳодисаларни чўқур илмий таҳлил қила оладиган юқори фалсафий билимга эга бўлган талабаларни тарбиялашдир.

“НСВНМ” курсининг вазифалари: Мустақил фикрлайдиган шахсларни тарбиялашда инсоният тарихида нотиқлик санъати ва нутқ маданиятига оид яратилган бой фалсафий меросни ўрганиш ва уларга таянган ҳолда ижтимоий онг ва тафаккурга интиладиган етук шахсларни тарбиялашдан иборат бўлиб:

Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти тушунчасини таъриф ва талқинларини ўрганиш;

Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг такомил босқичларини ўрганиш;

Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, методлари, воситаларини ўрганиш;

Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари, тадқиқиот тамойиллари ва методларини ўрганиш;

Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг таълим жараённида тутган ўрни ва вазифаларини ўрганиш;

Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти курсини бошқа гуманитар фанлар билан қиёсий ўқитиш йўлларини ўрганиш;

Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятини ўзлаштиришда янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва бошқалар.

Ўкув курсини ўрганишда талабалар ахлоқ, эстетика, мантиқ, фалсафа, маданиятшунослик, социология, педагогика, тарих, психология, ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий фанлардан олган билимларига таянади.

Ушбу курсни ўрганишда: талабалар фалсафа, ахлоқшунослик, диншунослик, маданиятшунослик, ва бошқа қатор ижтимоий ва табиий фанлардан олган билимлари асосида иш кўрадилар.

“НСВНМ” курсини ўқитишда замонавий ахборот технологияларини қўллашда курсни ўзлаштириш учун омил бўладиган замонавий ахборот технологиялар муҳим ўрин эгаллади.

Жумладан, педагогик жараённи жадаллаштириш мақсадида ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи кадаскоп, проектор ва ноутбук каби дидактик воситалардан кенг фойдаланилади.

Курсини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллашда таълим жараёнини оптималлаштириш учун “Фикрлар хужуми”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Чархпалак” каби педагогик технологиялар қўлланилади.

Донишмандлар айтганларидек¹, тил - инсонларнинг энг муҳим алоқа воситаси. Шу боисдан у ижтимоий ҳодисадир. Нутқ архаик, хорижий, лаҳжага хос сўзлардан холи, соф, ихчам бўлгани, унда сўзлар кам-у, маъно кўп бўлгани яхши; нутқ ўткир, яъни жарангдор, мантиқий ва стилистик ургули, равон, ҳаммага тушунарли, дона-дона қилиб сўзлангани маъкул.

Тил - ҳар бир педагогнинг қуроли, фикрнинг бевосита воқеликка чиқишидир. Донолар таъкидлаганларидек, инсон ақд-заковати, тафаккури ва онгининг энг бой ютуқдари, теран билимлар, кенг миқёсли илм-фанлар, оташин ҳис-туйғулар нутқда очик-ойдин, жарангдор ва жозибадор ифодаланмаса, кўпчиликка номаълум бўлиб қолаверади. Бинобарин, педагогнинг, нотиқнинг вазифаси баён этиладиган фикрларни талаба, аспирант, тингловчилар бевосита қабул қилиб олишига эришишдан иборат. Бу эса нотиқнинг ўз фикрини қандай шаклда ифода қилишига боғлиқ.

¹ Ортиков А., Ортиков А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. –Т.: ДОНО-ХАМРО, 2002. 32-35 бетлар.

Педагог тили тингловчиларнинг ҳис-туйғуларини уйғотадиган, уларни қизиқтирадиган, дикқат-эътиборини нутқ мавзууга жалб этадиган бўлиши лозим. Мавзуни тушунарли ва ишонарли қилиб баён этиш педагог муваффақиятининг гаровидир.

Тил - моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг самараси; узлуксиз саъй-харакат, имо-ишора, баҳслашув ва мулоқот оқибатида вужудга келган маънавий бойликнинг биллур қотишимасидир. Тил - ҳар қандай миллатнинг қалби.

Улуғ иедагог К.Д.Ушинский айтганидек, ҳар бир мамлакатнинг табиати, ҳалқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, сўзлар орқали ифодаланган. Одамлар ҳаётдан кўз юмавергандар-у, бироқ улар яратган сўз ҳалқ тилининг абадий, тугалмас бойлиги сифатида сакланиб қолаверган; бинобарин, тилдаги ҳар бир сўз инсон тафаккури, ҳис-туйғусининг оқибатидир. Сўз воситасида мамлакат табиати, ҳалқ тарихи ифодаланган.

Тил инсонга, ўз манфаатларини қондириш учунгина инъом этилган эмас; балки ўз фикр-ўйларини, ҳис-туйғуларини бошқаларга етказищ, ўзидағи ҳақиқат ва илҳом учқунларини ўзгаларда ҳам аланталатиш учун ҳадя этилган.

Шоир Абдулла Жалил ўзининг “Она тили” деб номлаган шеърида тилимизнинг пурхикматлиги, сўзга бой ва сермазмунлигини тавсифлаб, кўп мисралар ёзган. Улар орасида қуидаги тўртлик нутқ маданиятида она тилининг буюк аҳамиятга моликлигини айниқса ёрқин акс эттирган:

Тилимизда сўзнинг йўқдир ҳисоби,
Лиммо-лимдир фикрим хазинаси ҳам.
Нимани ёрица онгим офтоби,
Сўзлай олар тилим уни ўша дам.

Шоирнинг навбатдаги тўртлигига она тилимиздан фахрланиш туйғулари жўш уриб турибди: бу тилда сўзлаганда ҳар бир фуқарода муқаддас ва ибраторумуз эзгу ҳислар уйғонажаги, бобокалонларимиз сўзлаган бу тилда сўзлашнинг ўзиёқ кишида ширин ҳавас-қизиқиши ҳосил қилиши тасвирланган:

Она тилим десам, ифтихор дилда,
Уйғонади эзгу ҳислар муқаддас.
Навоий, Бобурлар сўзлаган тилда
Сўзлашмоқнинг ўзи ширин бир ҳавас.

Педагогнинг нутқ маданиятини эгаллашида она тилидан кейинги асосий ўринни бадиий адабиёт эгаллайди. Уни муттасил ва мунтазам ўқиб бориш нотиқнинг сўз бойлигини оширишига, тасвирли ифодаларни, бадиий ибораларни қўпроқ эгаллаб олишига, ҳалқ орасида кенг тарқалган адабий тил бойликларини териб, ўзлаштириб олишига катта ёрдам беради. Бадиий адабиёт нотиқни майший турмуш, ижтимоий ҳаёт билан ўзи билганидан кўра чуқурроқ таништиради, фикрлаш миқёсини янада кенгайтиради, маданий савиясини оширади, мантиқий тафаккур салоҳиятини бойитади.

Бадиий адабиётни мунтазам ўқиб борадиган ҳалқ олдида тез-тез сўзга чиқиб турувчи педагог, раҳбар ўз нутқида бадиий тасвирлардан ўринли фойдаланади, ҳаётдаги айрим воқеаларни, шахсларни бадиий адабиёт қаҳрамонлари билан таққослаш имкониятига эга бўлади, натижада унинг нутқи жонли, ҳаётий, таъсирили бўлади.

Нотиқ қайси тилда сўзламоқчи бўлса, ўша тилни пухта, яъни мукаммал, чуқур, атрофлича ва аниқ билиши, билмаганларини ўрганиши зарур. Шарқда энг бой тил деб тан олинган ўзбек тилида сўз, атама, номлар гоятда кўп. Буни ўзбек тилининг қарийб 250 босма табоқдан иборат икки жилди изоҳли луғатидан ҳам билиш мумкин.

Ўзбек тили асрлар давомида ўзининг луғат таркибини узлуксиз бойитиб, фонетика, грамматика, стилистика, орфографиясини муттасил такомиллаштириб келаётган тилдир. Унда чуқур ва кенг маъноли, ранг-баранг синоним, омоним сўзлар мўл-кўл. Маърузасида улардан ўз ўрнида, мохирона фойдалана олмайдиган педагогни гўё ёғ ичидаги яйрамаган буйракка ўхшатиш мумкин.

Педагог ўз она тилининг граматикаси ва лексикасини, орфографияси ва пунктуациясини синчиклаб ўрганиши зарур; чунки улар - нутқнинг пойдевори, товуш,

талаффуз, урғу, оҳанг, дикция, интонация, стилистика эса унинг усткуртмасини ташкил этади.

Ўрта Осиё донишмандлари ғоят ўринли таъкидлаганларидек, тил бойлиги ва нутқ маданияти барча даврларда ёнма-ён яшаб келган; нотиқлик ўтмишдаги сингари ҳозир ҳам маънавий маданиятнинг энг ишончли таянчларидан биридир.

*Тил ва адабиёт ҳақида баъзи ўғитлар:*¹

1. Ҳар куни яхши бир асардан баланд овозда беш-ўн сахифа ўқи. Шунда сўзлашиш ва гапириш истеъдодинг мукаммаллашади.

2. Диққатингни тортган адабий фикр, гўзал фалсафий парчаларни ёд ол. Бунда сўз ва ифода хазинаси бойиб, хотиранг ҳам мустаҳкамланади.

3. Аввало она тилингда яхши сўзлаш ва ёзишни ўрган. Инсон учун энг фойдали нарса ўз она тилидир. Кишининг қадри тилининг ости ва сўзининг учиди яшириндир. Уни сўз ва ёзув ташқарига олиб чиқади. Грамматика мақсад эмас, воситадир. Асосийси эса фикр бойлигидир.

4. Сўзларинг ва ёзувинг қисқа, очиқ ва маъноли бўлсин. Кўп сўзлама. Ўз ўрнида, маъноли сўзла. Қиймат ва таъсир кўп сўзда эмас, ўз ўрнида ва маъноли сўзлашдадир.

5. Тилингни тий ва билки, тил яраси, пичоқ ярасидан ёмонроқдир.

6. Ҳатто энг яқин ўртоғингга ҳам ёқимли ҳазил қил, ширин сўзли ва хатти-ҳаракатда назокатли бўл. Қўпол инсон қопогон ит кабидир, унга ҳамма тош отади.

7. Ишингда ва сўзингда тўғри бўл. Ҳақ тўғриларнинг ёрдамчисидир.

8. Бекорга даъво ва қайсарлик қилма, ҳақиқатни изла ва сев. Ҳақиқатни севиш инсон учун севгиларнинг энг юксагидир.

9. Бирор мавзу ҳақида асар ёки мақола ёзмоқчи бўлсанг, олдин бу мавзу ҳақида сенгача ёзилган асарларни ўргангин, ёзилган ва айтилган нарсаларни такрорлаб, умринг исроф бўлмасин.

10. Доимо иш билан банд бўл ва кўп ўқи, ўрган. Чунки билимли инсон кучли бўлади.

2-мавзу: Нотиқлик санъатининг моҳияти ва аҳамияти

Режа:

1. Тил ва нутқ бир-бирлари билан боғлиқ ҳодисадир.

2. Ўзбек тилидаги нутқий услублар ва уларнинг нутқ маданиятидаги ўрни.

3. Нутқ одобининг нутқ маданияти ривожида тутган ўрни.

Таянч иборалари: моддий ва техник билим, тил, нутқ, нутқий усууллар, нутқ одоби, нутқ маданияти.

1

Дунёнинг энг буюк ва илдизи чуқур миллатларидан биримиз. Тарихнинг энг қадимги даврларига бориб тақаладиган, шарафли бир ўтмишимиз бор. Аслида, бир-бирининг давоми бўлган турли империялар (салтанатлар) барпо қилган, кенг қитъалар ва ўлкаларга ҳоким бўлган халқмиз. Ана шу даврларда кўркам маданиятлар вужудга келди, тенгизиз моддий ва маънавий бойликларнинг соҳиби булдик.

Тарихдаги зафарларимиз ёки мағлубиятларимиз сабабларини дикқат билан ўргансақ, амин бўламиз-ки, қулни-қўлга бериб бирлашган чоғларимизда катта муваффакиятларга эришганмиз. Ўзаро ихтилофда бўлган чоғимизда эса нақадар заиф ҳолга тушиб, душман қаршисида мағлубиятнинг, ҳатто асирикнинг изтиробини тотганмиз. Шундай экан, бирлик ва баробарликни таъминлаш учун турли тадбирлар қўллаш, ўзаро нифоқ ва душманлик туғдирувчи ҳар хил ҳатти-ҳаракатлардан қочишимиз лозим.

Бирлик ва баробарликни таъминловчи асосий унсурлардан бири эса маданиятдир. Ана шу маданият билан йўғрилган, муштарак ишонч, тарих шуури, санъат, завқ ва идеалларга эга инсонлар, уюшган кучли жамиятни ташкил этади. Ганимлар ҳам бирор

¹ Махмуд Асьад Жўшон. Қув ва ёзув малакаси. –Т.: Ноширлик ёғдуси, 200. 40-41 бетлар.

ўлкани қўлга киритишни истасалар, у ерда ўзгача манфаат, ишонч ва идеалларга бўйсунувчи янги гурухлар ташкил этишга уринишади; уларни қўллаб-қувватлашади ва бир-бирига гиж-гижлашади. Шу тарзда бу жамият ичига нифоқ олиб киришга интилишади.

Демак эндиликда, ҳар бир инсон, моддий ва техник билим билан бирга ёнида маданиятнинг, яъни шакл ёнида ўзлик ва рухнинг, модда ёнида маънонинг қийматини кўриши зарурдир. Бу гўзал ва юксак бир зийраклик ва ҳақиқий зиёлиликнинг нишонасидир.

Бугунги кунда ўз маданияти ва маънавиятининг аҳамиятини етарлича ҳис қилмаган, миллий-маънавий бойликларини яхши сақлай олмаган ҳар қандай миллат ижтимоий-маънавий тангликлар ичидаги қолиб кетади. Зеро, миллий ва маънавий қадриятлар моддий ривожланишнинг ҳам тамал тошидир. Барча ривожланган мамлакатлар тараққиётнинг чўққисига ўз маданияти ва маънавий қадриятларига, фан ва технологияга аҳамият бергани туфайли эришганлар.

Миллий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири эса тилдир. Бир тилда сўзлашувчи, ягона адабий меросга эга инсонлар ўзларини бир ва тенг ҳис этадилар.

Тарихда бошқа миллатлар орасига қоришиб кетиб, уларнинг тилларида гаплашган, миллий ўзликларини йўқотган халқлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам душманлар бирор миллатни парокандаликка туширмоқчи бўлсалар аввало унинг миллий тилини ғорат этишга киришган. Шу сабабли, тилимизни яхши ўрганишимиз, тўғри қўллашимиз, химоя қилишимиз, парокандаликдан, тарқоқликдан асрashingиз керак.

Баъзида олий маълумотли, ўзларини зиёли ҳисоблайдиган кишиларнинг ҳам ёзув, имло, тил ва баён услубларида нуқсонлар кўрамиз. Демак, ўкувчиларимиз ўрта ва олий таълим асносига касб тармоғи қанақа бўлишидан қатъий назар, тилимиз ва адабиётимиз билан алоқани узмасликлари ва бу борада муайян таълим олишлари зарур. Мисол учун, менежмент муҳандисларини олинг, уларнинг касбий фаолиятларида умумий маданиятнинг, оғзаки ёки ёзма мулоқотнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Чунки улар расмий ёки хусусий муассасаларда, фабрикаларда, корхоналарда халқ билан, ишчи ва хизматчилар билан доимий алоқа ва ҳамкорлик қиладилар. Бу ҳол ёзув техникаси, мурожаат қилиш, муомала, инсоний муносабатларнинг қоидалари, инсонлар руҳиятини билиш, билимли, тажрибали ва севимли бўлишга эришиш заруратини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, касбий тажрибалар ёки бошқа мавзулардаги шахсий фикр ва қарашлар, изланишларни бошқаларга англата билиш учун, ҳар бир зиёли, матн ёзиш, мутолаа ва маъруза қилиш мажбуриятида қолиши мумкин. Бу ҳам яна тилни яхши билишни, кенг маданиятни, режали ёзиш санъатини, мулоқотда булиш нозикликларини билишни талаб қиласди.

Ўз тилини яхши билиш, чет тилини ўрганиш пайида ҳам катта фойда беради. Зеро, ўз тилини яхши билмасдан, бошқа бир тилни ўзлаштириб бўлмайди ёки ўрганиш асносига катта қийинчилекларга дуч келинади. Чет тилининг олий таълим ва касбий фаолиятдаги аҳамияти эса ҳаммага маълумдир.

Кўриниб турибдики, масалага қайси жиҳатдан қаралмасин ўз тилимиз ва маданиятимизни яхши ўрганишнинг аҳамияти ва зарурати келиб чиқмоқда.

2

Маълумки¹, инсон камолоти ва билимининг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш, чиройли сўзлаш ҳисобланиб, бу хусусият ақл шуъласи, тафаккур чирофи ёруғидан баҳрамандликка, илм ва тажрибага асосланади. Шу маънода, юонон донишмандлари “Тил ҳар бир ақл соҳиби хазинасининг калитидир, унинг билим микдори айтаётган сўзлари орқали аниқланади”, деб бежиз лутф қилмаганлар

Қадимги ривоятларда айтилишича, инсон ўз тузилиши хосияти билан ҳайвонлардан афзал бўлган. Сабаби, унга икки қулоқ, бир оғиз ҳадя этилган. Шунинг учун у бир марта

¹ Қутбиддинов А. “Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил...”. “Халқ сўзи”. 2009 йил 30 январь. 4 бет.

сўзламоғи ва икки ҳисса эшитмоғи керак. Зеро, эшитмоқ унга чексиз ҳикмат, маъни, турмуш ибратлари жавохирларига эгалик хусусиятини баҳш этади. Бир марта сўзламоқ эса эшитганларининг магзидан куртаклаган мушоҳадани, демакки, ақл элагидан ўгиб, пишиб етилган фикр ҳосилаларини англатади.

Бинобарин, сўзлашнинг ўзига хос қоидаларининг аввали равон фикрлаб, равон сўзлашни талаб этади. Шунингдек, бесабаб ва бемаврид сўзла-

Алишер Навоий таъкидлайдилар:

Донаву дур фин афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдана бил.
Жон бўлиб ул, рух анинг қолиби,
Ким танида рух анинг толиби.
Барча кўнгул дуржи аро гавҳар ул,
Барча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.

Ўтган замонлар олиму фузалоларидан қолган ҳикоятларнинг бирида баён этилишича, шаҳаншоҳ Баҳромгур бир дараҳтнинг остида ўтирган эди. Ногоҳ бир күшнинг овози эшитилди. Баҳром бир ўқ билан бемаврид сўзловчи бу қушни тилка-пора қилди. Күшнинг тани мих мисол шоҳларга урилди, жони танидан оҳ тортиб тушди. У Деди “Күш ҳам, инсон ҳам ўз тилини сақласа омон бўларкан”.

Агар Навоий таъкидиди, ҳар бир дона сўз қадр-қиммати бекиёс, у денгиздаги дурдана каби, жон мисол руҳдан озиқланиб, кўнгил хазинасидаги жавохирларга гавҳар бўлиб қўшилиши, шу сабаб уни авайлаб-асраб оғиз ҳуққасида маҳкам ушлаб туриш лозимлиги, зарур ҳамда фойдали, бирор учун безарар бўлгандагина ташқарига чиқариш мумкинлиги англашилса, ҳикоятда бемаврид сўзлашнинг хунук оқибати уқтирилади.

Ажам файласуфлари демишлар: “Сўзни меъёри билан сўзлаган, ҳаёт қадрини тушунган, бутун куч ва қудратини илму камолотга йўналтирган киши ақлли кишидир”. Чунончи, Аҳмад Юғнакий ҳам бу фикрга ҳамоҳанг тарзда куйидагича мулоҳазани битганлар: “Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқаиз ёвдир. Оғиз ва тилнинг безаги сўздир, тўғри сўзла, тилингни беза”.

Шу ўринда “Маҳзан ал-улум” китобидан сўзлаш одоби хусусидаги бағоят мароқли намуналарни келтирсак, мақсадимизга етмоқлик баайни зинапоядай кўринур, наздимиизда: “Сўзни кам ишлатинг, чунки лақмалик тентаклик нишоналаридан биридир. Киши демоқчи бўлған нарсасини ақл тарозусида яхшилаб тортмагач, уни баён қилиши номақбулдир. Донолар “Кўп ўйла, сўнг сўйла” дейишган. Эҳтиёж пайдо бўлмасдан бир сўзни такрор гапирманг. Бирор киши бирор воқеани баён қилишга киришса, эшитувчининг бундан хабари бўлса-да, хабардорлигини ундан яширсин. Акс ҳолда, гапиравчи хижолат чекмоғи мумкин. Ўзга кишидан сўралган сўзга жавоб берманг. Агар савол кўпчиликка ташланса, мазкур савол жавобини айтишга қодир бўлсангиз ҳам, шошилманг.

Бирор киши жавоб берса, қониқарли чиқмаса ёки унга қўшимча қилишга тайёр блсангиз, изн сўраб оҳиста оғиз жуфтланг. Тадбирда, анжуマンда, мажлисда, ўтиришда музокара ёки мунозарага дахли бўлмаган ҳолда аралашманг. Катталарга кинояли сўз айтманг. Тушунилиши мураккаб сўзни мисоллар воситасида ойдинлаштиринг. Мунозара доирасидан четга чиқманг. Ҳар бир кишига фаҳм даражасида сўзланг”.

Ха, сўз сўзлаш шунчаки лабларни очиб-ёпиб, тил учидаги товушларни улоктириб ташлаш дегани эмас. У ҳақиқий инсонийлик санъатларидан бири, хуш хулқликнинг шакшубҳасиз бош матлабидир. Бундай хусусиятга сабр-тоқат, босиқлик, ички самимият, ақлий меҳнат орқали эришилади. Кошифий ҳазратлари нақл қиласидилар: “Сендан тил одоби қандай бўлади, деб сўрасалар, шундай жавоб бер: яхши фикрни ифодалаш учун оғизни берк тутгин. Агар “Нималардан тилни тийиш даркор?” десалар, шундай дегин: биринчи - ёлғон гапиришдан, зеро, ёлғончилик одамнинг ўзига душмандир. Иккинчи - ваъдага хилоф равишда иш қилишдан, чунки бу иккюзламачиликдир. Учинчи - гийбат ва бўхтондан. Алҳол, бу фосиқлар ишидир. Тўртинчи - жанжалдан, хусуматдан, одамларнинг ранжишишига сабаб бўладиган кулги ва масхаралашдан тилни тиймок лозим”.

“Тил югурги бошга, қўл югурги ошга”, дейди кексаларимиз. Инчунин, буни ҳар биримиз ўзимизга риоя учун қабул қилиб олсак, зинҳор ютқазмаймиз. Қолаверса, бу сўзлаш қоидаларини, унга оид мулоҳазаларни биз тўқиб чиқарганимиз йўқ. Уни бани башарнинг нозикфаҳм, сухбати жаннатий вакиллари мерос қолдиришган. Биз эса улардан айримларини танлаб, эътиборингизга ҳавола қилдик, холос.

3

Нутқ маданияти ва нотикдик санъати тарихига мурожаат қиласак¹, бу маҳоратларда нотикнинг билим доираси ҳал этувчи омиллардан бири бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Ўз нутқи обьектини яхши билган, унинг моҳиятини пухта англаган, мавзуини чуқур фаҳмлаган воизнинг нутқи муайян салмоққа ва муқаррар самараага эга бўлади. С.Иномхўжаев жуда ўринли таъкидлаганидек, “билим хазинасини очиб, элни баҳраманд этиш учун сўзлай олиш маҳорати бўлишилги ҳам тақозо этилади”.

Нутқ, обьектига таалуқли нарса ёки ҳодисани чуқур, кенг, мукаммал билган педагогина ўша нарса ёки ҳодисалар хусусида ишончли фикр юритиши мумкин. Билмаган нарса, жараён, ҳодиса ҳақида нотик қанчалик чиройли, оҳанрабо, жозибали сўзламасин, барибир, тингловчиларни алдаш, ҷалғитиш, қўйнини пуч ёнгоққа тўлдиришдан бошқа нарсага эришмайди. Педагогнинг сўzlари сермазмун, кенг маъноли, салмоқли бўлиши учун уғоят бой билим соҳиби бўлиши шарт.

Қисқаси, ҳар бир педагогнинг олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири унинг муайян мавзууни, ундаги масалани, ғояни, турлича қарашларни мумкин қадар илмий, мазмунан бой, хотирада яққол сакланиб қоладиган қилиб баён этишдан иборат.

Нутқ қудратли кучдир; чунки у ишонтиради, даъват қиласи, ҳатто мажбур этади. Демак, педагогаинг, раҳбарнинг нутқ сўзлашдан мақсади тингловчиларни ишонтиришdir.

Педагог, олий ўқув юрти раҳбари нутқ сўзлаёггаида мустаҳкам ишонч билан гапирса, сўзлар ҳам қуишиб келаверади, тингловчиларни беихтиёр маҳлиё этади. Унинг фикри қанча теран бўлса, сўзлар ҳам шу қадар жарангдор, ишонарли бўлади. Чиройли гапиришдан кўра ўринли, ишонарли гапириш маъқулроқ. Низомий айтганидек, қалдан чиқкан сўз қалбга йўл солади. Юракдан булоқдек отилиб чиқкан маънавият кучи эҳтирос билан қўшилса, педагогни нотикқа айлантиради. Билимдон нотик ўз фикрини қатъий ишонч билан, дангал айтади.

Агар педагог кишиларни ишонтириш ва қайта ишонтириш учун ҳақиқат, ростгўйлик қанчалик зарурлигини, ҳақиқатга эришиш гоҳо ғоят мушкуллигини ўзи ва бошқалар учун исботламоқчи бўлса, ҳақиқатгўй шоир Шухратнинг қуидаги байтини келтириши ўринли бўлади:

*Ҳақиқат ўзи келмас, келтиради кишилар,
Иўлида бор канча чўп-хас, қанча довон ошилар.*

Нутқ сўзлаганда, маъруза ўқиётганда ортиқча сўзлар, кириш гаплар, писанданамо иборалар, шунингдек, гумонсираш, ишончсизлик, ҳадиксираш, эсанкираш, асабийлашиш, ғазабланишга асло йўл қўймаслик зарур.

Педагог, айниқса, маъруза қилаётган раҳбар ўз нутқи “курук”, ишонарсиз, юзаки бўлмаслигини истаса, ўтмиш (тарих)дан, ҳозирги аҳволдан, илм-фан, амалиётдан ишонарли далиллар келтириши керак.

Маъруза “курук”, далилсиз бўлмаслиги, балки ишончли, хотирада сақланадиган бўлиши учун унда рақамлардан, статистика маълумотларидан фойдаланиш лозим. Аммо уларни ишлата билмоқ зарур. Пухта ўйлаб танланган гаплар, ўз ўрнида келтирилган рақамлар тингловчиларда ўчмас таассурот қолдиради. Лекин оғзаки нутқда булар, айниқса, катта рақамлар меъёридан ортиқ ишлатилса, маърузани тинглаш, хотирада сақлаб қолиш қийинлашади. Маърузада, мабодо зарур бўлса, асосан умумлашма, фоизли, каррали, солиштирма рақамларни келтирган маъқул.

¹ Ортиков А., Ортиков А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.: ДОНО-ХАМРО, 2002. 57-61 бетлар.

Нутқ маданиятида мантиқ фанининг қоида ва талабларига риоя килиш ғоят муҳим. Мантиқиз маъруза, колипсиз ғиштга ўхшайди.

Қайси бир педагог мантиқ фанидан бехабар бўлса, яъни чала-ярим фикр юрица, юзаки ва қисқа ўйласа, нутқида изчиллик бўлмайди. Педагог учун сўз, тил, нутқ, гўё хунарманд қўлидаги моддий буюм, бастакор ушлаган соз, рассом ишлатадиган бўёқ, дирижёр бармоқларидағи таёқча сингари ғоят зарурый қуролдир. Фикр ва сўз, тафаккур ва тил мантиқан мувофиқ бўлиши шарт; баён этилмоқчи бўлган фикр, ғоя, педагогнинг кўрсатмаси, ва тавсияси уларни ифодалашга хизмат қиласидиган сўзлар билан ўзаро уйғун, ҳамоҳанг, мутаносиб бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда дили бошқа-ю, тили бошқа қабилидаги номувофиқлик, тескари мутаносиблик, ясамачилик рўй беради.

Педагогнинг, олий ўқув юрти раҳбарининг нутқида мантиқий ургунинг ҳам аҳамияти катта. У муайян жумладаги бирор сўз ёки иборани бўрттириб, уқтириб ифодалашга хизмат қиласиди. Ўзбек тилида мантиқий ургу одатда кесимдан олдинги сўз ёки иборага тушади. Масалан, Раис ғалла экилган майдонда бирор марта бўлмаган гапида мантиқий ургу бирор марта сўз бирикмасига тушиб, унинг иш фаолияти шу соҳада умуман амалга ошмаганлигини кўрсатади. Агар шу гапни Раис бирор марта ғалла экилган майдонда бўлмади шаклида ифодаласак, унда раиснинг иш фаолияти фақат шу майдонда амалга ошмаганлиги, бироқ бошқа жойда бажарилган бўлиши мумкинлиги англашилади.

Яна бир мисол. Педагог Биз учун Ватан муқаддасдир деса, мантиқий ургу Ватанга тушади ва биз учун фақат Ватан муқаддаслигини ёки энг муқаддас эканлигини билдиради. Мабодо, гапни Ватан биз учун муқаддасдир деб тузсак, мантиқий ургу “биз учун”га тушади ва фақат биз учун Ватан муқаддаслиги, аммо дунёда Ватанни муқаддас ҳисобламайдиган ватанфурушлар ҳам борлиги назарда тутилади. Ҳоким мажлисга келмади, деган гапда мантиқий ургу мажлисга сўзига тушади. Агар Мажлисга ҳоким келмади дейилса, бу ургу ҳоким сўзига тушади.

Педагог олдига қўйиладиган асосий, хат қилувчи талаблардан яна бири шуки, унинг маърузаси мазмунан бой, далиллари асосли, вазирлик, ҳокимлик тасдиқлаган, матбуотда эълон қилинган бўлиши шарт. Тахминий, бировдан ғайрирасмий мулоқотда эшитилган далил, мисол, рақамлар нутқни ишонарли қилмайди, тингловчида шубҳа туғдиради. Далил, мисол, рақамлар, узқ вилоят, туман, корхона, муассасадан эмас, балки тингловчиларга яқин, иложи бўлса, уларга даҳлдор объектдан, билим даргоҳидан келтирилгани маъқул. Рақамларни келтирганда шошмаслик керак, чунки айрим тингловчилар уларни ёзиб олишлари мумкин.

Педагогнинг нутқи ёрқин, жозибали, таъсирли, жарангдор, тасвир (образ)ли бўлиши лозим. Нутқда жонлантирувчи жиҳатлар бўлмаса, у қуруқ, бадҳазм, зерикарли бўлади. Нутқнинг мазмуни қанчалик бой, чуқур бўлса, унинг шакли ҳам шунчалик ранг-баранг бўлиши унга муносиб жило, сайқал берилиши, бадиий бўёқлар билан жозибали қилиниши, тасвирлар билан бойитиши даркор. Бунинг учун ҳикматли сўзлардан, мақол, шеърий парчалардан, ўткир иборалар, тасвир, қиёс ва ўхшатишлардан кенг қўламда, бироқ меъёрида фойдаланишни тавсия этамиз. Булар нутқнинг безаги, кўрки, сайқалидир. Нотиқ, шу билан бирга, сатира, юмор, истиора, мажозлардан ўз ўрнида, бадиий талаффуз билан, шоирона қўтаринки руҳда ишлача, унинг нутқи тингловчини ўзига мафтун этади, гапи “ширали” бўлади, нутки қиёмига етади, тасанно ва оғаринларга сазовор бўлади.

Жозибадор, хаётий, педагоглар учун фойдали шеърлар ёзган истеъдодли шоирлардан бири наманганлик А.Жалил юқорида қайд этилган “Она тилим” шеърида ўзбекнинг мавжудлиги унинг она тилидек ўткир қуроли борлигига боғлиқ эканлигини, бу иккиси жон билан танадек бақамти эканлигини ва шу боис халқимизнинг толеи зиёдалигини қўйидаги тарзда моҳирона тараннум этган:

*Она тилим, сен бор экансан,
Биз ҳам бормиз ёргуз дунёда.
Сен биз билан жон ила тансан,
Шундан бизнинг толе зиёда.*

Бу мисраларда ҳар бир педагогни она тилимизга чексиз ҳурмат-эътибор билан қарашга, уни кўз қорачигидек эъзозлашга даъват хислари жўш уриб турибди.

Нутқ оҳангининг таркибий кисмларидан бири бўлмиш нутқ суръаги ҳам товушнинг тез ёки секин оқимидан иборат бўлиб, нутқ маданиятида мухим ўрин тутади. Нутқ ҳаддан зиёда тез ёки ҳаддан ташқари секин, суст бўлмаслиги, балки ўртacha тезликда кечиши лозим. Тез гапириш нотик фикрини яхши тушуниб, эслаб қолишни, хотирада сақлашни қийинлаштиради, талабаларнинг ёзиб олишларига имкон бермайди. Секин, суст гапирганда эса тингловчилар мудраб, пинакка кетиб қоладилар. Нутқни бошдан охиригача бир хил оҳангда сўзлаш ҳам тингловчиларни зериктиради.

Хулоса шуки, маъруза илмий, ишонарли, мантиқан изчил, мазмунан бой, шаклан ранг-баранг бўлсагина, унга қўйиладиган энг асосий талабга жавоб бера олади.

Педагог нутқига қўйиладиган талаблардан бири шуки, нутқ матни бадиий жиҳатдан пухта, тили адабий, сўзлари жарангдор, жумлалари ёқимли, гаплари лўнда, лекин мазмунни чуқур, сўзлар кам-у, маъно теран бўлиши керак.

Бироқ юқоридаги талабдан маърузада жозибадор сўзлар, дабдабали, тумтароқ гаплар албатта бўлиши зарур деган эмас, балки, аксинча, ўринсиз бўлса, заарли деган хулоса келиб чиқади. Бунинг ўрнига ҳар бир фикр, ғоя, назария, караш, дастурни бадиий, хистайғуга таъсир этиувчи шаклда эҳтирос билан баён этишни тавсия қиласиз.

Педагог ўз талабаларини қизиқтириш, уларга бадиий озиқ бериш учун ўткир ибора, мақол, рубоий, хикматли сўз, ифодали тавсифлардан зеб берувчи воситалар сифатида фойдалансин.

З-мавзу: Нотиклик санъати ва нутқ маданияти тарихи

Режа:

1. Шарқда нотиклик санъати.
2. Ғарбда нотиклик санъати.
3. Марказий Осиё нотиклик санъати намоёндалари.

Таянч иборалари: воиз, воизлик, нотиклик, шарқ ва ғарб нотиклиги, нотиклик санъати.

1

Воиз (араб.) - жамоат олдида нутқ сўзловчи, воизлик билан шуғулланувчи киши, профессионал нотик. Воизлар чуқур билим, юксак маданият ва маҳсус ижрочилик салоҳияти (чиройли ва таъсирчан овози, аниқ ва равшан талаффуз, ўз замонаси учун етакчи тилларни мукаммал билиш ва бошқа) га эга бўлган. Мусулмон шарқининг йирик олимлари, дин арбоби, адаб ва бошқалар кўпинча етук воизлар ҳам бўлганлар. Хожа Муайяд Мехнагий, Мавлоно Риёзий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воиз Ҳиравий, Баҳоуддин Валад, Жалолиддин Румий, XX-асрда муфти Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ўғли ва бошқалар сўз қудрати ва жозибали нутқ санъати билан ўз замонасининг машҳур воизлари бўлганлар.

XV-XVI асрларда яшаган Қози Ўший “Дунёда юмшамайдиган кўнгил, очилмайдиган қулф бўлмайди; мен уларнинг кўнгил қулфини сухандонлик калити билан очиб, юмшатаман”, деб ёзган экан.

Марказий Осиёда, ҳусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, нутқ маданияти ва нотиклик санъати ўз-ўзидан бирданига вужудга келган эмас¹. Унинг чуқур тарихий илдизлари ва ғоявий манбапари мавжуд бўлиб, кадимда воизлик санъатига катта эътибор берилган, унинг кўплаб истеъдодли намояндлари ибрат кўрсатиб, бой мерос қолдириб кетганлар.

“Ваъз” сўзи арабча панд-насиҳат деган маъноларни англатади; “воиз” сўзи эса ваъз айтuvчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдиради. Воизлик санъати тингловчининг,

¹ Ортиков А., Ортиков А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.: ДОНО-ХАМРО, 2002. 8-11 бетлар.

жамоанинг онгига, ҳис-туйғусига таъсир этиш маҳорати бўлиб, ҳозирги вақтда у нотиқлик санъати деб юритилмоқда.

Қадимги Шарқда (IX асргача) воизлик вазифасини шоҳлар, халифалар бажарганлар. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йифиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари (жумладан, итоаткорлик, қонунларга риоя қилиш), бошқа мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, мудофаа масалалари ҳақида ва бошқа мавзуларда ваъз айтганлар.

IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидағи маҳсус сўз усталарига юклаб, уларни воизлар деб атай бошлаганлар. “Воиз” сўзи ҳатто уларнинг исми-шарифларига қўшиб айтилган ва ёзилган.

Марказий Осиё воизлик санъати хазинасига даставвал Баҳовуддин Валад (XII аср), Жалолиддин Румий (XIII аср), Ҳусайн Кошифий, Муин воиз (XV аср) каби сўз усталари фоят бой ҳисса қўшганлар.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисолалар ёзилган. Булар қаторига Мұхаммад Рафиқ Воизнинг

Воиз Казванийнинг “Зилолу мақол”, Воиз Ширвонийнинг “Аҳсан ул-аҳодис”, Мұхаммад Воизнинг “Ҳидоят ул-тақим”, Қурайш Сайдийнинг “Анис ул-воизин”. Воиз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Қози Ўшийнинг “Мифтоқ ул-нажжих”, Воиз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Маҳзан ул-иншо” каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, муҳаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён этилган. Чунончи, тарихнавис Али Яздийнинг “Зафарномаси”да, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мантиқ ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамса”, “Чор девон”, асарларида; Зайнуддин Восифийнинг (XV аср) “Бадое ул-вақое”; Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, истеъоди, ваъзхонлик услублари ҳақида мулоҳазалар юритилган. Мавлоно Навоий воизлар “минбар устида девонавор” қиёфада ҳамда оташнафас ҳарорат ва ҳис-туйғу шижаоти билан нутқларини меъёрига етказганликларини қайд этган.

Тарихчиларнинг шоҳидлик беришларича, соҳибқирон Амир Темур, Мир Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Мирзо Улуғбек каби давлат арбоблари воизлик санъатини пухта эгаллаганлар ва фаолиятларида ундан моҳирона фойдаланганлар.

Воизлик санъати асосан уч шаклда бўлган: дабирлик, хатиблиқ, музаккирлик. Булардан биринчиси - давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзма баён этиш ва қироат билан ўқиб бериш, иккинчиси - жума кунлари пешин намози олдидан хутба ўқиш, учинчиси - жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборат бўлган. Кейинчалик, буларга республикамизда кенг тарқалган амри маъруфлар ҳам қўшилган.

Эндилиқда уларни асосан имом-хатиб, имом-ноиблар, гоҳо мударрислар ўтказаётирлар. Умуман, воизлик санъатига диний таълимот соҳиблари ҳамиша катта эътибор билан қараганлар ва бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

Воизлик санъати тингловчиларнинг, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқе ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини хисобга олган ҳолда ҳам ажратилган ва уч хил номланган:

биринчиси - юқори табақа аъёнлари ва зодагонлари учун мўлжалланган бўлиб, султониёт;

иккинчиси - жангоҳлар иштирокчилари учун мўлжалланган бўлиб, жиҳодия;

учинчиси - оддий фуқаролар учун мўлжалланган бўлиб, ғарибона деб юритилган.

Султониётда - ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган, улар кўкларга кўтариб мақталган, яъни шахсга сифиниш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ўз ифодасини топган.

Жиҳодия - жанговарлик, яловбардорлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик улуғланган, барча жиҳодга (муқаддас урушга) чақирилган.

Фаридонада эса - меңнат аҳлини итоаткорликка, ювошликка чақириш кабилар ифодаланган. Ҳар бирининг ёзилиш, ўқитиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳангига ҳам ҳар хил бўлган.

Ўрта аср воизлик санъатида ҳар бир сўз, тушунча, оҳангнинг таъсирчанилигига эришиш, муайян бир фикр, мулҳоза, ҳукм, гоя, мафкура ва хulosани ўз тингловчиларига етказиш мақсадида сухандонлик (риторика) фани ўқитилган. Ҳозир ҳам мадрасаларда бу фан ўқитилмокда. Бу давр воизлик санъатида жарангдорлик, фармонбардорлик оҳангига етакчи бўлган. Шу туфайли улар ижтимоий салмоқ, сиёсий қудрат касб этган, бадиий сайқал топган.

Воизлик ҳам, бошқа тарихий омиллар каби, ижтимоий-сиёсий хусусиятга эга бўлган. Одамлар золим ва мазлум, ҳукмрон ва тебе, бой ва камбағал табақаларга, диний ва дунёвий дунёқараш соҳибларига бўлинган жамиятда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Воизлар ўз нутқларини бадиий жиҳатдан юксак, жозибали, барча тингловчиларга етиб борадиган қилишга интилиш билан бирга, муайян ижтимоий табақаларнинг манфаатларига ҳам мослар эдилар. Натижада ваъзлар таъсирчан мафкуравий қуролга айланар, мавжуд ижтимоий тузумни муқаддас деб тушунган, ҳукмдорни яратувчининг ердага сояси, пайғамбарнинг ноиби деб тасаввур этган тингловчилар бу воизларни қизиқиб тинглар, авом ҳалқ воизга итоатгўйлик билан эргашар эди.

Дин мафкура ва таълимот сифатида танҳо ҳукмрон бўлган ўрта асрларда аксарият воизларнинг ваъзлари диний қобикка ўралган, диний таълими мазмун ва шаклда баён қилинган эди. Бундай ҳол эса илғор фикрли, тараққийпарвар, ҳақиқатгўй зиёлиларда, олим, шоир, ёзувчи ва муаллимларда эътиroz туғдирарди. Улар бундай мугаассиб тарғиботчиларга қарши чиқар, уларни фош этиб, ҳақиқатни ҳалқ оммасига, эл-юртга етказишга ҳаракат қиласар эдилар.

Одамлар қадим замонлардан буён нутқи кўркам ва кескир кишиларни қадрлаб келганлар. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот, услублар ва услубият ҳақидаги илм ўзининг узоқ ўтмишига эга. У таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса-да, унга қадар Миср, Ассурия, Вавилон ва Ҳиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиқлик санъати тажрибасидан маълум.

Милоддан аввалги 2-асрнинг 60-йилларида Гречияда риторика мактаблари вужудга келди. Милодий 1-асрларда қизлар учун грамматика мактаблари ташкил тоган. Риторика мактабларида 13-19 ёшдаш болалар ўқитилган. Бу мактаблар асосан, нотиқлик санъатини ўргатар эди. Мактаб ҳуқуқ, фалсафа, тарих, шеъриятдан таълим берилар эди. 2-асрдан ҳуқуқшунослик гуруҳлари ташкил топди. Император Марк Аврелий даврида (2-аср) Афинада олий мактаблар ташкил этилди. Бндай мактаблар кейинчалик Римнинг ғарбий вилоятларида ҳам вужудга келди. Республика даврида таълим хусусий тарзда олиб борилди, 362 йилдан бошлаб ўқитувчиларни император тасдиқлади.

Риторика (юононча - нотиқлик) - нотиқлик санъати; кенг маънода умуман бадиий наср ҳақидаги фан. Милоддан аввалги 5-4-асрларда Юнонистонда юзага келиб, мил. ав. 3-2-асрларда тизимли фан шаклини олган. Мил. ав. 1-асрда Римда тарқалган. 5 қисмдан иборат бўлган: материални топиш, жойлаштириш, сўз билан ифодалаш (3 услуб: юқори, ўрта, пастки) нотиқликнинг 3 воситаси: сўз танлаш, сўзларни бириктириш ва услубий фигуранлар танлаш), ёдлаш, талаффуз. Қадимги даврларда (Цицерон, Квинтилион) услуби ишлаб чиқилган, ўрта асрларда (Россияда Ломоносов ижодида) ривожлантирилиб) 9-асрларда адабиёт натариясига кўшилиб кетди. Кейинчалик риторика термини дабдабали, қуруқ сафсатани англатган.

Воизлик санъати - жамоат олдида нутқ сўзлаш, нотиқлик санъати; илмий-сиёсий маъруза, баҳс, мунозара, тарғибот ва ташвиқотнинг асосий воситаси сифатида кенг ижтимоий мавқега эга бўлган санъат. Юнонистонда воизлик риторика дейилган.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзига хос мавқега эгадир¹. Машхур турколог Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида илгари сурилган ғоялар бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келингандигидан гувоҳлик беради. У даврларда шартли равишда нутқ одоби деб юритилган қоида ва қўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламаликни қоралаш ва бошқалар ҳақида гап боради.

Билакнинг эмас, билимнинг, тигнинг эмас, сўзнинг кўчига, асрлардан буён тажрибадан ўтиб келган қудратига ишониб иш юритиш кераклигини ўз вақтида ва чуқур англаган - улуғ бобоколонимиз Амир Темур бу ҳақда шундай хulosага келган: “Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан...”! Буюк жаҳонгир ўзининг бу фикрига бутун умрида қатъий амал қилган ва ҳатто ғанимни ҳам аввало ширин сўз, мулоҳазали фикр билан ўзига ром этишга уринган. Бу борада шу даражага бориб етганки, унга қарши қилич қайраган, ҳатто бошини олиш учун фурсат пойлаганлардан ҳам тиф орқали ўч олишга шошилмаган - қиличдан ҳам ўткирроқ сўз орқали изза қилган, оёғига тиз чўқтирган оилар кўп бўлган.

Сўз масъулиятинн чуқур англаган улуғ саркарда ўз тузукларида кишиларнинг мартаба ва лавозимларига, ҳар ер ва ҳар эл табиатига қараб, шунингдек, ҳар доим меъёрни сақлаган ҳолда муомала қилиш лозимлигини таъкидлаб қуидагиларни битади: “Доно вазир шулдирки, ўз ўрнинг қараб гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кам мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлаца, ундан қочади ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар...”.

Нутқ маданияти ҳақида сўз кетганда улуғ ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг номи алоҳида хурмат билан тилга олинади. Улуғ шоир ўз даврида нотиқлик санъатини юксак даражага кўтаради ва нутқ маданиятига эришишнинг қатор шартларини таъкидлаб қўрсатади.

Сўзнинг тарбиявий қудратидан баҳраманд бўлишнинг, нутқ маданиятига эришишнинг биринчи шарти тинглашдир, дейди улуғ шоир ва кишиларни мана шундай хусусият эгаси бўлишга чақиради.

Киши айбинг деса, дам урмагилким ул эрур кўзгу

Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Яъни сухбатдошинг айбингни айца дарров ўзининг оқлашга - дам уришга ошиқмагин-ки, у сенинг борингни кўрсатадиган кўзгуга ўхшайди. Дам ўрганингда, гап қайтарганингда эса кўзгу хира тортади - камчилигингни бошқа кўрсатмай қўяди.

Нутқ маданиятига эришишнинг иккинчи шарти - оғзига келган ҳар қандай сўзни ўйламай демаслиқдир:

Оғзига келганни демак нодоннинг иши,

Олдига келганни емак ҳайвоннинг иши.

Алишер Навоий нутқ маданиятига эришишнинг навбатдаги шарти қисқалик ва равшанлик деб билади. Бу жиҳатдан унинг “Маҳбуул қулуб”идаги 57-60-Танбехлари ўринлидир: “Кўп гапиравчи, кўп егувчи - дўзах тўрига ошиқиб кетувчи. Сўзламоққа берилган, емоққа қул бўлган одам билим шарофатидан маҳрум бўлади.

Нотиқликда Навоий қолдирган сабоқлардан яна бири рост сўзни айтиш, чин сўзни айтотмаган тақдирда ёлғон гўзлашдан тийилишдир:

Неча зарурат аро қолгон чоғи,

Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Навоий ўз асарларида кишиларни нотиқликда тўти билан шорик (майна)нинг фарқига етишга чақиради:

¹ Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997. 120-123 бетлар.

Тұтию шорик агар нотиқдуур,
Хар бирига ўзга бир мантиқ дуур.

Умуман олганда, Навоийнинг фикрича, инсоннинг камтарлиги унинг сўзи орқали аён бўлажак. Буни шоир бир неча образлар ёрдамида исботлайди: “Бир” ғунча оизлиқ, санами нўшлаб, ғоят чиройли, лаъл лаблари кишини маст ва бодапарааст қилгудек. Аммо у сухбатда хомуш ўлтирса, ундан яхши сўз чиқмаса, суратда қанчалик ой каби гўзал бўлмасин “сурати девор ҳамон, ул ҳамон” бўлиб қолаверади.

Бошқа маҳбуба гарчи қамар рашкини келтирувчи чиройга эга бўлмаса ҳам, киприклари саф тортмаган, ўзи ғамзадор кўринмаса ҳам такаллум пайтида аччиқ сўзга ширии жавоб қайтарса, дашном билан ақлни маст қила олса, у барчани ўзига мафтун эта олади.

Улуғ мутафаккир булардан ташқари нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. Жумладан, “Маҳбубул-қулуб” асарининг 24-боби воизликка, нотиқлик санъатига бағишланган. “Муҳокаматул луғатайн” ва “Мажолисун нафоис” асарлари эса бевосита тилшунослик на назарияси масалаларини ҳал қилишга ўзбек тилининг бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини белгилаб беришга ҳамда ўзбек нутқи маданиятини ўрганишга қаратилган.

Хуллас, нутқ маданияти билан шуғулланиш, гарчи у бугунги кун нүқтаи назаридан қараганда чуқур илмий-назарий характерда бўлмаса ҳам, ўзбек ҳалқи маданий тараққиётининг барча даврларида - ўртага қўйиб келинган. Аммо шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, нутқ маданиятини юксак поғонага кўтариш, уни янада ривожлантириш масаласи ҳеч қачон ҳозиргидек кескин қилиб қўйилмаган. Масаланинг бундай қўйилиши давр талаби, ижтимоий тараққиёт талабидир. Нутқ маданиятини юксак даражада эгаллаш ва унга қатъий амал қилиш эса кишининг исонийлик бурчидир.

4-мавзу: Нотиқлик ва нутқ одоби Режа:

- 1.Нотиқлик ва нотиқлик санъати тушунчаси.
- 2.Нотиқлик одоби.

Таянч иборалари: нотиқлик техникаси, нотиқ мимикаси, нотиқлик санъати, ногтиқ одоби..

1

1. Ўрнингиздан туриб гапиришга тўғри келганда баъзан ўзингизни шунчалик сиқилган,, шошиб қолган ҳис этасиз, мутлақо равшан фикр юритолмай, нима демоқчи бўлганингиз ҳам эсингиздан чиқиб кетади.

2. Илк бор сўзга чиққанда нотиқ шунчалик ҳаяжонга тушади-ки, калласида бирор нарса қолмагандай туюлади.

3. Баъзи одамлар бемалол ўтириб олиб ёнидаги сухбатдошга ўзи билган мавзуда соатлаб сўзлаб бера олади. Агар кўпчилик олдида шу мавзуда гапиришга тўғри келса, у шу қадар карахт бўлиб қоладики, юраги дукуллаб уриб, тез-тез тўхтагандай бўлиб, барча фикрлари калласидан бирдан учиб кетгандай туюлади.

4. Баъзилар эса, уялиб, хижолат ичиди, тингловчилар қаршисида кўрқанидан тили айланмай қоладиган ҳолат содир бўлади.

5. Машхур нотиқлар ҳам даставвал ҳисобсиз кўрқув ва тортинчоқликнинг азобини тортишганлар. Одам гапириш пайтида содир бўладиган ваҳималардан кўрқмаслиги керак.

6. Нотиқ биринчи марта сўзга чиққанда кўз олди қоронғилашиб тиззада қалтираш, дағ-дағ титраш ҳолати содир бўлиши ҳам мумкин.

7. Баъзи нотиқларда (биринчи марта) минбарга чиққан заҳоти, гўё оғзига латта тиқилгандай ҳис этиш, томир уриши тезлашиб, ҳансираш ҳолати кечади.

8. Биринчи бор сўзга чиққан нотиқда, дастлаб бирор сўзни ҳам айтольмасдан, тили танглайига ёпишиб қолгандай куйга тушиши ҳам мумкин.

9.Баъзи нотиқдарда мұхиттә мослашиш оғир ўтиши мүмкін. Унинг овозида кескин ўзгариш ёки ёқимсиз овоз билан қулоқни тешгудай гагшриши ёки овозида қалтираш сезилиши ҳам мүмкін. Бир неча дақиқадан сүңг дадиллик, жүшқинлик, самимийлик, фикрни жамлаш, ўзини ўнглаб олиб чиройли нутқ сўзлаши мүмкін.

НОТИҚДАГИ ХОҲИШ-ИСТАКЛАР

1.Нотиқ кўпчилик хузурига чиқиб, ўзига ишонч ҳосил қилган ҳолатда хотиржам фикр юритишни жудаям истайди.

2.Агар нотиқ бир неча машғулотларни яхши тайёргарлик билан ўтказа олса, унда ҳадиксираш камаяди. Ўзига нисбатан ишонч ортади. У машғулотларни икки ой узлуксиз давом эттирса, нотиқ сифатида намоён бўла бошлайди.

3. Нотиқликни эгаллашни истаган ҳар қандай одам ўзида, бекиниб ётган истеъдоднинг қобилият кўзини очиши қийин кечмайди, Фақат унда жуда кучли хоҳиш-истак бўлса бас.

ТОРТИНЧОҚЛИК ВА ВАҲИМАЛАРНИ ЕНГИШ ЙЎЛЛАРИ

1.Одам ўтирганда фикрлаганидек, тингловчилар қаршисида тик туриб фикрлашдан тўхтамасдан гапира олиши мүмкін. Агар у ўзини тута олса, яҳшироқ фикр юрита олиши ҳеч гап эмас. Бундай одамга тингловчиларнинг иштироки ундовчи вазифани бажаради, улар илҳомлантиради, фикрни равшанлаштиради.

2.Ўзини тутиб олган нотиқда фикрлар, далиллар, ғоялар эсига кела бошлайди. Аудитория илҳомни чақиради. Олдин хаёлида бўлмаган фикр, ғоя, далиллар қўз олдида қанот қоқа бошлайди. Уларни тутиб олиб, баён қилиш керак, холос. Астойдил қилинган машқ ана шундай ютуққа олиб келади.

3.Сидқидилдан иш ва амалиётни қалдан ҳис этган нотиқ тингловчилар қаршисида содир бўладиган кўркувдан ҳолос бўлиб, ўзига ишонч ва марданаворлик сезади.

4.Баъзи нотиқлар кучли ҳаяжондан қутилиш учун, қўлларини мушт қилиб ёки минбарни, стол-стулни қаттиқ ушлаб, ўзини ўнглаб олиши ҳам мүмкін.

5.Баъзи нотиқларга сўзлаш навбати келганда, аввалига саросимага тушиб кайфияти содир бўлади, гапира бошлагач, бир неча сонияда бу ҳолат барҳам топади.

6.Омма олдида нутқ сўзлаш нотиқда ҳамиша масъулиятли кечади. Бу баъзан кескин, баъзан ҳаяжон, баъзан руҳий ҳолат билан боғлиқ. "Яхши нутқ ҳаяжон билан йўғрилган бўлиши керак" - дейди Цицерон. Машҳур актёр Шукур Бурхонов билан ишлаган режисеёрларнинг кузатишлирига қараганда, репетеция пайтида режиссёрларни анча қийин аҳволда қолдирап экан. Шукур Бурхонов "матор" сўзини эшитиши билан бутунлай бошқа қиёфага кириб, режиссёрларни ҳайратга соларкан. Бутун вужуди билан асар қаҳрамонига айланар экан.

7 Агар нотиқда интилиш суст бўлса, нотиқликни эгаллаш ҳам суст кечади. Агар шу санъатни эгаллашга иштиёқингиз баланд бўлиб, хатти-ҳаракатингиз жўшқин бўлса, албатта, тез муваффақиятга эришиш қийин кечмайди. Бунинг учун кучли кўтаринкилик билан мустақил билим олишдан чекинмаслик жуда зарур. Бу ҳолат нотиқда ҳар қандай аудиторияда янада ишончли тарзда сўзлаш қобилиятини шакллантириши турган гап.

Кайковус "Қобуснома"да: "Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қил. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади", дейа уқтириши бежиз эмас.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз нутқида "Ўз фикрини мутлақо мустақил ада тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун оқлаш ҳам, тушуниш ҳам қийин", деган эди. Мадомики, шундай экан, ўз она тилимизда чиройли гапириш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз эканлигини унутмайли.

Чонси М.Депью: "Инсон эгаллаши мүмкін бўлган қобилиялар ичидаги уни қисқа фурсатда мартабага эриштирувчи ва машҳур этувчи омил, бу чиройли сўзлашдан бошқа қобилият эмас", деган эди; Филипп Армон эса "Мен таниқли капиталист бўлгандан кўра таниқли нотиқ бўлишни афзал кўрардим", дейа фикр билдиради.

НОТИҚҚА 39 МАСЛАХАТ¹

1. Нотиқ аудиторияга чиқищдан олдин нима ҳақида гапириши лозимлигиии үйлаб, пишитиб олмаса, режалаштирмаса омма алдидә үзини дадил тута олмайды.

2. Нотиқда тингловчилар олдидә саросимага тушиш ҳолати содир бўлса, ундан қутилиш учун столни у ёқ бу ёқка суриши, қўлига ручқани олиши, доскага ниманидир ёзиши, дераза ёки эшикни очиб ёпиши, китоб ёки варакларни саранжом этишга бўлган ҳаракатлар, оёқ панжаларини ғижимлаши саросимадан чиқишга ёрдам беради.

3. Нутқ сўзлашда дадиллик муҳим ўрин тутади. Нотиқ шундай ҳаракат қилиши лозимки, тингловчилар унй дадил деб қарашсин. Албатта, бунинг учун мавзуни яхши эгаллаш муҳим. Агар мавзуни чуқур билмаса, барча ҳаракатлар фойда бермайди. Мавзуни яхши эгаллаш эса, қўрқув хуружидан нотиқни асрайди ва мардлик шиҷоатини юзага келтиради. Мавзуни яхши эгаллаган нотиқ, минбарга чиқищдан олдин чуқур нафас олиб дадил гапира олади. Чуқур олинган нафас ҳаяжонланишини тўхтатади.

4. Нутққа тайёргарлик кўриш қоғозга ёзиш, уни ёд олиш, ёдданган ҳодатда тасаввур этиш эмас, бу - үйлаш, фикрларни каллада обдон пиширмоқ, эслаб қолиш, уни саралаш, силлиқлаш, тартиб билан мавзуга хос тарзда тизиб чиқищдир.

5. Нотиқ шоир ва ёзувчи каби синчков бўлиши керак. Масалан, Мақсуд Шайхзода "Тошкентнома" достонини ёзишда фикр келганда, "Казбек" папироси қутисининг четларига ёзиг юрган. Ўткир Хошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битикдар (ёзувлар)" и ҳам шундай синчковлик самарасидир. Нотиқ ҳам ўзида бирор савол туғилса, уни ён дафтаригами, ёки чўтагидаги бир қоғозгами ёзиг юради-да бирор папкага солиб қўяди. Бундан ташқари, кимдандир бирор янги гап ёки сўзни эшитиб қолса уни ҳам ёзиг қўяди. Саволларига жавоб ҳам баъзида кўча-кўйдан топидади, Қисқача қилиб айтганда, одамдарнинг гап сўздаридан ўзига керакли дурларни йиғиб юради. Бу йиллаб, ҳатто ундан ҳам кўп вақтда йиғилган ёзувли қоғозъарчадари вақти келиб, нутққа тайёрланиш пайтида ёйилиб, сараланиб, уларга нимадир қўшиб, ниманидир олиб мавзуга мос фикрларний халқона фикр билан бойитади. Эркин Воҳидов сўзлари билан айтганда:

Эл устозим, мен эса толиб,
Сўз дурларни термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.

6. Ваъзга! тайерланишда тайёр материални бирор жойдан кўчириб олиб, уни ёдлаш ва маъруза қилиш билан иш битмайди. Ваъзга тайерланиш учун шахсий фикр-мулоҳазаларни тартибга солиб, уларни ҳам саралаб тингловчиларга етказиш муҳим. Нотиқ ўз фикр-мулоҳазаларини шахсий мисоллар билан бойитиб борсагина ютуққа эришади.

Нотиқ мавзу ҳақида кўп фактларни билиши мумкин, бироқ уларга тартиб бермаса ваъз муваффақиятли чиқмайди. Нима ҳақида гапиришни аудиторияга киришдан олдин, кичик бўлса-да режалацгириш жуда муҳим. Агар шундай йўл тутилмаса, нотиқ- нинг гаплари айқаш-уйқаш бўлиб кетади, ҳатто ўзини йўқотиб, терлаб, тез-тез сув ичиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат Содир бўлса, ҳатто тингловчилар ҳам қийналиб, нотиққа раҳмлари келади. Маърузада кириш ва хотимамуккамал бўлиши, нутқдатозалик ва фактлар аниқлиги, фикр лўндалиги, ортиқча сўзлар бўлмаслиги, талаффуз тинниклиги муҳим ўрин тутади. Нутқ ҳис-ҳаяжонсиз, ланж тарзда бепарволик билан ўқилса, тингловчиларда кучли таассурот уйғотолмайди. Нутқ чуқур хиссиёт билан, кўтаринки руҳда, чуқур самимият билан ижро этилса, нур усигига аъло нур бўлади. Қисқаси, нотиқ ўз фикрларини ўзи бошқара олиши керак.

Нотиқ нимани гапириши ҳақида эмас, балки қандай гапи-риши кераклиги тўгрисида бошқалардан масдаҳат олгани маъқул. Яъни батафсил баён этиш сирларйни яхши ўзлаштирган бўлиши жуда муҳим. Баён этиш сирлари эса, нутқнинг равон, ўткир, ишончли бўлишини таъминлайди.

¹ Бекмирзаев Н. Нотиқ, нутқ, хулқ. –Т.: Ноширлик ёғдуси, 2011. 9-28 бетлар. +998909545547 Норкул

7.Бу санъатни ўрганишнинг яна бир усули маърузага тайёр- гарлик кўриш асносцда видео дискига ўзини ёзib олган нотик, ўзини-ўзи кўриб, эшица янада яхши самара беради. Албатга,. бу бироз вақтни олиши мумкин, лекин бундан эринмаслик керак. Бу маслаҳат бошловчи нотиклардан ўзларини шакдлантириш жараё- нида узлуксиз бир-икки ой шундай машқни талаб қиласди. Ўзини тутиб олган нотиклар ҳам жиддий давраларда, хукумат аҳамия- тига эга бўлган катта йиғинларда сўзга чиқишидан олдин шу усулни кўллашса фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундай машқ нотик танланган мавзу хусусидаги фикр-ўйларини бойитиб, хотираға ўткирлик, тафаккурга изчиллик бахш этади.

8.Қоғозга қараб ўқиб бериш, маърузага тингловчиларнинг қизиқишини пасайтиради. Аудитория билан нотик ўртасидаги флоқа ришталарига зарар келтиради. Иложи борича қошзга қара- маслик керак. Жуда бўлмаса, маърузанинг кичик режасини чўнтак- Ка солиб кўйилса, кўнгил тўқ бўлади.

Жуда қўрқсан нотик мавзуга оид далил, мулоҳаза ва чақириқ- Ми катта қогозга катга ҳарфларда ёзиб, китобнинг орасига солиб кириши ва гапиришни бошлашдан олдин, тингловчиларга сездир- ' маган ҳолда кўзи ташланадиган жойга қўйиш керак. Сал мавзудан четлашиш ҳолати содир бўлса, токи ўша режадан фойдаланиш кулагай бўлсин.

9.Қисқаси матнни қогозга қараб ўқиши ва уни сўзма-сўз ёдлашга одатланмаслик керак. Бу нотикдан қўп вақт талаб қиласди ва фикрлашга ҳалақит беради. Нотик гапираётганда ёд олган ибораларни ўйлаб, маъруза мавзуси ва мазмуни ҳакида ўйлаши керак. Бу жараёнда нотик ўзига ўзи буйруқ беради: ушбу мавзу борасида мен шундай тақдифни ўртага ташлайман, фалон сабабларга кўра, шундай қилиш лозим дейман, дейди.

10.Нутққа тайёрланиш ва сўзга чиқиши сафарга тайёрланиш ва чиқиши каби дикқатни жамлашга яқин туради. Ўзингиз олдин билган ёки билмаган шаҳарга бормоқчи бўлганингизда керакли нарсаларингизни жамадонга тартиб билан жойлаб кўнгил хотиржам бўлгач, йўлга чиқилади. Срга чиқишида ҳам фикрларни жам- лаб, режата солинмаса, фикрларингиз чалкашиб кетиши мумкін. Энг муҳими, ўз нутқларингизни ўқиб берманг, тингловчилар қизи- қишини сўндиради. Маърузадаги далилларни эсда сақлашнинг йўли далилларни ўрганаётганда дикқат-эътиборни жамлаб бутун вужуд билан киришиши талаб қиласди. Бундай пайтда атрофдаги ҳар қандай шовқйнлар ҳам эътиборингизни тортиб ололмайди. Нотик руҳий жиҳатдан ўзини ана шунга ўргацашна, у ўқиётган нарса хотирасидан мустаҳкам ўрин олади.

11.Нотик ўзи ёзган маъруzasини овоз чиқариб ўқиса қулоқ- лари орқали ҳам мияга ўтади. Ёзувни эса кўзи билан кўриб мияга ўтказади. Бундай машқ хотирада икки томонлама мустаҳкамла- нади. Яъни у ҳам эшитади, ҳам кўради.

12.Ал-Азҳар университети (Қоҳирада)да кириш имтиҳонида "Куръон"ни ёддан айтиб бериш лозим. "Куръон"ни ёддан ўқиши эса тақрорлаш натижасида амалга оширилади. Ёдлаганда ҳар жуфт ибораларни (яъни, оятларни) ёдда қол!унча 8-10 марта так- рорлаб, кейиннини ҳам шундай хотирада қолдирилади. Масалан, бир сурга ўн оятдан иборат бўлса, аввал биринчисини, кейин иккинчисини, сўнгра биринчи ва иккинчини хотирада қолгунча ўн мартағача эринмай гакрорланади. Сўнгра қолган оятлар ҳам бўр- бирига шундай боғланиб ёд олинади. Ўн оятни ҳам ёддан айтишини ўргангач, яна ўша сурани ўн марта тақрорлаш лозим. Марҳамат, энди эсингазда чиқмайди. Маъруза матни эса бўнчалик қўп вақт сарфлашни талаб қиласди. Гапириш лозим бўлган далилларни хотирага жойлашда, ўша далилларни тахминан "Нега шундай? Нимага шундай бўлди? Қачон? Қаерда? Ким билан? Энди нима қисса бўлади?", деган саволларни ўзиншзга бериб, фикр юритиш ва уларга жавоб топишга одам ўзини мажбур қилиши, яъни, далилларни таҳлил қилиб хотирада мўстаҳкам жойласа бўлади. Фақат тайёрланиш жараёнида эринмаслик керак, нотик ўзига-ўзи эзмалик қилиши зарур. Хотирани мусгаҳкамлашнинг йўллари шу ҳолатларда намоён бўлади. Керак бўлганда шеърларни, насрой1 парчаларни ёдлаб оламиз-ку. Ёки акгёrlарни олинг. Бутун бошли бадиий асарлардан ўзига тегишли парчаларини ёдлаб[^] образли қилиб ижро этишадилар-ку! Қисқаси хотирани чархлаш усули тақрорлаш, тақрорлаш ва яна тақрорлашдан иборат. Одамлар нимани

гапирганингиздан кўра қандай гапирганингизга эътибор беришади. Яна бир ҳолат тингловчилар қалбидан ўрин олади: ким гапиряпти, қандай гапиряпти, нимани гапиряпти.

13.Нотик учун энг муҳими, ифодали ўқишига амал қилиш. Нутқда энг керакли сўзлар ва ибораларни алоҳида, ифодали, тииик ва ишонарли тарзда ажратиб шароитга қараб, ўқиш жуда муҳрм. Тингловчиларни ром этадиган амал, усул ҳам шундай ҳолат билан боғлиқ. Бў каби амаллар маърузага табиийлик ҳам бахшэтади.

14.Табиийлик эса самимийликка, кўтаринкилиюса, теран ишончга чирой бахш этади. Чунки бундай вазиятда нотик маъру- засига қалбини башшлаган бўлади. Бу ҳар бир нотиқнинг ўз услу- бига боғлиқ ҳодиса. Ер юзида олти миллиарддан зиёд одам яшаёт- ган бўлса, улар ҳеч қачон бир-бирИга ўхшамайди. Уларнинг ҳар бири ўзига бир "тирик сайёра". Чунки улар ҳар бири фақат ўзи ўзига ўхшайди. ШуниНг учун бир нотик иккинчи нотиқка тақлид қилиши мумкин. Лекин ўзидағи табиийликни ўз маърузаларида юзага олиб чиқолмас экан, у ктукқа эрйша олмайди. Ҳеч бир ёзувчи ёки шоир ёхуд актёр ва рассом бир-бирига ўхшамаган ўзигагина хос усуlda ижод қилгани каби ҳар бир нотик ҳам ўзига хосдир. 1

Шунинг учун ҳам ҳар бир нотик ўзига хос характерга эга. Улар орасида ўта маданиятли, хатти-ҳаракатлари жуда нафис, назокат- ли, юморга унчалик майли йўкроқ, такаббур, ёрқин ақлга эга, шижаоти тез, ўзини бошқалардан юқорироқ кўювчи кишиларга мансубларий ҳам бўлИши мумкин. Бунга қарши ўлароқ, кескин гапиравчи, кўпол, юморга бой, латифа. ва ривоятларни ўрнига қўйиб, таққослашларга уста, ҳеч кимга тақлид қилмайдиган, ўзи- нинг табиэтига мос, ўзига оро бермайдиган, вазмин ва андиша билан гапирадиган, фикрлаш жараёни бироз сусгроқ, хотиржам ва эҳгиёткор киши ҳам бўлиши мумкин. Нотиқлар турли-туман кишилар бўлсада, ўзларига ишонадиган ўзиларига хос соғлом фикрловчи бўлишлiği билан нотиқлик санъатини яхши эгаллаган кишилар сирасига киради. Чунки, уларда истеъодини тўлиқ намойиш этиш қобилияти шаклланган бўлади. Бу ишга улар ўзларини қалбан башшлаган бўладилар.

15.Нотик ўзини табиий тутиши, муҳим бўлган сўзларни баланд оҳангда таъкидлаб, қайтариб гапириши, гапириш тезлиги- ни узлуксиз тарзда ўзгартириб туриши лозим. Ана ўшанда, нутқда ишончлилик рухи намоён бўлади. Бундай усул тингловчилар билан нотик ўргасидаги алоқа ришталарини мустаҳкамлаб бора- дй. Бирор муҳим фикр айтишдан олдин аудиторияга қараб: "Менга қаранг!" деб оралигини сақлаш, сўнгра фикрни салмоқлаб етказиб бўлгач яна пауза билан "Тушундингизми?" дея савол билан мурожаат қилиш ҳам яхши фойда беради.

16.Бундай ўйлаб қарасак, ҳамма одам ҳам таъсирили гапира оладй. Масалан, мен кўпчилик олдида гапира олмайман деган одамнинг ёки ҳамиша жим юрадиган, кўп гапирмайдиган фақат савол берсангиз қисқа жавоб берадиган ёхуд доимо караҳт юрадиган гараншома кишига, узоққа борманг, ўз жуфти ҳалолингизга, оилангиздаги яқин кишиларга бир қўполлик ишлатиб кўрсак, туртқилаб ёки тилимиз билан чақиб одсак, ана ўшанда кўрасиз, уларнинг нотиқлишни. Улар ўйламай-нетмай шундай таъсирили гапирадиларки, ана энди уларни тўхтатиш амри маҳол, Айниқса одам жаҳли чиққанда ўгкир нотиқка айланади. Ҳаётда нотиқларнинг бундан тоифалари ҳам бор.

17.Нотик аудитория тингловчилари билан алоқани мургах- камлашда, "Бу гаплар менинг гапим эмас, буни фалон инсон айтгган?", "Ишонмайсизми? Унда фалон китобнииг фалон бетини ўқиб кўринг!", "Ишончиниш комил бўлсир, мен ёлгон айтаёт- ганим йўқ!", деган таъкид гаплар -пшгловчиларнинг ишончини ва қизиқишини оширади. Бу албатта, нотиқка муваффақият олиб келади. Нотик учун такрор бўлсада, таъкид, оюзнинг тебраниб туриш, талаффузда сўзларни ажратиб кўрсатиш, зарур гай олди- да тўхтаб, у гап тингловчи онгига синггандан кейин ҳам аудито- рияга тикилиб қараб туриш каби ҳолатлар нотик учун ўта муҳим саналади, унинг обрўаши оширади. Бу ўринда нотик гапирган сўзлар эмас, унинг нутқ услуби пешқадамлик қиласи ва нутқнинг безагига айланади. ^

18.Инсон ҳәёти - ақлий, жисмоний, маънавий, рухий, афзалик, майиллик, жүшқинлик, куч-қувват, тажриба маълумотлар- дан атроф-муҳитга боғланишдан иборат. Маъруза қилаётган нотиқ буни эса тутмога лозим. Шунга қараб фикр юритиш нотиқ учун кони фойда. Чунки ҳар бир одам "Нисбийлик назарияси" каби чигал, уни тушуниш эса мураккаб жараён ҳисобланади.

19.Нотиқ эртага маъруза ўқиши керак бўлса, албатта, яхши дам олмоғи керак. Чарчаган ҳолатда сўзланган нутқ, нотиқни ҳам, тингловчини ҳам қониқтирмайди. Маъруза ўқийдиган нотиқ елгилгина овқатланиб, жисмоний ва ақлий дам олгани маъқул. Ўзини зўриқтирган нотиқнинг жисмида заарли моддалар йиғи- либ, мия чарчайди, ланжлик хукмрон бўлиб, дармонсизлантириб, асаб ва мия тИзимини заифлапгирди. Ҳатто машхур қўшиқчи- лар ҳам кечкурун концертга чиқадиган куни тушлик қилмасдан, чиқишига икки соатлар қолгандв енгил ҳазм бўладиган овқат танаввул қилиб, устида 150 грамм сув ичишар экак. Шундай қилинса, овоз тиниқ ва жарандор чиқаркан. Бекорга дутор ва рубоб, танбур каби мусиқа асбобларининг бош қисмидаги дарахт- дан кесиб олинган ёғочнинг ичи говак қилиб кавлаб олинмас эканда, агар кавлаб олинмаса, овоз тиниқ, ёқимли чиқмагани каби одамнинг қорни тўқ бўлса ҳам овози жарангдор, ёқимли бўлиб, чиқмайди. Бу гап нотиқка ҳам даҳлдор. Агар қорни тўқ бўлса, мияда айланиши керак бўлган қон ошқозонга тушиб, ундан овқатларнинг ҳазм бўлишига хизмат қиласди. Мияда эса қон яхши айланмайди, натижада фикрлар туман орасида қолиб, нотиқ мақсадига эришолмайди. Нотиқ агар дам олиш ва овқатланиш қоидасига амал қиласа, файрат, шижаатли ҳаётий кучи нурланиб, ҳиссиётлар билан сўзлайди.

20.Нотиқ учун шинам, ярашиқди кийиниш ҳам муҳим. Шилвираган кийим кийган нотиққа тингловчилар ҳурмат билан боқмайди. Нотиқнинг ташқи шакли ҳам таъсирчан нутқига мос бўлиши керак. Шеърда шакл ва мазмун мослиги уни қандай жозибали «ўрсаци», нотиқ учун ҳам твшқи қиёфа ва мігшавият шуадай аҳамият касб этади.

21.Нотиқ тунд бўлиб минбарга чиқса, тингловчилар ҳам тунд ҳолатни бошидан кечиради. Нотиқ ёқимли қиёфада, кулимсираб минбарда нутқ сўзласа, у тингловчиларга ҳам жозиба улашади. Ҳадисларда қайд этилишича, сухбатдошга табассум билан боқиб гапириш энг катта савоб экан. Модомики, инсон чехрасидаги табассум бошқаларнинг юзида ҳам табассумла меҳр нурини тарэтади.

22.Нотиқ учун ёруг хона, тоза ҳавога тўла аудитория бўлса, унга ҳам тингловчиларга ҳам ёрқин кайфият баҳшлайди. Шунинг учун ҳам жуфтлик соатлар оралиғида ўн дақиқа танаффус берила- ди ва хонани тоза ҳаво эгаллайди. Аудиториядаги пала-партиш- лиқ ортиқча сгол, стуллар, айниқса, саҳна тарафда бўлса саҳна мусоффолигини бўғади ва ўз навбатида нотиқни ҳам тиниқ қўрсатмайди. Тингловчилар эса маърузачини бўйи-басти билан кўришни, сўзларини эшитишни истайдилар.

23.Нотиқдаги имо-ишорали хатти-ҳаракатлар, ҳар кимнинг ўзига хос табиийлик касб этиши, чин дилдан ва нотиқнинг ҳис- сиётларидан ҳосил бўлмоғи лозим. Имо-ишоралар самимий ички ҳолатининг ташқи хатти-ҳаракатларда ифодаси бўлиши керак. Уни эрталабки гимнастикма шағулотларига ўҳшатиб, тартибга солиб бўлмайди. У табиий бўдиши нотиққа чирой баҳш этади, худди ўзига муносиб либос каби ярашади.

24.Маърузачи нутқининг кириш ва хулоса қисмини жиддий тайёрлаши, керак бўлса сўзма-сўз ёддан билиши муҳим. Хулосага кедганда, шеър ёки юмор билан, ҳар доим шу мавзу бўйича ўйга чўмдирадиган фикр билан якунлашда хулосаншз кириш билан узвийботлиқбўлсин.

25.Нутқда асосий фикр муҳим ўрин тутади. Уни тақрор- тақрор таъкидлагандан, бир хид сўзлардан эмас, балки унга мос муқобил иборалардан фойдаланилса, тақрорлаганинг сезидмай- ди. Математикада ўнта масалани бир хил усулда ечгандан кўра, битта масалани ўн хил усулда ечиб, исботлаб берилгани каби.

26.Инсон ўз-ўзидан вужудга келадиган хоҳиш-истаклари билан яшайди. Унга нима ёқади, нима ёқмайди, нимадандир нафратланади, нимадандир аччиқланади. Одам ўзининг ўй-ҳаёлларини назорат қилмаса, ўзининг "мен"и хукмида қолади. Яъни қўнгил хоҳишига

ақлни енгади. Бундай ҳолатда ақл устун бўлмоғи даркор. Табиийқи, инсоннинг ўзини ҳақли деб билиши, ўз-ўзини улуғлаши, унинг асосий мақсади бўлиб, барча ўй-оаёлдарига таъсир қиласи. Мадомики шундай экан нотиқ ўз тингло^чиларига нутқ сўзлаётганда, ўзини ҳақли деб, мен билимдонман дийишдан, ўз-ўзини улуғлашдан узокроқ бўлмоғи жуда муҳим. Нотиқ билиб айтган бирор воқеа, дейлик фалон жойда катта юк кемаси фалон тонналик нефть билан сувга чўкиб кетгани ҳақида гапирсада, тинг- ловчини бу воқеадан кўра уйидаги ваннасига жумракдан сизиб турган сув кўпроқ ташвишга солади. Вахимали воқеа ҳақида эса, ҳа, шунаقا бўлибди-да деган фикр ўтади холос. Шунинг учун нотиқ ўз тингловчиларини қизиқтирадиган касби-кори ва мансабига хос мавзулар ҳақида гапиришга ўзини тайёрлаши керак.

27. Нотиқ ўз тингловчиларига мурожаат қилаётганда, уларнинг "ўзлари ўзларини қизиқтиришини" ҳисобга олиши жуда муҳим. Умумий йўналишда мушоҳада қилиб қўрсак, инсониятни ўзига тинимсиз чорловчи учта энг қизиқ нарса бор: 1. Нафс туйғуси. Бу ҳар бир одамдаги бош миянинг неча фоизи ишга тушган бўлса, тахминий шундан 80 фоизигача ҳаётни банд этади. 2. Бойлиқ, яъни хусусий мулк. Бу ишлаб турган мия фаолиятининг 10 фоизига тенг деб таҳмин қилсак, қолганичи деган савол туғилади, бу учинчи нарсага тегишли. 3. Динга эътиқод масаласи. Динга ҳам одам мия фаолиятининг 10 фоизи ишлайти деб фараз қилайлик. Агар шу уч қизиқарли масалалар орасидаги фоизлар муозанатни қайси нарсага қараб ошиб борса, ўша қизиқарли нарса ғолибликни кўлга ола бошлайди. Шунинг учун нотиқ тингловчиларга гапираётганда юқоридаги мувозанатни ҳам меъёрида самашни улар онгига усгалик билан, санъаткорона йўсинда сингдиришини удалай билиши керак. Бу қизиқарли нарсалар шахс- вишг иш фаолиятига қараб фоизлари ўзгариши мумкин. Масалан, ақлий меҳнат кишиларида биринчи қизиқарли нарсага нисбатан, кейинги иккитасига интилиш кучлироқ бўлиши мумкин.

28. Нотик, энг аввало, она тилидан изчил ва фаол фойдалана олиши муҳим. Бунинг учун кўпроқ бадиий асарларни ўқишга тўғри келади. Мободо ўқиётган китобида янги сўз учраб қолса, эринмасдан лугатдан ўша сўзнинг маъносини билиб олиш керак.

29. Одамлар нотиқнинг сўзларига қараб баҳо беради. Биз инсда сифатида бошқа бирор одамни билмоқчи бўлсак, албатта, унинг касби-корига қараймиз. У одам нималарга қодир, нима тилжри билан бошқалардан фарқланади. Қандай лавозимда ишдайди. Лавозим жиҳатдаи биздан юқори бўлса, камтарлик ва юмшоқлик билан муомала қиласиз. Агар у одам пудор ёки бой бўлса ҳам қандайдир қимтиниб муомалада бўламиш. Нима бу? Манеабдор ёки бойдан кўрқанимиздан н^ундай қиламиزمи ёки бирор жойда менга ҳам ёрдамтегиб қолар деб, ўз манфаатимизни ўйлаймизми? Баъзида кимларнидир кўрқиб хурмат қиламизди? "Кўрқиб хурмат қилгандан кўра, хурмат қилиб кўрқсан яхши эмасми?" Ога-оналаримиздан эса доимо хурмат қилиб, кўрқамиш. Ҳаммамиз ҳам қилаётган меҳнатимиз билан одамлар эътиборига кирамиз. Энг муҳими, одамларга қилаётган муомаламиз жуда эгътибор талаб қиласи. Демоқчимизки, ширин ёки қўпол сўзи- мизу- ҳаракатларимизга қараб баҳо оламиш. Шунингдек, нима ҳақида гапиришимиз мавзуси ҳам муҳим ўрин тутади. Биз гапир- моқчи бўл!ш мавзуни сухбатдошимизга қай усулда етказишимиз кўп нарсага ботлиқ. Мана одамларга баҳо берганда, назаримизда, юқоридаги хислатларимизга қараб хукм чиқарадилар.

Ёки шоир Азим Суюн ёзганидек:

Дунёга кедгандик қани пўш-пўшлаб,
Хадемай қайтамиз хайр ҳуш-ҳушлаб.
Ортдаги ном қолар яхши ё ёмон,
Одил ҳалқ туребди тарози ушлаб.

30. Одамлар билан муомала, муносабатда хушомадтўйлик ёки лаганбардонлик саётъати ҳам учрайди. Бу кўпроқ жазманларга қўл келиши мумкин. Агар эркакнинг сухбатдоши енгилтак аёллардан бўлса, бундайлар хушомадни ёқтиради. Хушомадгўйлик ҳам санъат. Бу ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди. Хушомадгўйлик - бу сохталиктининг ўзи. Яқиндаги фойдани кўриб, узокдаги зарарни кўра билмаслик. Бирор одамнинг яхши

фазилатларини эътироф этиш самимилик ҳисобланса, хушомад мунофиқлик саналади. Самимилик юракдан чиқади, уни гапираётган одамнинг чехраси очилиб, кўзлари чақнаб гапиради. Хушомад эса оғиздагина, актёр роль ижро этаётгандай айтилади. Буни зийрак одам тез фаҳмлайди. Эътирофда холислик бўлса, хушомадда худбинлик бўлади. Очикчасига хужум қиласидиган одамлардан қурқаслик керак, аксинча, хушомадгўйлик қиласидиган дўсту яқинлардан кўркиш керак.,

31.Одам ўзи-ўзини мақташни касб қиласлиги керак. Ҳатто бу ҳолат ички кечинмангизда содир бўлгавда ҳам ўзингизни босишга харакат қилинг, бу кибр ва манманликка олиб келади. Кибр ва манманлик эса катта гуноҳ эканлигини унутмайлик.

Одам ўзи шахсий ютуқларини, обрў ва орзуларини мақташ- дан қўра, бошқаларнинг ютуқларини, ижобий хислатларини холисона баҳолангани маъқул. Бошқаларга ижобий баҳонгизни беришда виждан амрига амад қилиб, самимий гапларни эсда қоладиган тарзда баён этиш фойдали. Бундай ҳолларда мақтовга сахий бўлиб, ширин сўалардан фойдаланиш жуда муҳим. Ана ўшандапша тингловчилар сўзларингизни қадрлаб хотираларида узоқ сақлайдилар.

32.Сиз нутқ сўзлаётган *ўфпориллаги тингловчилар ёки сухбатдошингизни нимани хоҳлашига қараб гапирсангиз, улар сизни яхши кайфият билан тинглайдилар. Умуман, инсоннинг хоҳиши ҳаётда яшаши учун керак бўладиган нарсалар: уй-жой, бола-чақа, озиқовқат, ўзининг ва болаларнингсоғлиги, тинчлик ва хотиржамлик билан бирга буюк бўлиш ва жинсий майилликни ҳамда пул ва пулга сотиб олиши мумкин бўлган буюмларни, шахсий эътиборни ҳам ич-ичидан истайди. Баъзи одамларда эса иззатталаблик касали ҳам учрайди. Нотиқ юқоридаги кабиларни қисман бўлсада қўра билиши ва нутқида ўрни-ўрни билан тингловчиларнинг хоҳиши ва истакларига мос мисолларни ҳам ишлатиши лозим. Тарихда машхурлика эришган шахсларда ҳам янада номларнинг дабдабали бўлиб тарихда қолишларига инти- лишлар бўлгани маълум. Масадан, Жорж Вашингтон ўзини "Қўш- ма Штатлар Президенти Жаноби Олийлари" деб аташларини хоҳлаган. Колумб эса "Океан адмирали ва Ҳиндистон вице-қиро- ли" унвони хақида орзу қилган. Екатерина П "Император Жаноби Олияларига" деб ёзилмаган хатларни хуш кўрмаган. Виктор Гюш Парижни унинг шарафига қайта номлашни талаб қилган бўлса, Шекспир ўзининг авлоди учун гербга эга бўлишни йстаган. Бундайлар ҳозир ҳам учрайди. Туман ва вилоятларда бир вақтлар хўжалик директори раис ёки ҳоким бўлган одамларни "Директор бува", "Раис бува", "Ҳоким бува" дейишади. Ўша одамлар энди "унақа демант" дейишмайди, демак, шундай аташларини ўзлари ҳам хоҳлар эканда. Бу гап бошқа соҳада раҳбар бўлиб ўтгандарга ҳам таалуқли. Айниқса, шифокорларда фалончи фалончиевич деб мурожаат қилиш урфга айланган, улар шундан хурсанд, шуни хоҳлашади ва ҳакозо.

33. Нотиқ ўз нутқида инсон ақл-заковатининг ҳали кашф қилинмаган сирасорларига ҳам шама қилиб, тингловчиларни бардош ва изланишга, ноумид бўлмаслик, интилиш, самимий муомала ва мулоқотларга, бағрикенглик ва мардликка ундовчи фикрлари билан улар қалбida яшириниб ётган жўшқинликни, имкониятларини, кучкуватларини, нималарга қоDir эканлик- ларини эслатиб, улар р)гҳиятига таъсир этиши муҳим. Уларда эртанги куига, келажакка умид билан боқишлирага хавас уйғота олиши зарур.

34.Нотиқ сухбатдошинг райига қараб гапирмоғи, кўнгли- дагини топиб сўзламоғи жуда муҳим. Шундагина, сухбатдошида яхши таассурот уйғотади. Борди-ю, сухбатдошингиз иззатталаблик касалига йўлиқкан бўлса, эҳтиётлик билан ёндошмоқ ва ўйлаб гапирмоқ лозим. Бу ўринда дошинманд Конфуций: "Зиқна, иззат- талаб, майдагап кишиларнинг турган битгани заҳар", деб бекорга айтмаган. Заҳарга эса эҳгиётлик билан ёндошмоқ даркор. Шундай одамлар ҳам борки, улар 1 ёё ҳамма ишни қойил қиласидиган, ҳами- ша ўзларини ҳақ деб биладилар, фақат шахсий манфаатларини ўйладилар. Бундай кишилар яхшиликни тез унугиб, гўё одам- ларни ўзига бурчдордеб тасаввур қиласиди. Бу кабиларга ёмон фикр билан ёндошсанш балога қоласиз, тинимсиз ўч олишдан чарчамайди, аксинча қилаётган ишидан роҳатланади. Озшна яхшилик қилиб қўйса борми,

бошинш миннатдзн аримайди. Ҳар бири- мизнинг характеримиз хусусияти табиатимизга боғлиқ. Бу ўринда Аристотелнинг фикрига таянган маъқул: "Ақли расо инСон, ўзга- ларга беғараз қувонч баҳш этиш билан шодланади. У бошқаларга хайриҳоҳлик кўрсатиб, ўзи учун миннатдорчилик билдиришта- ридан хижолат чекади. Олий туйғули кишилар ҳамиша яхшилик- ни раво кўрадилар". Юқоридат каби нокаслардан қутилиш чора- си, улардан узокроқ бўлиш, иложи бўлса алоқа қиласли.

35. Нотик маъруза қилаётган аудиторияда ҳаётдан норози, тушқун қайфиятдаш одамлар ҳам бўлиши мумкин. Баъзан эса ундейлар ҳаётдан нолиш ҳақидаги саволлар ҳам беради. Бундай- ларга Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг "Одам бўлиб туғилганинг- га шукур қилсангчи, бордию Оллоҳ қурт ёки қумурсқа қилиб яратганда нима қилардинг", деган жавобни берган маъқул. Ёюи Дейл Карнешнинг қаҳрамонларидан бирининг қуидаш жавоби- ни эслатиш ҳам фойда беради: "Мен ғам-ҳасратга ғарқ бўлгандим. Оёғамда пояфзалим йўқ эди. Мен икки оёғидан жуда бўлган кишини учратганимдан сўнг ўзининг ялангоёқ эканимга минг бор шукрлар қиддим". Ёки замонавий қилиб ҳазил тариқасида: "Сизу бизга иккита нарса етишмайди, бири кийишга кийим етишмайди (кийиммиз йўқ эмас, бор), иккинчиси кийимларимизми илиб қўйишга шифанер етишмайди" - деб жавоб бериш лозим.

Дейл Карнеги "Иқрорлик мағлубият эмас" китобида: "Сизу биз... Нега мен безовта бўлишим керак?!" деган саволни бериб қўрайлик. Аҳамиятиз нарсаларга ҳам эътибор беравериб ўзимиз- ни дабдала қилаётганимиз етмаганидек, ўта бачкана ва майдакаш бўлиб кетаётганимизни, атрофдагиларга маломат ўйготаётгани- мизни фаҳмлаймиз. Ҳаётимизнинг 90 фоизи яхшилик билан муҳо- фаза қилинган. 10 фоизгина ёмонликка дуч келиш эҳгимоли бор. Мадомики, шундай экан, баҳтиёр бўлиш учун ниятимизни ҳами- ша яхшиламошмизга қаратишимиз керак. Кўнгилсизликлардан, бизни ранжитадиган ҳар қандай ҳаракатлардан сақл^намоғимиз лозим. Агар бўлмогур ўй-хаёлларга таслим бўлиб безовталана бошласақ, қайгурсақ, ошқозон ярасига дучор бўлишдан ҳам кўра даҳшатлироқ ўрин алмаштиришнинг гувоҳи бўламиз. Яъни ўн фоизгина ёмонлик куч олиб, нурли кунларимиз, кувончимиз мояси бўлган яхшилик ўрнинг тўла эгаллади "Гулливернинг саёҳатлари" (муаллифи Жонатан Свифт) китоби.

Англия адабиётида энг тушқун, умидсизликни ифодаловчи асар қаҳрамони ҳар туголган кунини мотамсаро кийим - қор& эхромга бурканиб ўтказган. Ҳаётдан завқланиш ҳиссидан узоқ бўлган қаҳрамон ҳам шундай деган экан: "Дунёда уч нафар доктор бор- бири доктор Пархез, иккинчиси доктор Осойишталиқ, учин- чиси доктор Шодликдир". Сизу биз бу докторлардан бепул фойда- ланишимиз мумкин. Булар бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини. тўфи ҳис қила олсақ, эртақдаш Али бобо хазинасидан минг чангдон кўп давлатга эга эканимизни тушуниб етардик. Ахир, шз икки кўрар кўзиншзни миллиард долларга сотармидинш?!. Икки оёғиншзюшг нархи қанча? Икки қўл ва қулоқларингизнинг-чи?! Фарзандларинш, оиланшз сиз учун қанча туради? Сиз Рокфеллер, Форд, Морганларнинг сармоясидан кўра минг бора бой эканингиэни ҳеч мулоҳаза қилиб кўрганмисиз? "Биз ўзимизда йўқ нарсалар ҳақида қайгуравериб, ихтиёrimиздаги нақд, мавжуд нарсалар тўғрисида жуда кам ўйлаймиз." Инсон ўзидаги безовталикини енга олса ҳеч қандай дардга чалинмаслиги мумкин. Одам ўзидаги ҳистийуilarни бошқара олмаслиги сабаб "артрит" касалига чалиниши мумкин экан. Булар доктор Рассел ССесил фикрига кўра;

1. Эр-хотинлик муносабатларининг издан чиқиши.
2. Молиявий инқироз ва ғам-ташвицмар.
3. Ёлшзлик.
4. Ҳафагарчиликнинг махфий тарзда узоқ давом этиши нати- жасида содир бўларкан. Бехуда безовталикдан ҳар ким ўзинй асрар- ши, унинг ўзига боғлиқ.

36. Нотик инсонлар билан муомала қилиш, уларнинг кўнгли- ни олиш, марҳаматли бўлиш кабиларни юксак маданият билан амалга оширмоғи керак. Бунга осонлик билан эришиб бўлмайди. Бунга ҳаётий тажрибалар, ибратли кузатишлар ҳамда нотиқлик ва

муомала маданиятини ўргатадиган китобларни ўқиш, айниқса, бадий асарларни кўп ўқиш, ўзидан олдинги нотиқлар тажрибаларидан ўрганиш орқали эришиш мумкин. Нотиқ бугунги кун ҳақида ўйлаб гапириши ва тингловчиларнинг фикрини ҳам шунга қаратмоғи керак. Ўтмиш ва келажак ўртасидаги бугун барчадан устунлитпи исботлаб бериши керак. Тингловчиларни бугунги кун нафаси билан яшашга унданмоғи лозим. Ҳар бир одам қалбий осайишталикда, сабр-қаноат билан яшаб, одамларга меҳр-муҳаб- бат билан хайриҳоҳлик кўрсатиб бугунги байрамона кайфиятда ўтказсагина баҳтли одам ҳисобланади. "Кейинш пушаймон, ўзингга душман", "Эртага Худо подшо", деган мақолларга таяниб иш қилинса, бугуннинг иш ўнумли, баракали ва хатарсиз бўлиши табиий. Ёш бир жойга борганда, ҳар биримиз ҳаёт йўлимизга назар солсак, қачон катта бўламан, қачон уйланаман, қачон болади чақали бўламан, каби хаёллар билан кун ўтказиб, қалбимизни ўзимиз безовта қилганимиз эсимизда, баъзан ўзимизни қай биримиз ҳар нарса ўз вақти-соатида бўдишига нафақага чиққанимизда ақлимиз етганини англаймиз. Халқимизда: "Болам-болам баҳти бор, ҳар ишларининг вақти бор", деган мақол мағзига ёшимиз бир жойга боргандагина тушунамиз. Ёшлиқда ҳар бир ишнинг тезроқ бўлишини хоҳлаймиз, сабримиз етишмай ўзимизни қийнаб, баъзан касаллик орттириб олишимиз ҳам мумкин. Ана шундай нотинчликда қутилиш йўли эса фақат бугунни гўзал ва хотиржамлик билан ўтказишга боғлиқ экан. Ҳар қандай оғир ҳолатларда ҳам одам ўзини қўлга ола билиши қалбий осайишталикни, тинчлик-хотиржамликни, саломатликни таъминлайди. Қўрқув ва ҳаёжонланишнинг олдини олади.

37.Нотиқ раҳбар ҳодимларга маъруза қилаётганда уларга эҳтиёткорлик билан ёндошмош, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирмоғи, улар шахсига тегадиган гаплардан ўзини тиймоғи муҳим. Уларга иложи борича ўз йиғинларида ҳал бўлиши қийин кечадиган масалаларни бир мажлисга тиқишириб ташламасликни маслаҳат берган маъқул. Чунки 4-5 та муҳим масалани ҳал этаман деб, барча масалалар ечимини топа олмаслиги мумкин. Шунинг учун бундай масалаларнинг ҳар бирини алоҳида мажлисларда биттадан ҳал этиш самара беради. Йиғилиш ҳам чўзилиб кетиб, ҳодимларни безиллатиб кўйМайди. Чўзилган мажлисларда ўтирганлар "жавоб" деган сўзни кутиб ўгиришади. Дкс ҳолда ҳодимлар маса- лани ҳал этиш борасида бир-бирларига ташланиши баҳс-мунозарада хафалашиб қолишлари мумкин. Вакт, асаббузарлик, тана-маломатлар, ўрршсиз танқид ва баҳслашувлар мажлис бошқарувчисини, яъни раҳбарни ҳам гангитиб кўяди.

Баъзи раҳбарлар эса, ҳамма ишга бошларини тиқавериб, ҳодимларни ишларига ҳалақит берадилар. Раҳбар ҳар бир хо^зим- га ўз соҳаси бўйича ишни топширийб, уни зимдан назорат қилиши, ҳодимлар қўнглида норозилик туғдирмасдан улар қилаётган ишларига ижодий ёндошишларига имкон бериши, яхши бажараётган бўлса рагбатлантириши, чала бажараётганларга маслаҳат бериши ёки маслаҳат олишга ундаши керак. Раҳбар - бошда, бош билан кўл ёки оёқ бажарадиган йшни ҳеч биримиз қила олмаймиз, фақат коптокни бош билан қайтариш мумкин, бироқ амалий иш копток каби юмшоқ эмасда.

Раҳбар беҳуда безовталикдан ўзини асрashi керак. Кундалик ишини, албатга, режалаштиришқ, режалаштирганда ҳам, аввал биринчи даражали ишларини бажариб, кейин иккинчи, учинч(и Даражали ишларга ўтиши яхши самара беради. Мободо улгурмай қолса, сиқилиши, безовталаниб, ўзини қийнаш ўрнига ишнинг онсонроқ ҳал бўладиган йўлларини излаган маъқул. Масалан, ҳодимдар бўлимида барча ишчий ҳодимларнинг алоҳида шахсий хужжатлари жамланган папкалар мавжуд. Юқори идоралардан ҳодимлар ҳақида тўлиқ хужжат сўрови бўлиб қолди, ёки бўлнимнинг (Кафедра, деКанат, бўллим) ўзида ҳам шундай папка бўлиши талаб этилди дейлик. Ҳар бир ҳодим яна алоҳида Диплом ва бошқа паспорт каби хужжатларни ўзи югуриб нусхалар тўплаши шарт эмас, унига бошлиқнинг безовта бўлиши ўринсиз. Бундек ўйлаб кўрилса, бу ишларни оддий лаборант ёки котиба бажарса ҳам бўладий. Шундай бориб ишчи-ҳодимлар бўлимидағи тайёр хужжатлардан нусха олиб кўя қолади. Ана, марҳамат текширувчи келиб, ўша хужжатларни текшириб кетаверсин.

Яна бир ҳолат. Раҳбарнинг иш столида ортиқча қозголар бўлмаслиги, фақат бухун эрта бажарилиши лозим бўлган қозголар бўлиши, бажарилганлари кёракли папкаларга жойлаштирилиши керак. Яна ишни ташкил қилишда аввал иш зарурини саралаб бажаришга киришган маъқул. Баъзан тезкорлик билан қилиниши лозим бўлган ишларга жиддий ёндошиш, барча ходимларнинг ёрдамида, ҳар ишни ўз устасига топширган ҳолатда ҳал этиш бош- лиқни безовталикдан кутқаради. Ақлли раҳбар ўзини қийнамайди. Ходимларининг қобилиятига қараб ишни тақсимлаб уларни ишлатади, шунинг учун у бошлиқ. Баъзи раҳбарлар гўё ишга ўзла ри бош бўлиб наъмуна кўрсатгандек бўладилар-у, бироқ ўзларини койитиб ишламайдилар, гап билан уларга илҳом беради ва ходим- лар ўртасида обрўга эга бўлади. Бундай раҳбарлардан ходимлари ундан кўркиб эмас, ўзлари билан бирга бўлгани учун хурмат; қилиб кўрқадилар. Бюрократ раҳбарлардан Худо асрасин. Уларнинг ишлари юришгандек. бўладилар-у, бироқ русча қилиб айтганда "на месте шагом марш"дан нарига ўта олмайдилар. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳузур- ҳаловатнинг йўқолиши хушёр бўлмас- лигимиз ёки эътиборсизлигимиз оқибатида содир бўлади.

38. Ҳар бир нарсанинг бошланиши қийинроқ кечгани каби нотиқнинг ҳам аудиторияни ўзига жалб қилиши унинг нутқини бошлашига боғлиқ ҳодиса. Бу борада нотиқлар турли усуллардан фойдаланадилар. Усуллардан фойдаланиш эса бевосита мавзу билан мос бўлмоғи шарт. Нотиқни қийнайдиган ҳолат унинг айт- мөқчи бўлган дастлабки сўзи ва жумласи. Баъзи нотиқлар салом алиқдан сўнг, мавзуни эълон қилиб "Шу хусусда сұхбатлашамиз" деб мавзуга ўтади. Агар мавзу сиёсий-ижтимоий йўналиШда бўлса, нотиқ жиддий қиёфада давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган кўчирмани ўқиб ёки ёддан айтиб ундан келиб чиқадиган муло- ҳазаларни тушунарли тилда нутқини давом эттиради. Агар лозим бўлса, унга қиёсий мисоллар келтириш орқали тингловчилар қалбини ром этади. Масалан, мавзу она тили ва миллат билан боғлиқ бўлса⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтирди: "Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар" (Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 49- бет). Ҳеч шубҳасиз, миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тил эканлиги таъкидланмоқда, миллий ғоя тарғиботида "миллатшишг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат" тарбияси биринчи ўринга қўйилмоқда.

Иккинчи усул нотиқ ўз нутқини, қизиқарли, фавқулотда содир бўлган воқеадан бошлаши мумкин. Бу воқеадаги драматизм тингловчиларни нотиқ билан боғлайди. Мисол учун кеча "Бир жиноят изидан" кўрсатувини кўрдингизми? "Фалон жойда ўғил ўз отасини ўлдирйб, оғилхонага кумиб кўйган экан", дея фикрини давом эттириб тингловчидарни ўзига жалб этади.

Учинчи ҳолатдаги усул, нотиқ, дастлабки сўзни тингловчиларга ўз ҳаётида содир бўлган бирор воқеани айтиб, савол-жавоб асосида сұхбатни эркин давом эттиради, яъни ўзи билан аудитория ришталарини боғлайди. Ўзига яқинлаштиради. Сұхбат қизиқарли савол-жавоблар асосида кечади.

Тўртингчи усул юмор ёки ҳазил-мутойиба билан илк сўзини бошлаб аудиторияга қувноқлик, яхши кайфиятнинг сингдириш орқали тингловчилар билан қадрдонлардай дўстона вазиятни вужудга келтирди. Нотиқ шу ҳолатда ўзининг дилкашлиги, ҳазил-кашлиги билан тингловчилар еқиб қолади.

Бешинчи усулда нотиқ гапини бирор ривоят айтиши ёки шеърият ёки насрий парча ўқийш билан бошлаб мавзу кўламини уйгунлаштириб юборади. Бу усул ҳам нотиққа тингловчилар хурматини қозонишга кўмак беради. Умуман олганда, нотиқнинг нутқини бошлаш усуллари ҳолат, вазият ва тингловчиларининг билим савияси билан боғлиқсўзлар орқали амалга ошади.

39. Нотиқ ўз нутқининг таъсирчанлигини таъминлашда нутқ аппарати ва нутқ товушларига жиддий қарамоги лозим. Бу ўринда нутқ техникаси - овознинг паст-

баландлиги, нафас олиш ва чиқариш, пауза ва интонация, дикция ва урғуга эътибор бериш ҳамда нутқ техникаси билан боғлиқ машқларни амалга оширишдан эриннислиги керак. Булар барчаси овоз техникаси билан бажарилади. Овоз ингичка чиқса бадгумонлик, ваҳималикдан дарақ, овоз- нинг ёқимли бўлиши тадбиркорлик белгиси, овознинг димоғдан чиқиши кибру-ҳаво ва калтафаҳмлик бўлса, овоз оҳшгалик, юмшоқлик билан чиқса гўзалик ва яхшиликдан нишона. Иккинчидан, нутқнинг асосий коммуникатив хусусиятлари яъни, нутқнинг тўғрилига, аниқлиги, мантиқийлиги, соғлиги, бойлиги, жўялилиги, ифодалилиги, содда ва қисқалиги ҳамда равон, гўзал, лўндалиги кабилар нутқининг сифатини оширади.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, нотик нутки ҳам одамлар ишлатадиган сўзларда, сўзлар эса алфавитда мавжуд бўлган ҳарф ва товушлардан иборат. Ҳамма тили бор одам гапиради, ҳатто "Мен гапга йўқман, довдираб қоламан, ҳаяжон босади", деган одамнинг бир жаҳлининг чиқариб кўринг қарғиш-у, сўкишлар билан нотик, ўз дунёкарашида тўхтатмай сўзлайди. Бундек ўйлаб кўрайлик, ҳамма нарса сўз билан амалга ошади. Инсоннинг нима дейишдан кўра, нима демасликни билиш унинг донолиги ҳисобланади.

5-мавзу: Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг раҳбар фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти

Режа:

- 1.Мулоқот маданияти ва унинг миллий характер.
- 2.Раҳбар фаолиятида нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг ўрни.
- 3.Маънавий-мағкуравий тадбирлар жараёнида нутқ ва мулоқот маданияти.

Таянч иборалари: мулоқот маданияти ва унинг миллий характер, раҳбар фаолиятида нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг ўрни.

1

Мулоқот жараёни¹, аслини олганда, одамлар ўртасидаги ахборот алмашуви бўлиб, унинг асосий мақсади узатилаётган ва қабул қилинаётган ахборотнинг тушунарлилигини таъминлашдир.

Ахборотни бевосита (жонли мулоқот орқали) ва билвосита (ахборот тарқатиш воситалари орқали) узатиш мумкин. Ҳозирги даврда, оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио-телевидение, интернет тармоғи орқали ҳар қандай маълумотни дарҳол, “совутмасдан” дунёнинг истаган бурчагига етказиш мумкин бўлган ҳолда, нотиққа, яъни одамлар билан бевосита мулоқотга киришувчи шахсга не эҳтиёж? Нима учун ахборот тарқатиш воситалари ўта тараққий этган бугунги кунда ҳам нотиқликнинг, жонли нутқининг аҳамияти йўқолмай, аксинча, ҳаётдаги ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда?

Оғзаки нутқнинг кучи ва унинг бошқа мулоқот турларидан устунлиги бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади. Жумладан, нотик нутқининг лисоний воситалардан ташқари, нозик фикр ва туйғуларни ифода этиш имкониятини берувчи нутқ оҳангига, ҳиссиёт билан омухта бўлиши, нотиқнинг ҳаракатлари, юз ифодаси (мимика) каби нолисоний воситалар ҳамда конкрет аудитория (tinglovchi) хусусиятларини ҳисобга олиши, ақлан таъсирчан қилиш, тўғри тушунишга ёрдам беради. Яъни ҳар қандай жонли мулоқот тил, ҳаракат, мимика, оҳанг ва яна бир қатор воситаларнинг ҳаракатчан ва рангдор омухтасидир.

Шунинг учун ҳам киши, масалан, телеведение ёки интернет тизими орқали олган ахбороти билан қониқмайди ва эшитган воқеа-ходисалари ҳақида ўртоқлари, оила аъзолари, ҳамкаслари ёхуд қўни-қўшнилари билан фикр алмасиши, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишга, уларни ўз фикрларига шерик қилишга ошиқади. Руҳшунос

¹ Сайдов У. Бошқарув ва нотиқлик санъати. –Т.: Академия, 2010. 19-22 бетлар.

олимларнинг тадқиқотлариға қараганда, ҳозирги замон кишиси ўзаро мулоқотга сарф қиласидиган вақтийинг учдан икки қисми оғзаки, жонли мулоқотга тўғри келади.

Рус олими А.Ф.Кони бу хусусда шундай ёзган эди: “Сўз - инсоннинг буюк қуролларидан бири. Ўрнида, сидқидилдан ўз вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади. У сўзловчининг ўзини қизиқтириб юбориши, уни ва атрофдагиларни ўз нағислиги билан маҳлиё этиши мумкин”.

Нотик учун энг муҳим ва унинг маҳоратини намоён этувчи хусусият - тингловчилар билан мулоқот ўrnата олишdir. Албатта, нутқнинг илмий-назарий мазмундорлиги, амалий натижаларга қаратилганлиги бирламчи аҳамиятга эга. Аммо нотик гапларига қулоқ солишмаса, аудитория нутқ сўзланётган пайтда ўз хаёли ёки ишлари билан банд бўлса, нутқ аудитория дикқатини жалб этмаса, у мутлақо самарасиз бўлади.

Француз тилшуноси П.Буаст: “Гапираётган одам экади, эшитаётган одам ҳосил йиғади”, - деган эди. Хомоно, нотик сўзлаган нутқидан ҳосил олмоқни истар экан, конкрет тингловчиларнинг онги ва қалбига йўл топмоғи, жонли қизиқишини уйғотиши, фикрлашига туртки бериши, ҳис-туйғуларита таъсир ўтказиб, уларни жунбушга келтириши лозим. Бунга фақат аудитория (tinglovchi) билан мулоқот ўrnатилган тавдирдагина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги барча машҳур нотиклар айни шу масалага алоҳида эътиборларини қаратиб келишган. Хусусан, Кайковус бу борада шундай деган эди: “Гар сўзни ва хунарни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни синдиримагил, тўғри таъриф қилғил ва уни бир рангда айтғил: ҳосга хос сўз, омийга омий сўз дегил, токи у ҳикматга мувоғиқ бўлсун ва эшитган кишиға оғир келмасин, йўқса сўзингни далил ва хужжат била ҳам эшитмағайлар”¹.

Нотикнинг аудитория билан самарали мулоқот ўrnатиши бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, нутқ сўзлашга жазм қилган киши улар ҳақида тасаввурга эга бўлиши ва улар билан боғлиқ қонун-қоидаларга риоя этиши керак. Куйида уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Нотикнинг муваффақияти қўп жиҳатдан тиягловчилар қалбига йўл топиш, улар билан алоқа ўrnата олишига боғлиқ, зеро мулоқот жараёни, биринчи навбатда, одамлар ўртасида ахборот алмасинишдан иборат бўлиб, ундан кўзланган мақсад - узатилаётган ва қабул қилинаётган ахборотнинг тушунарлилигини таъминлашdir. Бунинг учун эса нотик ва тингловчи(лар) ёки сухбатдошлар бир-бирини ҳамкор сифатида қабул қилиши ва шу асосда ўзаро тушуниш мухитини яратиши лозим.

Ҳозирги замондаги тезкор ҳаёт суръати ишchan мулоқот жараёнида фавқулодда ҳолатларни вужудга келтиради. Бу, ўз навбатида, муайян билим, турли тоифадаги одам(лар) билан мулоқотда бўлиш кўнкималарини шакллантириши талаб этади.

Аудитория (сухбатдош) билан руҳий, хиссий, ақлий мулоқот ўrnatiшnинг бир қатор усуслари мавжуд. Бунинг учун, биринчи навбатда, мулоқот ўrnatiшga ҳалақит берувчи тўсиқларни бартараф этиш лозим. Муҳими - тингловчи(лар) билан мулоқот қилиш истаги. Нотиклик санъатининг биринчи (асосий) қоидасига биноан нотик фақат ўзига маъқул, ўзи хурмат қилган кишиларгагина мурожаат этиши керак, Бошқа сўз билан айтганда, сизда ёмон туйғуларни уйғотувчи киши нутқингизнинг обьекти бўла олмайди.

Сиз учун ёқимсиз бўлган одамга нутқ билан мурожаат этмаслик кераклигининг бошқа маънавий жиҳати ҳам мавжуд. Яъни, нотик ўз нутқини эзгуликка йўналтирмоғи, тингловчидан эзгу туйғуларни уйғотмоғи керак. Бу эса, аввало, инсонга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишни заруратга айлантиради. Куръони каримда инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлиги зикр этилади. Шундай экан, сухбатдошига Аллоҳнинг ер юзидаги вакили меҳр кўрсатиши даркор. “Ўзингга эп билмаган нарсани, бировга раво кўрмагин”, - дейди халқимиз. Шунинг учун сўзлаётган киши, ўзгага ёмонлик келтирмасликни ўйлаши, ҳар гапни андиша билан сўзлаши керак. Аммо кўп холларда бунга эътибор қилинмайди.

¹ Кайковус. Қобуснома. - Т.: Мерос, 1992. 35 бет.

Юқорида зикр этилган нотиқликнинг икки қоидаси нутқий муроқотнинг маънавий жиҳати билан боғлиқ ва тингловчи(лар) билан муроқот ўрнатиш, нотиқ ўз олдига қўйган мақсадга эришишнинг дастлабки муҳим шартлари дидир. Тингловчилар айтилган сўзларни қабул қилишлари учун нотиқ уларда шахсни қўриши, уларга нисбатан ўз ҳурмати, эзгу ниятини кўрсатиши керак, шундагина уларнинг қалбида мувофиқ жавоб ҳислар уйғотиш мумкин

Тингловчи(лар) билан дастлабки муроқотни ўрнатиш бутун муроқот самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун нутқнинг муаффақияти кўп жиҳатдан тингловчи(лар) ва нотиқ ўртасида табиий равишда вужудга келадиган ва муроқот ўрнатишга ҳалақит берувчи тўсиқларни бартараф этишга боғлиқ. Нутқий муроқот жараёнида тингловчи нутқнинг обьекти сифатида намоён бўлади ва “сўзловчи - тингловчи” жуфтлигига тингловчи ҳолати устуворликка эга.

Узоқ йиллар раҳбар бўлиб келган ва “Тақдир битиклари” китобида Қурбон Амирқулов раҳбарлик ҳақида ёзади¹:

“Яхши ҳунар эгаси, касб устаси бўлиш бошқаю, раҳбарлик қилиш бошқа.

Жамиятнинг ҳамма бўғини раҳбарга муҳтож бўлганига қарамай, “раҳбар” деб аталадиган алоҳида касб йўқ.

Баъзида ўзимча: “Раҳбар чангальзор қоидасидаги “табиий танлаш” қонуни билан пайдо бўладими?” дея ҳазил аралаш истехзоли хаёлга ҳам бораман. Ҳазиллашаман-у, лекин унинг замерида катта ҳақиқат борлигини ички бир туйғу билан сезаман. Ахир, раҳбар дегани осмондан тушмайди-ку!

Одамлар жамоасида тенг хуқуқлар асосида меҳнат қилаётганлардан бири ўзининг бошқалардан устунроқ томонлари билан қўзга ташланади ва унга “раҳбар” бўлишга йўл очилади. У юқори поғона раҳбари бўлиши учун жуда кўп зинапоялардан кўтарилиши керак.

Раҳбарлик лавозимига интилиш чўққига тирмасиб чиқишидек гап. Ҳар қадамда кўзга кўринмас “оғат”лар бор. Бу оғатлардан омон-эсон ўтиш ва қўзга кўринган “раҳбар” бўлиш учун ҳам кишида Оллоҳ берган “азизий” ақл бўлиши зарур.

Менимча, раҳбарлар асосан икки тоифага мансуб бўлади. Сиёсий раҳбарлар ва халқ хўжалиги йўналишида бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган раҳбарлар. Сиёсий раҳбарларга давлат бошқаруви, партия ва касаба уюшмалари, турли сиёсий оқимларнинг катта-кичик раҳбарлари киради².

Бизнингча Ўринбой Бегимқулов “катта-кичик раҳбарлари” тоифасидан бўлган, у кишининг аввал “Фалсафа” ва кейин “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасида мудирлик қилган йиллари 12 -13 йилни ташкил этган.

“Тақдир битиклари” китобининг бошқа ўрнида Қурбон Амирқулов “раҳбарлик йўллари”³ ҳақида ёзади.

“Раҳбарнинг қай йўл билан шу лавозимга келгани ҳам жуда муҳим. Ўйлаб қарасам, раҳбар бўлишнинг йўли кўп экан.

-Бир киши ўз меҳнати эвазига раҳбарликка тайинланади.

-Бирор ошна-оғайни, қариндошлари ёрдамида раҳбарлик лавозимига кўтарилади.

-Бошқа бири минбарларда сўзлаган таъсирли нутқи туфайли улуғларнинг назарига тушиб раҳбар бўлади.

-Бир киши катта раҳбарларга яқинлиги боис раҳбар бўлади.

-Бир киши ўзидан катта лавозимдаги раҳбарга “моддий ёрдам” бериб раҳбар бўлади,

-Бир киши шу лавозимга бошқа қўйиладиган арзирли одам йўқлигидан, тасодифан раҳбар бўлиб қолади.

¹ Амирқулов Қ. Тақдир битиклари. –Т.: Маънавият, 2006. 276-277 бетлар.

² Ўша асар, 277 бет.

³ Амирқулов Қ. Тақдир битиклари. –Т.: Маънавият, 2006. 282-283 бетлар.

-Бир кишининг ишлаётган жойи бировга керак бўлса, юқорироқ раҳбарликка кўтаришади.

-Бир киши “катта ўқиш”ларни битириб келиб раҳбар бўлади.

-Бир киши бирор катта раҳбар билан бирга дам олишларда танишиб, гапи қўшилиб қолиб, раҳбар бўлади.

-Баъзан бир одамдан қутулиш учун ҳам уни раҳбар килиб кўтаришади”.

Шу маънода олганда ва устоз тўғрисида сўраб суринтиришларимиз натижасида Ўринбой Бегимқулов “ўз меҳнати эвазига раҳбарликка тайинланганлигини” шоҳиди бўлдик. Домла билан бирга ишлашган фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар: Шермат Юсупов, Равшанбек Махмудов, Холмурод Абдиахатовлар ва у кишининг шогирдлари: фалсафа фанлари номзоди, доцент Собиржон Исмоилов, катта ўқитувчилар: Шавкатжон Кенжаев, Умид Мавляновлар, ўқитувчилар: Баҳром Боймурод, Фарход Бокиевларни эслашларича домла “ўз меҳнатлари” сабабли мудир бўлганлар.

Раҳбарлик психологияси ва ахлоқини маҳсус тадқиқ этган М.Йўлдошев ва Н.Назарзодалар ўзларининг “Раҳбарлик психологиясида ахлоқ” рисоласининг “Моҳир раҳбарлик сирлари” фаслида ёзадилар¹:

“Ҳар бир инсон ўзига яраша катта орзулар билан яшайди. Ушбу орзулар кимнингдир фақат хаёлида айланиб юраверса, бошқа бирор ўз орзуларини амалга оширишга қадам-бақадам ҳаракатда бўлади. Сир эмаски, аниқ натижага фақат мана шу ўз орзуларига қадам-бақадам ҳаракатда бўлган киши эришади. Раҳбарликни орзу қилиш эса орзуларнинг энг катталаридан бири. Бунга фақатгина орзу қилиш, ҳатто раҳбарликка қадам-бақадам интилиш ҳам катта натижага бермайди. Инсон бу йўналишда иш олиб борар экан у ўзини ҳар томонлама, айниқса ахлоқий, маънавий билим ва юксак эътиқодлар билан бойитиб боради.

Шундай экан, ёшлигидан бошқарув соҳасига керак бўладиган сифатлари бор, раҳбар бўла оладиган кимсаларни танлаб бўладими? Умуман олганда, психологларнинг бу борада амалий таклиф ва талаблари яхшигина ишлаб чиқилган. Улар мана бу инсондан раҳбар чиқмайди ёки мана бу инсоннинг раҳбар бўлиши учун унда мана бундай сифатларни ўзида тарбиялаши керак, деган тавсияларни беришлари мумкин.

Мисол учун, раҳбар бўлишга энг аввало инсонда бу ишга биринчи ўринда чуқур ишончли хоҳиш, уриниш бўлиши шарт. Ўз олдига мана шундай мақсад қўймаган киши раҳбар бўлолмайди. Иккинчидан, бўлғуси раҳбар қунт билан муомала, мулоқот санъатини ўрганиб ва ўз савиясида ўстириб бормоғи керак. Учинчидан, ҳар бир бўлғуси раҳбар шартли равишда таваккал қила олиши ва бунинг учун масъулиятни, кейинчалик зарур бўлганда жавобгарликни ўз бўйнига ола билишга ўрганмоғи лозим. Ушбу сифатлариз тўлиқ маънода раҳбар йўқ ва бирон-бир шахс уларсиз раҳбарликка эриша ҳам олмайди.

Раҳбарликка эришиш учун² маълум тугма қобилияtlар, хоқиш, ёшлиқдан бунга интилиш, яхшигина касбий тайёргарлик, одамлар, гурух, кейинчалик ҳамкаслар орасида ўз фикрини илгари сура олишга ўрганиш, турли хил гояларга ижодкор бўлиш, ўз гояларини ҳаётта жорий қилишда шахсий услуб, усусларини маълум миқдорда тезлик билан ўзгартира олиш, албатта, ён-атрофдагиларнинг (шу жумладан ота-онанинг) ёрдами керак. Маълумки, ушбу тайёргарликлар орасида одамлар билан ишлаш ва айниқса таваккал қила олиш ва бу таваккалнинг натижаларидан қочмаслик катта аҳамиятга эга. Бу ўз ўрнида шахснинг психологик хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Интилишларда шахсий манфаатнинг устунлигини кўриш қийин эмас. Бу ўз ўрнида социализмнинг назариётчилари уқтиргандай инсон учун ўта ёмон сифат эмас. Агарда, шахс бир кунлик манфаатини бошқалар манфаатидан ва ўзининг узоқ, каттароқ манфаатидан устун қўймаса. Акс ҳолда, шахс раҳбар сифатида нафақат ўз манфаатига, қолаверса, атрофдагиларнинг манфаатига ҳам катта салбий зарар етказади.

¹ Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. –Т.: Шарқ, 2010.12-13 бетлар.

² Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. –Т.: Шарқ, 2010. 13-14 бетлар.

Олимларнинг синчковлик билан кузатишлирига қараганда, юқори табақадаги раҳбар беш-етти йилда етишиб чиқар ва асосан 35 ёшларда шаклланиб бўлар экан. Бу эса ўз ўрнида шахснинг қай даражада тажриба орттириш тезлигига бевосита боғлиқдир.

Раҳбар ўз диққат-эътиборини, биринчи ўринда, нимага қаратмоғи лозим. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда бозор ихтисодиёти биринчи ва асосий омил бўлиб турган бир пайтда бошқа нимани ҳам кўрсатиш мумкин. Аммо, таҳдиллар шуни кўрсатмоқдаки, раҳбарлар бу шароитда ҳам молиявий, маркетинг, соҳани ички режалаштириш омилларидан ҳам аввалроқ ва биринчи ўринда раҳбар шахсияти билан боғлиқ мулоқот ва муомала санъатини, одамларни бошқариш билан боғлиқ ишларни, шу жумладан, бошқаларга руҳий таъсир ўтказа олиш ва ўз хуқук, бурчларини, уларнинг маълум қисмини зарур ҳолатларда бошқаларга, қўл остидагиларга бериб уларни ишлата олишда дейишмоқда.

Раҳбарликнинг муваффақиятли амалга ошиши учун раҳбар биринчи ўринда тегишли қарор қабул қила олиши, ички (шахсий) интизом, ҳодисаларни, фаолиятни таҳлил қила олиш, муомалада, бошқаришда эгилувчанлик, яъни шароитга қараб фикрни тўғрилаб ола олиш, иш ва шахсий вақтни тежамкорлик билан тақсимлай билиш ва энг асосийларидан бири қилинаётган ишни моҳияттан чуқур англаш, унинг муваффақиятига ишонч ва бошқаларни ҳам бунга ишонтириш санъати.

Раҳбарлик фаолиятини кузацингиз, амин бўласизки, раҳбарнинг вақти нималарга сарф бўлади¹:

1. Корхонанинг ишини йиллик, чораклик, ҳафталиқ ва кунлик режалаштиришларга. Бу ўринда ҳафталиқ ва кунлик режалаштиришлар узокни кўра олмайдиган укувсиз раҳбарни майда ишлар билан кўмиб ташлаши турган гап. Бундай раҳбарлар кунлик ташвишлар орқасидан қувиб, ҳаётдаги ҳафталиқ ишларни ҳам унтишишади-да доим вақт етмаслигидан нолишади. Охир-оқибат, раҳбарликнинг қуироқ поғонасига тушишга мажбур бўлишади.

2. Раҳбарларнинг кўпгина қимматбаҳо вақтлари сарф бўладиган жой бу йиғилишлар.

3. Иш қофозлари. Бу ўринда ҳар бир раҳбарнинг умумий саводхонлиги, ҳар бир хужжат бўйича зарур қарорни ўз вақтида қабул қила олиши катта аҳамиятга эга.

4. Ходимларнинг, раҳбар қўл остидаги одамларнинг мурожаатлари, яъни кадрлар билан ишлаш.

5. Ва ниҳоят, замонавий коммуникация воситалари ва улардан тежамкорлик билан фойдалана олиш, айни ҳолда, фойдалана олмаслик.

3

Ҳар бир локал маданият ўз тил тизимиға эга. Бу тил тизими унинг ташувчиларига бир-бiri билан муомалада бўлишга имкон беради. Маданиятда тилнинг роли ва ўрни факат бунда эмас. Тилнинг ўрни табиатнинг ўрни каби муҳимдир. Тилдан ташқарида маданият мавжуд бўлмайди, тил унинг пойдеворини, унинг ички асосини ташкил этади. Тил ёрдамида одамлар рамзларни, меъёрларни, одатларни, ахборотни, илмий билимларни, хулиқ-атвор шаклларини авлоддан-авлодга қолдирадилар. Шу тариқа социализация – маданий меъёрларни ўзлаштириш, ижтимоий ролларни ёдлаш содир бўлади.

Маданиятшуносликка оид адабиётларда тилнинг аҳамияти қуйидагича баҳоланади: [3, 47-59]

- тил – маданият кўзгуси, унда нафакат мавжуд, инсонни ўраб турган дунё, балки халқнинг менталитети, унинг миллий ҳарактери, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, қадриятлари, дунё суврати акс этади;

- тил – маданиятнинг хазинаси, чунки у ёки бу халқ томонидан тўпланган барча билим, кўникмалар, моддий ва маънавий қадриятлар унинг тил тизимида – халқ оғзаки ижодида, китобларда, оғзаки ва ёзма нутқда сақланади;

¹ Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. –Т.: Шарқ, 2010. 14-15 бетлар.

- тил – маданият ташувчиси, чунки айнан тилнинг ёрдамида маданият авлоддан-авлодга етказилади. Инкультурация жараёнида болалар она тилини ўзлаштириб, унинг ёрдамида улар ўтмиш аждодлар тажрибасини ўзлаштириб оладилар;
- тил атрофдаги мавжудлик объектларини идентификация қилишга имкон беради, уларни таснифлашга ва дунё ҳақидаги маълумотларни тартибга солишга ёрдам беради;
- тил инсоннинг атроф-мухитда адаптациялашуви (мослашиши)ни осонлаштиради;
- тил объектлар, ҳодисалар ва уларнинг мутаносиблигини тўғри баҳолашга ёрдам беради;
- тил инсон фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солишга имкон яратади;
- тил – шахсни шакллантирувчи маданият қуроли, айнан тил орқали инсон ўз халқининг менталитети, анъаналари, урф-одатларини ҳамда дунёнинг ўзига хос маданий тасвирини қабул қиласди.

Тилга бўлган қобилият инсонни бошқа тирик мавжудотлардан фарқлади. Тил бўлмаганда, инсон ҳеч қандай кўникма ва малакаларга эга бўлмасди. Унинг хулқ-атвори инстинктлар томонидан тартибга солинган бўлур эди, ўзи эса бошқа ҳайвонлар муҳитидан ажralиб чиқмасди. Демак, тил айни пайтда маданият маҳсули ҳамдир, унинг муҳим таркибий қисми, маданиятнинг мавжуд бўлишининг шартиdir.

Сўз предметни ёки атрофдаги дунё ҳодисасининг ўзини эмас, балки инсон унинг онгидаги мавжуд бўлган ва ўз маданияти томонидан детерминация қилинган дунё суврати орқали нималарни ва қандай кўришини акс эттиради. Ҳар бир инсоннинг онги унинг индивидуал тажрибаси таъсири остида ҳамда ўтган аждодлар тажрибасини эгаллашга хизмат қиласидиган инкультурация натижасида шаклланади. Тил – барча ўраб турувчи нарсаларни автоматик тарзда акс эттирувчи оддий кўзгу бўлиб эмас, балки дунёни кўра олишга имкон берувчи призма бўлиб хизмат қиласди. Дунёнинг маданий суврати тил сувратидан бойдир. Бироқ айнан тил орқали дунёнинг маданий суврати амалга оширилади, вербаллашади, сақланади ва авлоддан-авлодга етказилади. Тил, тафаккур ва маданият бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, улар амалда бир бутунликни ташкил қиласди ва бир биризис яшай олмайди. [2, 184]

Тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар бир бутун ва бир қисм ўртасидаги муносабат сифатида қаралиши мумкин. Тил маданиятнинг бир қисми ва маданият қуроли сифатида тушунилиши мумкин. Шу билан биргаликда тил мустақил, семиотик тизим сифатида ҳам таҳлил қилиниши мумкин. Ҳар бир тил ташувчиси – бир вақтнинг ўзида маданият ташувчиси ҳамдир. Шунинг учун тил белгилари маданият белгилари функцияларини бажариш қобилиятига эга бўла оладилар. Шунинг учун ҳам тил унинг ташувчиларининг маданий-миллий менталлигини акс эттира олади.

Сўзлар нафақат предмет ва ҳодисалар номи, балки дунёнинг маданий суврати призмаси орқали ўтказилган амалдаги ҳаёт бўлиб, мазкур халққа оид хусусиятларни акс эттиради. Спектрнинг битта қисмига қараган ўзбек кўк, ҳаворанг ва мовий рангни кўрса, инглиз фақат мовий рангни кўради. Само ўзбекларда «мовий», «кўк», «ҳаворанг» сўзлари орқали ифодаланса, инглизларда фақат «blue» сўзи билан ифодаланди. Демак, тил инсонга дунёни кўра билишга имкон беради. Битта тушунча турли тилларда ифодаланишнинг турли шаклларига эга бўлади. Шунинг учун чет тилини ни ўрганаётганимизда, биз ўзгалар дунё сувратининг бир қисми билан танишамиз, уни ўз она тилимиздаги суврат билан қиёслаймиз. Бу эса чет тилини ни ўрганишда қийинчиликларни туғдиради.

Тилнинг энг етакчи хоссаларидан бири унинг универсаллиги бўлиб, у инсонга тилни коммуникациянинг турли вазиятларида, жумладан, бошқа маданият вакиллари билан муомала қилишда тилдан муомала воситаси сифатидан фойдаланишга имкон беради. Тилнинг универсаллиги одамларга ҳам ички маданий, ҳам маданиятлараро муомалага киришишга имкон беради.

Маданиятлараро коммуникацияда бирон-бир ахборотни бир тилдан бошқа тилга ўтиришда муаммоларга дуч келинади. Турли тиллар яратадиган турли дунё сувратлари

туфайли таржима қилишда түғри таржимага эришиш қийин. У ёки бу тушунчасини ифода этиш учун бошқа тилде бундай тушунча эквиваленти топилмаслиги ҳам мумкин, шунинг учун айрим ҳолларда бу тушунчага яқин бўлган эквивалентлардан фойдаланилади. Демак, бундай атамалар билан белгиланган тушунча ва нарсалар мазкур маданият учун хос бўлиб, бошқа маданиятларда учрамайди ва уларни белгилайдиган атамалар ҳам йўқ бўлади. Масалан, рус тилида «хаё», «сумалак» тушунчалари йўқ ва уларни белгилайдиган сўзлар ҳам йўқ. Ўз навбатида, инглиз ёки ўзбек тилларида «блины», «борщ», «водка» деган тушунчалар ва сўзлар йўқ. Бундай тушунчалар бошқа тиллардан ўзлаштириб олган сўзлар ёрдамида ифодаланади.

Ҳар қайси тилнинг лексиконида лексик ўзлаштирулар кўп эмас. Муаммо шундаки, сўзнинг маъноси фақат лексик тушунча (сўз денотацияси) билан ифода этилмай, кўп ҳолларда унинг лексик-фразеологик уйғунлиги ва коннотацияга (халқларнинг у ёки бу предметлар ҳақидаги маданий тасаввурлари) боғлиқ ҳам бўлади. Шунинг учун матнни фақат луғат ёрдамида түғри таржима қилиб бўлмайди. Чет тили ни ўрганиш ва ундан муомалада фойдаланиш жараёнида сўзларни алоҳида ёдлаш эмас, балки уларнинг маъносига эътибор бериб ёдлаш зарур.

Масалан, русча «крепкий чай», ўзбекча «аччиқ чой» («горький чай»), инглизча «кучли чой» (strong tea) бўлади. Ёхуд ўзбекча «қаттиқ ёмғир», русча «сильный дождь», инглизча «огир ёмғир» (heavy rain) бўлади. Демак, луғат ёрдамида таржима қилинганда, бундай лексик-фразеологик сўзлар бирикмаси чет эллик учун тушуниб бўлмас даражага этиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тил нафақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси, балки маданият ташувчи ҳамдир. Шу сабабли ҳозирги ёшларимиз тил ва нутқнинг равон ва соғлигига катта эътибор қарацалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Узоқ тарихдан маълумки, қадимги Юнон давлатларида VI асрдан бошлаб бизнинг эрамизгача элчи этиб жамиятнинг энг яхши нотиқларини, зукко адвокатларини тайинлашган. Улар фақат ва фақат энг жозибадор, сержило сўзлардан фойдаланишлари шарт бўлган.¹ Демосфеннинг сўзларига кўра: «Элчилар қўл остида на кемалар, на пиёдалар ва на қўрғонлар бор. Уларнинг ягона қуроли бу, сўзлар ва қулай имкониятлардир. Мухим музокаралар кетаётган пайтда бундай имкониятлар жуда кам бўлади. Агар бу имконият қўлдан бой берилса, демак, у бутун умрга йўқотилади. Кулай фурсатдан фойдаланолмай, сустлашган элчи, нафақат имкониятни қўлдан бой беради, балки уларни бошқариш хуқуқини ҳам йўқотади».²

Шунингдек, таникли олим Х.Вильднер ҳам ўз фикрини қуйидагича изоҳлади: «Дипломатик услуб биринчи навбатда содда ва аниқлиги билан фарқ қилиши лозим, бунда ифода усулининг қўпол ва дағал тарзда содда ифодаланиши эмас, балки чуқур ижодий ёндошилган классик содда шакллар назарда тутилади. Бу содда, аммо улуғвор услугда ички ҳаёт ўз аксини топиши керак, у моҳир дипломатнинг индивидуаллигини ифодалashi лозим. Фикрни жимжимадор сўзлар билан узоқ вақт давомида ифодалаш ҳам соддалик ҳисобланмайди».

Қадимги хитой донишманлари ҳам суҳбат жараёнида инсоннинг руҳий ҳолати мухим омил эканлигина кўп бора таъкидлаганлар: Одамнинг безаги – донолик, доноликнинг безаги – осойишталик, осойишталикнинг безаги – жасурлик, жасурликнинг безаги – мулоимлик.³ Демак, мулоимлик асосида олиб борилган ҳар қандай музокара ўз ечимини топади. Қуйида мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг суҳбатларидан бир намуна келтиришни жоиз деб топдик. «Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги бош котиби Федирико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади. Ўшанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар харакатига оид хисоб-китоблари бугунги кунда

¹ Никольсон Г. Дипломатия. ОГИЗ. Госполитиздат. 1941 стр-22

² Исраэльян В.Л. Дипломаты лицом к лицу. М. Международное отношение г.1990 стр-13.

³ Жалолов А. Сержило тафаккур дурданалари. Тош, «Наврӯз» – 2003 й., 12-бет.

компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атига бир неча дақиқага фарқланиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федирико Майор, Улугбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тариқасида айтилган бўлса-да, ўйлайманки, унинг замирида чуқур ҳақиқат мужассам». ¹

Баҳс жараёнида, аввало томонларга нисбатан хурматни доимо сақлаш лозим. Яъни мурожаат тариқасида жаноб, хоним ва албатта кишининг исми тўлиқ ва ҳеч қандай салбий ҳиссиётларсиз айтилиши шартдир. Қолаверса, инкор этилаётган фикр тўғридан-тўғри танқид этилмаслиги керак. Яъни бу жараёнда қуйидаги фикрлардан намуна олиш мумкин.

- Мен сизнинг фикрингизга қўшила олмайман, аммо ҳар доим ўз фикрингизда қолиш хуқуқингизни ҳурмат қилишга тайёрман.
- Айтганларингиз билан ҳеч ҳам келиша олмайман, лекин сизнинг ҳаққингиз учун буни айтишга курашаман.

Қизгин дигатларни бундай ижобийлик ва ижодийлик ҳисси билан олиб бориш бола руҳиятига ҳам алоҳида таъсир кўрсатади. У фикрларни тўғри ва ҳеч қандай ортиқча ҳиссиётларга берилмаган ҳолда қабул қилишни ўрганади. Уларни тезлик билан онгидага таҳлил этиб, хушмуомалалик асосида иккинчи томонга қайта узата олади. Баҳслашаётганлар ўртасида кўринмас маданий алоқа ўрнатилади. Зоро, буюк олим Пифагор айтганидек: «Суҳбатни шундай олиб бормоқ керакки, токи, суҳбатдошлар дўстлардан душманларга эмас, балки, душманлардан дўстларга айлансинлар»².

6-мавзу: Ҳозирги даврда нотиқлик санъати ва нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаблар

Режа:

1. Ҳозирги даврда нотиқлик санъати.
2. Нутқий маданиятни шакллантирувчи омиллар.

Таянч иборалари: замонавий нотиқлик, нутқ маданияти ва унга қўйиладиган талаблар.

1

Маълумки, боланинг келажакда ўрнини белгилаб берувчи асосий З та омил мавжуд: ҳарактер, мослашувчанлик ва қобилият. Бугунги кундаги талабларнинг аксарияти, асосан, қобилиятни ривожлантиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти қонунида “Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди” дея қайд этилган. Бу талаблар ижтимоий талаб билан боғлиқ зкан, ўқувчиларда жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари, жамият равнақига сезиларли ҳисса қўшишларини таъминлаш мақсадида ўз-ўзини бошқариш ва рақобатбардошлиқ, ҳамкорлик ва ишончлилик малакаларини она тили воситаларидан фойдаланган ҳолда шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли она тилидан ўқув режа ва дастурлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган БКМ элементлари ўқувчилар ютуғи ва эришган муваффақиятларини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир босқичда таълим мазмунига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган бўлиши лозим.

2. Грамматикага оид билимлар тилшунослик бўлиmlари юзасидан эгалланган тушунчаларга асосланибгина қолмасдан, тил ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг шаклланиш ва тараққиёт манбалари ҳақидаги билимлар ҳам шакллантиришга қаратилиши, тилшунос олимлар ҳақида маълумотга эга бўлиши, шунингдек, ўқувчиларда тил ҳодисалари ва фактларини таҳлил қилиш ва баҳолаш малакаларини ҳам ривожлантириш зарур;

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008 . – 46-47 бет.

² Жалолов А. Сержило тафаккур дурданалари. Тош, «Наврўз» – 2003 й., 37-бет .

3. Ўқувчиларда фикрни оғзаки ва ёзма боғланиши баён қилиш малака ва кўнималарини шакллантирибгина қолмай, қандай фикрлаш лозимлигини ҳам шакллантириш лозим;

4. Маданий – маънавий йўналишдаги БКМ элементларини шакллантиришда тилни миллат маданияти ва маънавиятини белгиловчи асосий омил эканлигига, тил ва миллат тарихи боғлиқлигига, чиройли нутқ (нотиқлик) элементларини шакллантиришга эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, она тили таълимида ватанимизнинг кўп миллатлилик хусусиятига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Жамиятнинг ижтимоий талабидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар она тилидан эгаллашлари шарт бўлган БКМлар аҳамиятлилик жиҳатидан қуйидаги тартибда жойлашиши мақсадга мувофиқ:

1. Коммуникатив саводхонликни ривожлантириш (нутқ ўстириш);
2. Грамматика ва тилшуносликка оид билимларни шакллантириш;
3. Маданий-маънавий дунёқарашибни камол топтириш.

Маълумки, тил жамиятда асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Шунингдек, тил воситаларидан тўғри ва унумли фойдаланиш инсоннинг интеллектуал ривожланиш даражасини белгилаб беради. Нуткнинг оғзаки ва ёзма кўринишидан унумли фойдаланиш, ўқиш ва эшита билиш қобилияти, телевизор, фильм, комьютер ёки бошқа манбалардан олинган маълумотларни тушуниш, таҳлил қила жамият ҳаётидаги фаол иштирокнинг асоси ҳисобланади.

Тил маънавий қадриятларни етказувчи асосий манба ҳисобланади. Ўқувчилар тил бойикларидан турли хил вазиятларда, мақсадларда ва шароитларда фойдалана олиш кўнимасини шакллантириш керак. Ўқувчиларда ўз тилини ривожлантиришга бўлган қобилиятларини ривожлантириш, турли хил кўринишига ва шаклга эга бўлган матнларнинг таҳлилига танқидий ёндашиши малакаларини камол топтириш лозим.

2

Тилнинг бутун бойлигини билиш, ҳис этиш нотиқнинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳар қандай нуткнинг асосини, у илмий маъруза бўладими, тантанали нутқ, бирор ишга даъват этиш ёки шунчаки муайян ахборотни тингловчиларга етказишми, бундан қатъи назар, жонли сўз ташкил этади. Айни вақт ва ўрнида қўлланган сўз нуткнинг мазмундор, асосли, ҳаққоний ва мантиқий бўлишини таъминлайди. "Ўзига сўз билан ёрдам беради. Зеро инсон табиатига танадан фойдаланишдан кўра кўпроқ сўздан фойдаланиш хос", - дейди бу борада Аристотель.

Нотиқнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришмоғи кўп жиҳатдан нутқининг жўшқинлигига боғлиқ. Машҳур Рим нотиги Цицерон: «...эҳтиросиз нутқ ҳеч нарсага ярамайди», - деган эди. Нутқга ана шу эҳтиросни жо қилиш, ўни жўшқин қилиш учун нотиқ, аввало, ҳар бир сўзнинг қуввати, "юки"ни ҳис этиши, улардан матнда тўғри фойдалана олиши лозим. Тилшунос олим Н.Махмудов бу борада шундай дейди: «Сўзга ошуфталик, сўзнинг остини ҳам, устини ҳам қўра олишга интилиш, нутқ латифлигидан, нутқдаги сўзларнинг фавқулоддаги уйғунлигидан завқланиш, она тилида таъсирили нутқ айта олувчига, китобат санъати соҳибига айрича ҳавас билан қарашиб ўзбекнинг азалий урфларидандир... Тилимизда бир фикрни бир қанча шаклу шамойилларда ифодалаш имкониятлари бор. Айнан қайси шаклу шамойилни танлаш, мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ. Дарҳақиқат, ўтмишда воизлик санъати усталари ўз нутқларида тасвирий воситалар ва бадиий безаклардан кенг фойдаланганлар. Боз устига, Шарқ мутафаккирлари нотиқ учун зарур билимлар хусусида фикр юритар эканлар, бошқа илмлар қатори шеър(аруз) илмидан, албатта, боҳабар бўлиш лозимлигини таъкидлайдилар. Хусусан, Беруний шундай дейди: "Наҳв насрда ва аruz назмда айтилган сўзнинг меъёрини ўлчовчи ва хатосини тузатувчи, аниқ иккита мезон бўлиб қолди, лекин наҳв булар иккисининг умумийроғидир, чунки у насрни ҳам, назмни ҳам биргаликда ўз ичига қамраб олади...

Хуллас, яхши нутқ тузиш учун нахв, аруз, мантиқ фанлари ҳамкорлигидан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг биронтасига аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидаси бузилиши қолган иккитасига таъсир қилмай қолмайди". Хондамир эса «иншонинг фазилати" ва "фазилатли сўз усталари" хақида фикр юритиб дейди: "Донишманд мунши(ёзувчи)лар илм ва санъатни қўлга киритишида, турли йўллар билан ҳаракат қилиб, порлоқ сўз гавҳарларини икки йўсинда топганлар. Бири назм, бу шеърий табиатдан туғилади. Иккинчиси наср, бу эса, иншо (наср С.У.) арбоблари фикрларининг натижасидир. Иншо фазл эгаларининг таърифича, маъно қизларининг қулоқ ва бўйинларини сўз дурлари безаги ва ёрқин ибора зийнати билан ясатиш, жумла эшитилишини кўнгилни хира қиладиган сўзлардан тозалаш ва ҳикояни тилда жараён қилиш билан оғизда ҳаёт сувига айланиб кетадиган луғатлар билан безашдан иборатdir .

Нотик лисоний ифода воситалари ёки бошқа сўзлар билан айтганда, бадий тил воситаларини билса ва улардан моҳирона фойдалана олса, нутқининг таъсирчанлиги ортади.

Риторик сўроқ нутқда ифодаланган фикрни сўроқ шаклида тасдиқлади ва жавоб талаб қилмайди. Чунки риторик сўроқка мурожаат этишдан мақсад жавоб олиш эмас, балки тингловчиларни фикрлаш жараёнига жалб этиш, нотик билан биргалиқда кўтарилиган муаммоларга хаёлан жавоб излашга ундашдир. Бу, ўз навбатида, бир томондан, тингловчи диққатини фаоллаштиришга, иккинчи томондан эса, нутқининг оҳангини кучайтиришга ёрдам беради. Нотик савол-жавоб шаклидан, ундов; даъватлардан моҳирона фойдалана билса, аудиторияда нафақат ҳамфикр лиликни уйғота олади , балки уни ўз туйғуларига шерик қиласи.

"Рус ва жаҳон адабиёти классикларидан қайси бири ўқиб бўлмайдиган китоб ёзган? Буларнинг дунёни забт қилганларига бирдан-бир сабаб — китобларининг ўқишли бўлганлиги эмас- ми?":.

"Ошиқ бўлган кимса маъшуқага эришмакни истамасму?! Шунинг учун бироз тиришмасму?!"

Риторик мурожаат ҳам гарчи шаклан мурожаат бўлса-да, риторик сўроқ сингари шартли характерга эга. Риторик муро- жаат нутқга зарур бўлган оҳангни (тантанаворлик, кўтаринки- лик, самимият, эҳтирос, киноя, кесатиқ ва х.к.) баҳшида этади.

"Эй кардошлар,вой миллатдошлар!!! Кўзимиз ғафлат уйқу- сидан очиб, атрофимизга назар солмакимиз лозимдир" .

Нотик ифодалиликнинг ўхшатиш, таққослаш, қарши қўйиш каби оддий воситалари ёрдамида ҳам ўз мақсадига эришиши мумкин. Тарихда ўтган машҳур нотиклар улардан унумли фойдаланишган. Умуман олганда ўхшатиш табиат ҳодисалари, предметлар, дунёни билишнинг дастлабки ва энг оддий шаклидир. Шунинг учун ҳам ёзувчи, режиссёр, актёр — умуман барча ижодкорларнинг нутқлари ўхшатиш, қиёслаш ва қаршилашларга бой. Ўхшатиш, қиёслаш, қаршилаш предмет, унинг моҳиятини яхшироқ англашга ёрдам беради, предметнинг бетак- рор хусусияти ва ўзига хослигини намоён этади. Боз устига, улар тишлоғчининг тасаввурини уйғотади, улар кўз ўнгида предмет ва ҳодисанинг жонли суратини намоён этади, бу эса, ўз навбатида, диққатни кучайтириб, нотик нутқининг идрок этилишини оширади.

Ўхшатишнинг турлари ва шакллари кўп. Хусусан, тўғридан-тўғри ўхшатиш, -дек, ўхишиш, худди, гўё, мисли, сингари, янглиг, симон каби сўзлар ёрдамида тузилган ўхшатиш ёки қисқа ўхшатиш ва тўлиқ ўхшатиш ва х.к.

Ҳар бир одам- нинг у ёки бу нарса ҳақидаги нуқтаи назари эса унинг ҳаётий тажрибаси. билими, ҳис-туйғуларидан иборат мустаҳкам заминга таянади. Шунинг учун сухбат ёки баҳс чоғида ўзга одамни ўз фикрларига ишонтириш, унга ўз нуқтаи назарини ўтказиш қийин иш. Бундай ишни амалга оширишга қўйидаги ишонтириш қоида- лари ёрдагл беради:

Биринчи қоида. Келтирилаётган далилларнинг кетма-кетли- ги фикрнинг асослилиги даражасини белгилайди. Далил ва асос- ларнинг қўйидаги тартиби мақсадга мувофиқ:

кучли далиллар — ўрта далиллар — битта энг кучли далил. Кучсиз далиллардан иложи борича фойдаланмаслик керак, чунки улар фойдадан қўра, кўпроқ зиён етказади. Бунда далилнинг қуввати (кучли-кучсизлиги) сўзловчи нуқтаи назаридан эмас, балки тингловчи (қарор қабул қиласиган киши) нуқтаи назаридан белгиланишини эътибордан қочирмаслик керак.

Қаршилантириш усули нутқ объектини янада яққолроқ ифода этишга ёрдам беради. Масалан: "Социалистларнинг фикрича даромад олиш — гуноҳ. Мен эса зарап қўриш — гуноҳ деб ҳисоблайман" (Уинстон Черчиль); "Ҳаёт — тинимсиз такомиллашиб боришдир. Ўзини комил деб ҳисоблаш — ўзини ўлдириш деганидир" (Кристиан Фридрих Хеббель); Азоб-уқубатларга юзлаб одамлар дош берииш мумкин, эсон-омонликка эса саноқли одамлар бардош бера олади" (Карлейль).

Нотиқнинг ўз нутқида метафора (истиора) ва эпитет (сифатлаш), аллегория ва гипербола, перифраз ва оксиморон каби ифодалиликнинг стилистик воситаларидан фойдалана билиши уни янада равшан, образли қилиш имконини беради. Метафора - ўзида яширин ўҳшатишни мужассам этган сўз ёки иборадир. Эпитет эса тушунча, ходиса ёки предметнинг характерли хусусиятини аниқлаб, ажратиб кўрсатувчи сўздир. "Борми сенда бизим каби инсонлар, Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар, Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар, Қардош этин қўймай еган қоплонлар?" (Фитрат) Метафора (истиора)нинг шаклларидан бири — жонлантириш нутқда кўп ишлатилади.

Эпитетлар кўпинча ёлғиз ўзи келмасдан, муайян сўз бирикмаси таркибида келади. Бундай бирикма метафорик эпитет дейилади. Масалан олтии куз, кумуш киш, оташ юрак ва х.к.

Метафора ва эпитетлар нутқни жозибали қилиш баробарида, тикловчи диққатини нутқ предметининг нотиқ истаган маълум бир жиҳатига жалб этишга ҳам ёрдам беради.

Нутқни жозибадор қилиш йўлларидан бири — фразеологизмлардан унумли фойдаланиш. Шунинг учун нотиқ ўзбек тилининг бой қатламини ташкил этган фразеологизмларни билиши, улар билан ўз тилини бойитиб бориши мухим аҳамият касб этади. Фразеологизмлар чуқур маъноли, ихчам, умумлашган ҳикматона маънога эга бўлгани учун нутқнинг экспрессивлик даражасини ошириши билан бирга, уни ихчамлаштириш ҳамда фикрни асосли қилишга ёрдам беради. Ўзбек тили фразеологизмларга жуда бой. Стилистик бўёқдорлигига қўра уларни бир неча туркумга ажратиш мумкин. Кўтаринки, тантанали руҳдаги фразеологизмлар: Ватан ўглонлари, она юрт. Маъқулламайдиган: кайга борса питпилдиқ, томдан тараша тушгандай, ўйлаб тушига кирмаган, қовун туширмоқ, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди, тул гўшти еган, туюни ютиб думини кўрсатмайдиган. Истеҳзоли: тулнинг думи ерга текканда, анқонинг уруғи, тую кўрдинтми — йўқ, тўйдан олдин ноғора, ҳар тўқисда бир айб, гапга тўн кийгизмоқ. Кўпол: давлатига тўнқаймоқ, тўқим табиат, ковушини тўғрилаб қўймоқ Ҳазиломуз: жуфтакни ростламоқ, қулоғига ун босмоқ, сувга олиб бориб суғормай келмоқ, жигардан урмоқ, хамир учидан патир ва х.к.

В.Г.Белинский фразеологизмларга "тилнинг халқона қиёфаси", дея таъриф берган эди. Улар тилнинг миллий руҳини ифода этади. Ҳар қайси тилда, хусусан, ўзбек тилида фразеологизмлар воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини аниқ ва лўнда акс эттиради. Масалан, кучли ёмғир ҳақида "челакдан қўйгандек" деймиз ёки сукунат ҳақида "сув қўйгандек" иборасини қўллаймиз. Фра- зеологизмлар ўзининг аниқлиги, образлилиги билан тингловчи кўз ўнгига муайян ҳолат, ҳаракат, вазиятнинг жонли суратини гавдалангиради: тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, қовоқ солмоқ, қулоқни динг қилмоқ, кўзини лўқ қилмоқ, сичқоннинг ини минг танга, оёғи ердан узилмоқ...

Оксиморон (гр. охутогон — ўткир маъноли, бемаънилик) — ўз маъносидан кўчирилиб, бир-бирига зид тушунча, сўзларнинг бирикиб, ёнма-ён келиши: тирик мурда, ширин дард, аччик, ўлик жон...

Нутқни жозибадор қилишга ёрдам берувчи воситалардан яна бири — метонимия (мажоз). Метонимия (гр, метономия — номи ни ўзгартериш, мажоз) — ходиса ёки

предметни бирон-бир белгиси билан алмаштириш. Масалан: шўр сувлардан чиқиб келган бир маймун" (шўр сув — денгиз) (Фитрат).

Аллегория (гр. — ўзга ва — гапираман) — бирон мавҳум тушунча ёки фикрни конкрет нарса ёки ҳодиса орқали ифодалаш. Нутқда аллегориялардан фойдаланишинг бир қатор ютуқли томонлари бор. Аввало, аллегория котиқقا тингловчи билан очиқ зиддиятга бормасликка ёрдам беради. Ўзбек халқида "Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшиш" деган ибора бор. Бежиз айтилмаган, зеро кишига айбини очиқ айтиш унинг қамиятига тегиши, натижада тўгри гапни ҳам қабул килмаслиги мумкин. Иккинчидан, аксарият аллегорик образларнинг келиб чиқиши халқнинг маданий анъаналари, урфодатлари, менталлитети билан боғлиқ. Улар, жумладан, халқ зртаклари, мифологияси, масаллар орқали халқ тафаккуридан мустаҳкам ўрин олган. Шунинг учун ҳам улар турғун хусусиятга эга бўлиб, эътиroz уйғотишга йўл қолдирмайди. Масалан, халқ оғзаки ижодида тулки алдоқчи, айёр одамларга, бўри очқўзларга, чаён заарли илон маккор, айик қўпол одамларга нисбатан киноя тарзида тилга олинган. Қолаверса, аллегорик образлар байроқ ёки герб-лардан ўрин олган. Масалан, Узбекистон Республикаси гербидаги тасвирланган Хумо қуши ана шундай халқ тафаккуридан мустаҳкам ўрин олган аллегорик обазлар сирасига киради. Ниҳоят, учинчидан, аллегория нутқни қисқа, таъсирчан ва образли килишга ёрдам беради,

Нотиқликда мажозий ифодалардан бири бўлган перифраз ҳам тез-тез учраб туради. Перифраз (гр. — атроф ва — сўзлайман) — ҳодиса номини унинг маъносини ифодаловчи бошқа сўз ёки ибора билан алмаштириш усули бўлиб, нутқнинг тасвирийлигини кучайтиради. Масалан, Топжент сўзи ўрнида ватанимиз ийтахти, пахта ўрнида оқ олтин, дарё ўрнида ернинг қон томирлари деб ишлатиш мумкин. Перифразнинг нарса ёки ҳодисаларнинг асл номи билан ёнма-ён ишлатилиши нутқ обьектини алоҳида ажратиш, унга алоҳида эътиборни жалб этиш имконини беради. Масалан: "Тожик — юксак Помирим, Туркман — туташ томирим, Кирғиз, қозоқ — бовурим — Туркистон бир, ватан бир". (Эркин Воҳидов)

Нутқда тавтология (айнан бир таъриф ёки сўзнинг бошқа сўзлар билан такрорланиши)га йўл қўйилиши нотиқнинг сўзлардан ноўрин фойдаланиши, тилининг камбағаллиги ёки фикрини аниқ ифода этиш малакасининг озлигидан далолат беради. Аммо тажрибали ногиқ тавтологияни нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, ифодалилигини кучайтириш воситасига айлантира олиши мумкин.

Нутқнинг тўлақонлиги нотиқнинг сўз бойлигининг боғлиқ. Сўз бойлигининг бергиларидан бири эса — синонимлар. Синонимларсиз нутқ камбағал ва жонсиздир. Чунки ҳаётда бир тушунчанинг ўзини турлича ифода этамиз. Шаклан бошқа, аммо маъно жихатдан бир-бираiga яқин сўзлар нутқ предметига нисбатан турлича муносабат билдиради, нарса ёки ҳодиса ҳолатини янада аниқроқ кўрсатади, фикр ва ҳис-туйғуларни равшанроқ ифодалашга ёрдам беради, нутқнинг ифодалилигини кучайтиради. Қолаверса, нутқка сайқал беради. Ўзбек тили синонимларга бой. Биргина "юз" сўзининг афт, башара, руҳсор, киёфа, афгор, ораз, чсх[^]ра, жамол, турқ каби синонимлари мавжуд. Нарса ёки ҳодиса турлича номланганда турлича баҳоланади, ортиқ сўзларга ҳожат қолмайди.

7 мавзу: Нутқ маданияти тарихидан. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати.

Режа:

1. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимотнинг шаклланиши:
 - а) Қадимги Греция ва Римда нутқ маданияти масалалари.
 - б) Россия тарихида нотиқлик санъатининг ривож топиши.
 - в) Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданиятининг ўзига хос мавқеи.
2. Нотиқлик санъати ҳақида.
3. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати

Таянч иборалари: Қадимги Греция ва Римда нутқ маданияти масалалари.

Россия тарихида нотиқлик санъатининг ривож топиши. Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданиятининг ўзига хос мавқеи.

1

Кишилар чиройли, мазмундор нутқ масаласи билан жуда қадимдан қизиқиб келадилар. Қадимги Греция (Юнонисон) да ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилди. Нутқ олдига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Бу даврда давлатнинг, савдо-сотиқнинг, суд ишларининг ниҳоятда тарақкий етиши, нотиқликни санъат даражасига кўтарди. Йетук инсон бўлиши учун албатта, нотиқлик санъатини егаллаш шарт қилиб қўйилади. Ана шу ехтиёж туфайли нотиқлик назарияси яратилди. Унинг Цицерон, Демосфен, Квинтилиан, Аристотель каби назариётчилари йетишиб чиқди. Ерамизнинг 335 -йилида Аристотелнинг «Риторика» си яратилди. Унда нотиқ олдига қўйидагиларни вазифа қилиб қўйди:

- материални ҳар томонлама тайёрлаш;
- материални жойлаштириш режасини белгилаш;
- материални ўзлаштириш, нутқ қурилишини тўғрилаш;
- нотиқнинг нутқ материалини ўрганиши;
- материални сўз билан ифодалаш;
- нутқни талаффуз қилиш, яъни нутқ жараёни.

Бу талаблар ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда. Ўша давр суд нотиқлигига юксак муваффакиятларга еришди, нотиқлик санъати назариясига улкан хисса қўшди.

Цицероннинг «Нотиқ ҳақида», «Нотиқ», «Брут» асарлари ҳозир ҳам маълум қимматга егадир.

Рим нотиқлик мактабининг яна бир буюк вакили Марк Фабий Квинтилиандир. У ўзининг «Нотиқ билими ҳақида» китобида билимдонликни нотиқлиқнинг биринчи шарти қилиб қўяди. Квинтилиан нотиқликка доир билимни жуда ёшлиқдан ўргана бориш керак, дейди. Нутқнинг тингловчи учун тушунарли бўлишига катта аҳамият беради. У: «Сен шундай сўзлагинки, сени ҳар бир киши тушуна олсин», - деган еди.

Хуллас, қадимги Юнонисон ва Римда маданий нотиқлик назарияси ривожлантирилди. Бу назария кейинчалик Европада нутқ маданиятига бағишланган фаннинг майдонга келишига асос бўлди.

Россия тарихида нотиқлик санъатига бўлган еътибор, асосан Пётр I даврида анча кучайди. XVII – XVIII асрларга келиб, рус нотиқлигига, асосан бешта йўналиш мавжуд еди:

1. Юқори доирадаги дворянлар орасида мавжуд бўлган сарой нотиқлиги.
2. Диний нотиқлик.
3. Халқ нотиқлиги (Халқ кўзғолони раҳбарларининг)
4. Ҳарбий нотиқлик
5. Дипломатик нотиқлик.

М.В.Ломоносовнинг хизматлари туфайли рус тили нутқ маданияти борасида жиддий назарий фикрлар ўртага ташланди, унинг амалий аҳамияти нимада еканлиги қўрсатиб берилди, рус тилининг лисоний бойликлари асосида ижодий ривожлантирилди. М.В.Ломоносовнинг «Рус шеърияти қоидалари ҳақида мактублар» (1739), «Рус грамматикаси» (1755-1957), «Нутқ маданияти бўйича қисқача қўлланма» (1748) каби асарлари рус тилини илмий ўрганишни бошлаб берибгина қолмасдан, рус тилшунослигининг кейинги тараққиётида муҳим аҳамиятга ега бўлди.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти билан шуғулланинг ўзига хос мавқега ега.

Таникли сиёсатшунос олим Назрулло Жўрайев ўзининг «Агар огоҳсен...» номли китобида ҳақли равишда ёзганидек, «Цивилизация дунёнинг турли минтақаларида турлича юз бериб, муайян ҳудудлар аҳолиси дунёқараши ва турмуш тарзига чуқур ўрнашган. Цивилизация, жумладан Юнонисонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Оврупада моддий техника тараққиёти, Туронда еса ахлоқ тарзида вужудга келган. Юртимизда ахлоқ

бенихоя серқамроқ, қиёси йўқ тушунча сифатида ардоқланиб келинган. Маънили ва бежирим гапира билиш, нутқдаги маъқул ва номаъқул сўзларни илғай олиш, сўзнинг орқа ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган».

Ваъзхонликнинг, балоғат (чечанлик, нотиқлик) санъатининг усули билан нутқ олдига қўйилган талаблар мукаммаллашиб борди. Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Замаҳшарий кабилар тилга, луғатга, грамматика ва мантиқшуносликка бағишиланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор фикрлар билдирилар.

Буюк қомусий олим Беруний (973-1048) ўзининг «Геодезия» асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши хақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий еҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аruz ва мантиқ фанлари ҳам шу еҳтиёжнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши материалига қўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаши мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган «мезон» ни яратади. Бу мантиқ фани еди. Инсон нутқида шубҳали ўринлар сезилса, маълум «мезон» ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни ўрганмаганларга: «Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган наҳв (грамматика), аruz (шеър ўлчови) ва мантиқ (логика) ни мутолаа қилганда еди, сўз зотан, наср ва назмга ажралишини билган буларди», - дейди. Демак, Беруний нутқнинг икки хил - наср, назм кўриниши борлигини кўрсатади. Нутқнинг бу турлари маълум қоидалар асосида шаклланади.

Беруний шакл ва мазмун бирлигига катта аҳамият беради. Шакл мазмунга хизмат қилиши керак. Мазмунсиз ҳар қандай чиройли шакл ҳам ел орасида еътибор қозонмайди. Нутқнинг насрый шаклида ҳам назмий шаклида ҳам мазмун бош мезондир. Нутқ ўзининг ҳар икки шаклида ҳам сўзловчи ўз олдига қўйган маънони ифодалаши шарт. Олим ёзади: «Сўнгра сўз мана шу икки қисмда (наср ва назмда) ҳам сўзловчи мақсад қилган маънодан иборат бўлиб қолади». Насрий ва назмий нутқда мазмун (маъно) бор ёки йўқлигини билиш тузилган гапларни бир-бири билан қиёслаш орқали аниқланади. Бу вазифани мантиқ фани ўз бўйнига олади.

«Хуллас, яхши нутқ тузиш учун наҳв, аruz, мантиқ фанлари ҳамкорлигидан фойдаланинг зарур бўлади. Уларнинг бирортасига ҳам аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидасининг бузилиши, қолган иккитасига таъсир қилмай иложи йўқ».

Ҳар қандай тилнинг ўз грамматик қурилиши, грамматикаси, унинг ўз тартиб - қоидалари бўлиши, бу қоидаларнинг шу тилда тузилган нутқ учун аҳамияти беқиёс бўлгани ҳолда бошқа тил учун нозарур бўлиши мумкин. Беруний араб тилшуни оси билан форс тилшуни оси орасидаги мунозарани келтиради. Форс тилини араб тилидан афзал кўрувчи тилшунос шундай дейди: «Еганинг рафъда (бош келишикда), тўлдирувчининг насбда (тушум келишигидан) бўлганидан ва сендаги тилнинг бошқа сабаб ва ажойибликларидан нима фойда бор. Мен араб тилига муҳтоҷ емасман!». Олим бунда мунозарачи бир томондан ҳақ бўлса, бошқа томондан ноҳақлигини айтади. «Унинг бу хитоби ўзига нисбатан тўғри, лекин мутлақо тўғри емас», - дейди. Бу билан олим ҳар бир тилнинг афзаллиги ўша тидда сўзловчилар учун зарур, деган фикрни тасдиқлайди. Беруний араб тилига хос балоғат санъати хусусида сўзлаганда юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. У балоға (т) (нотиқлик) араблар нутқига хослиги, бундай нутқ техникаси араблар учун фазилат еканлигини баён етади. Араб нутқида балоғанинг мавжудлиги «Куръон» тарғиботида муҳим аҳамият касб етади. Балоға араб нутқининг зийнатидир. Аммо ундан фойдаланган бир кишининг юқори мансабга еришуви ва бошқа шундай кишининг камбағалликда яшашига балоға айбдор емас, дейди, бундай хол бошқа сабабларга асосланган бўлиб, «балоғанинг фазилатини тушурмайди». Бошқа тилларда

балоғани егаллаганларнинг обрў топмаганлигига сабаб, «балки балоғанинг араблар тилидан бошқа тилларга кўчиришда бозори юришмаганидир», - дейди.

Улуғ Ватандошимиз Абу Наср Форобий (870-950) тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва тугал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: «қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён етиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи) га келганимизда, бу ҳақида билимларнинг енг биринчиси жисмларга (субстанция -нарсалар) ва акциденция (ҳодисалар) га исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман».

Иккинчи илм грамматикадир; У жисмларга берилган исмларни қандай тартибга солишини ҳамда субстанция (нарса) на акциденция (ҳодиса) нинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир; Маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигуранларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади, бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри нима ёлғон еканлиги ҳақида хукм чиқарамиз.

Юқоридагилардан кўринадики, грамматика ва мантиқ фанларининг нутқ тузишдаги аҳамиятини икки буюк олим ҳам юксак даражада англаганлар ва уларга катта аҳамият берганлар.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (вафоти 997) ҳам ўзининг «Мафотихул - улум» («Илмлар калитлари») асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари - девонхона иш қофозлари, уларнинг шакллари, ишлатиладиган истилоҳлар (терминлар); шунингдек адабиётшунослик фани истилоҳлари, уларнинг таърифи ҳақида маълумот беради. Асарнинг бешинчи бобида аruz ва қофия илми ҳамда шеъриятда ишлатиладиган бадиий тасвир воситалари, уларнинг фазилатлари ва нуқсонлари устида сўзлайди.

Бу шуни кўрсатадики, X асрдаёқ улкамизда бадиий нутқ юксак даражада ривожланган. Унинг назарияси, мукаммал ишланган еди.

Қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири «Қобуснома» да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратормўз гаплар айтилган бўлиб, улар ҳозир ҳам маълум даражада аҳамиятини йўқотмагандир. «Қобуснома» Кайковус томонидан 1082-1083 -йилларда яратилган бўлиб, 44 бобдан иборат. Унинг 6-7 боблари сўз одоби ҳақидадур. Асар муаллифнинг фарзандига қилган насиҳатлари сифатида ёзилгандир. У фарзандини ёқимли, мулоим, ўринли сўзлашга, бехуда гапирмасликка ундейди: «... яхши сўзлашга ўрган ва мулоим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиради. Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз, агар у яхши сўз бўлса ҳам ёмон кўринади». «Киши сухандон ва нотиқ бўлиши лозим». Ҳар бир нотиқ ўз нутқи устида кўп машқ қилиши халқ олдида нутқ сўзлаганда ёқимли ва бамани гапириши, халқнинг еътиборини қозониши зарур. «Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Ҳалойик сенинг сўз билан баланд даражага еришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, ... ҳар кишининг аҳоли ўз сўзи остида яширинган бўлади».

Кайковуснинг нотиқ сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак, деб ҳисоблади: «Эй, фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгин, уларга риоя қилгин, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога ега еканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!. Шундай кишини нотиқ (сухангуй) деймизки, унинг ҳар сўзи халқа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин. Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни бузма тўғри таърифла. Сўзни бир хилда гапир».

Киши камтар бўлиши керак, ўзини халқ орасида оддий, камтар тутиши лозим, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси емас... «Ей фарзанд, агар сен ҳар

қандай нотиқ бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастроқ тутгил, токи сўзинг билимдонлиги вақтида бекор бўлиб қолмагайсан. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам, халқ уни ақлсиз дейди...».

Сўзниң қадри, ундан фойдаланиш, кам сўзлаб, кўп маъно юклаш, равshan фикрлаш каби масалалар устида XII-XXIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакийлар ҳам ибратли фикрлар билдирганлар.

Улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадиий ёдгорлиги бўлган «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида: «Билиб сўзласа сўз билиг саналур» деган еди.

Кисқа сўзлаш, сўзларга иложи борича кўпроқ маъно юклаш ҳақида:

Угуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,
Туман сўз тугунни бу бир сўзла ёз.

Мазмуни: Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) сўз тугунини шу бир сўз билан йеч.

Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан йетказишдан иборат. Шундай екан, нутқнинг тўғрилиги, равонлиги ва мантиқийлигига еришиш муҳим аҳамият касб етади. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда ҳовлиқмасдан, сўзниң маъноларини яхши англаб, нутқни равон қилиб тузишга чакиради:

Тил асиғи талим бор, басингма уқуш, -
Ара ўғдилур тил, ара минг сукуш.
Неча мундоғ ерса билиб сўзла сўз,
Сўзинг булсў курсу карагука кўз.
(Тилнинг фойдаси талайдир, ортиқча ҳовлиқма,
Гоҳо тил, мақталади, гоҳо сукилади.
Модомики шундай екан, сўзни билиб сўзла,
Сўзинг кўр учун кўз бўлсин (у) кўра билсин.

Адиб Аҳмад Юғнакий (XII-XXIII) ҳам сўзлаганда нутқни ўйлаб шошмасдан тузишга, кераксиз ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чакиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмаган, деб сўзловчини огоҳлантиради:

Уқуб сўзла сўзниева сўзлама,
Сўзинг кизла, кединг, бошинг кизлама.
(Сўзни ўқиб сўзла, шошиб гапирма (кераксиз, ярамас) сўзларни яшири,
Ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма).

Ўз замонасиининг буюк шоирларидан бири бўлган Амир Ҳисрав Деҳлавий (ХИВ) нутқни таъсирли эмоционал ва шу билан баробар мазмундор тузишга даъват қиласи:

Сўзларингда бўлса фикру ўй ёниқ, бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ.

Яна нутқда айтиладиган фикрни кўнгилда пишишиб, равон қилиб айтилса, у мазмундор ва оҳангдор бўлиши ҳақида қуидагича фикр билдирилган:

Назм айцам, айтаман таъб ўлчовида ўлчабон,
Ўлчаниб айтилса нуқта, бўлмас ўлчов бесамар.

Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк Алишер Навоий нотиқлик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. У «Махбубул-қулуб» асарининг 24 - бобини воизлика бағишлиланган, «Муҳокаматул лугатайн» ва «Мажолисун нафоис» асарлари еса бевосита тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга, ўзбек тилининг бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини белгилаб беришга ҳамда ўзбек нутқи маданиятини ўрганишга қаратилган Навоий ижоди туфайли ўзбек адабий тили XV асрда оламга ммашхур адабий асарлар яратишга кодир тил еканлигини намойиш қилди. Унинг асарлари айниқса,

газаллари ўзбек адабий тилида нутқ маданияти амалиётининг ривожига бебаҳо ҳисса бўлиб кушилди.

Алишер Навоий ўзининг «Мұхокаматул лугатайн» асарида ҳар бир тилнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос ижобий томонлари борки, уларни бошқа бирор тилдан топиб бўлмайди, деган фикрни айтиб, форс тили шухрат топган тил бўлишига қарамасдан, туркий тилда бўлган баъзи бир имкониятлар унда йўқлигини баён етади ва далил сифатида ўша давр ўзбек тилида амал қилган 99 дона феълни келтириб улар форс тилида йўқ еканлигини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг «Мұхокаматул лугатайн», «Маҳбубул кулуб», «Назмул жовоҳир» асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди.

(Навоийнинг юқоридаги асарларидан парчалар ўқиб таҳлил қилинади).

XV асрда Хиротда яшаган атоқли аллома Ҳусайн Воиз Кошфий ҳам нутқ ҳақида қимматли фикрлар билдирган:

«Билгилки, одамзотнинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир. Сўз ҳамма вакт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул», - дейди ва сұхбат қоидаларини иккига ажратади.

1. Ёши улуғларнинг сұхбат одоби қоидалари олтита:

1. Ҳар кимнинг аҳволига қараб муносиб сўз айчин;
2. Дағаллик қиласдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсан;
3. Гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсан;
4. Овозини баланд кўтармасин, ешитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсан;
5. Одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсан;
6. Агар сўзнинг қиммати-қадри бўлмаса уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруг пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга екманг униб чиқмайди;

2. Ёшлар сұхбат одоби саккизта:

1. Сўрамагунларича гапирмасин;
2. Гапираётганда овозини баланд кўтармасин;
3. Гапираётганда ўнггу сулга қарамасин;
4. Фаразли ва кинояли гапларни гапирмасин;
5. Қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қиласин;
6. Пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсан;
7. Одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин;
8. Кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор ецин.

Ўзбек бадиий нутқи тарихида З.М.Бобур алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг назми ва «Бобурнома»си нутқнинг гўзал намуналариидир. Дунё олимлари «Бобурнома»ни XV асрнинг енг яхши прозаик асари деб тан олишлари бежиз емас, албатта. «Бобурнома» ниҳоятда гўзал ва равон тилда ёзилган асардир. Бобур ўзи ҳаммабоп ёзиши билан бирга, бошқаларга ҳам шундай иш тутишни маслаҳат беради. Жумладан, Бобурнинг Ҳумоюнга ёзган хатини еслаш йетарлидир. (Хат ўқилиб, таҳлил еталади).

Шунингдек, кейинги асрларда ижод қилган Оғаҳий, Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий, Машраб, Махмур, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқими, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли, Фитрат, Беҳбудий, Сўфизода, Ҳамза каби мутафаккирларнинг асарларида ўзбек мумтоз адабий тили меъёрлари амалий жиҳатдан мукаммаллашиб борди ва уларнинг асарлари нутқ маданияти ривожига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Шарқ мутафаккирлари нотик олдига тилни пухта ўрганиш, унинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта егаллаш, мантиқли сўзлашни ўрганиш, нутқнинг ички (мазмун) ва ташқи «шакл» кўринишига бирдек еътибор бериш, гўзал ва таъсирчан нутқ туза билиш, тил бойликларини мақсадга

мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўядилар ва уларнинг ижросини чуқур таҳлил етадилар.

Демак, нутқ маданиятининг тарихи қадимий екан, унинг бойлиги ҳам битмас туганмасдир. Бу бойликлардан ўринли фойдаланинг жозибали нутқ ифодасини ҳосил қиласди. Бу нутқимизнинг юксак намунаси бўлиб, адабий тил бойлигидан саралаб олинган сўзлар йигиндисидан иборат бўлади. Нутқ жараёнида аниқ қолиплари ишлаб чиқиласди, такомиллаштирилиб борилади.

Мавжуд лингвистик адабиётларда нотик, нотиқлик санъати, воизлик, воизлик санъати каби тушунча ва атамаларга дуч келамиз. Халқ орасида: сўзга чечан, сўзга уста, сўз устаси, сўзамол, сўзамоллик, сўзни боплайди, гапни дўндиради, гапга уста, чиройли гапиради сингари иборалар бор. Келтирилган сўз ва ибораларнинг барчаси инсон нутқининг, инсон нутқи камолотининг даражасини, умумий жўн нутқдан фарқланадиган нутқ намуналарини ифода қиласди. Ҳамма ҳам агар у нутқий нуқсон билан туғилмаса гапиради. Аммо ҳамма ҳам бир хилда гапга чечан, ўта чиройли гапиравчи бўлавермайди. Нутқий чечанлик - нотиқлик алоҳида қобилиятдир. Мумтоз маънодаги нотиқлик - бу алоҳида фарқулотда нутқий санъатдир. Чиннакам нотиқлар нотиқлик маҳоратига табиий қобилият билан бир қаторда ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш натижасида еришадилар.

Ўтмиш ва ўтмишга оид адабиётларда алоҳида нутқий маҳорат бўлган нотиқлик кўринишлари одамларнинг кундалик нутқидан, нутқий фаолиятидан фарқланилган. Чиннакам санъат, алоҳида қобилият маъносидаги нотиқлик барча кишилар учун ҳам хос бўлмаган.

Ҳар қандай нутқ «нотиқлик» намунаси (санъат сифатида) ва унинг егаси чин маънода «нотик» (санъаткор маъносида) деган гап емас. Нотиқлик қадимий даврдан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида инсондаги маҳсус, ноёб қобилият тарзида талқин етиб келинади. шу туфайли нотиқликни (улар орасидаги боғлиқликни инкор етмаган ҳолда) нутқ маданиятидан фарқлаш лозим. Ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиқлик бўлавермайди. Сўзлаш маданияти ҳақида гап юритилувчи ва ҳатто лекторлар, тарғиботчилар (булар орасида ҳам ҳақиқий маънодаги нотиқлар кам учрайди) мўлжалланган асарлар ҳам бизнингча «Нотиқлик санъати» номи билан аталавермаслик керак.

Ўзбек тилшунослиги ва санъатшунослигида нотиқлик санъати ва унинг ўтмиши йетарли ишланган емас. шу туфайли ўтмиш шарқ нотиқлиги билан ҳозирги маънодаги нутқ маданияти соҳаси орасидаги қўпгина ўхшаш ҳамда фарқли томонлар биз учун қоронғидир. Нутқ маданияти соҳаси ва унинг мақсадини оммага йетказишида ўтмиш нотиқлигининг ижобий томонларидан кенг фойдаланинг зарур. Ушбу нотиқликнинг кўпгина кўрсатмалари, қоидавий ҳолатлари, таникли нотиқларнинг шахсий қобилият ва фаолиятилари нутқ маданиятини тарбиялашда яхшигина намунавий ташвиқот куроли бўлиши мумкин. Бу масала С.Иномхўжайевнинг «Ўтмиш шарқ нотиқлиги» китобида яхши кўрсатилган.

Маълумки, нотиқлик санъатида тингловчини, оммани ўзига тортишга интилиш максади биринчи ўринда туради. Нотик нутқи чиройли, жозибали бўлиши шарт. Чиройлиликка еришиш учун нутқнинг мазмунига, мантикий кучига, жумлалар жимжимадорлигига катта еътибор берилади. Ушбу маънода мана бу сатрлар анча ўринли айтилган: «Нотиқлик аввало чиройли гапиришдир. Аммо нутқнинг фақат чиройли бўлиши ҳали йетарли емас, ҳар қандай беъмани сафсалаларни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу еса нотиқлик емас, вайсақилик саналади».

Г.О.Винокур ўзининг «Культура языка» асарида нутқ маданиятининг нотиқлик билан боғлиқ томонларига алоҳида тухталади: «Нотиқлик нутқи деганда мен ҳар қандай монологик оғзаки нутқни емас, балки тингловчиларни маълум харакатга чорловчи ёки уларда қандайдир ғоялар, тасаввурлар тизимини уйғотишга қаратилган маҳсус вазифа бажарувчи нутқни тушунаман».

Хозирги кунда нотиқлик тушунчаси ва нотиқ атамаси алоҳида маҳорат ва санъат маъносида емас, балки жўн, оммавийроқ маънода тушунилмоқда ва қўлланмоқда. Хозирда нутқ сўзлаган ҳар қандай шахсни нотиқ деб юритилади. Натижада нотиқ атамаси ўз асл маъносидан узоқлашди ва у расмий ёки норасмий сўзга чиқкан ҳар бир нутқ егасини англатадиган бўлди.

Нотиқ ва нотиқлик тушунчалари доирасининг бундай кенгайиши, оммавийлашуви нотиқлик санъати соҳаси ҳақида ёзилган илмий ишларда ҳам «нотиқлик» ва «нотиқлик санъатини» оддийроқ ва кенгроқ маънода тушунинг ва тушунтиришга олиб келди. Бунга кўра, нотиқлик санъати ендиликда қандайдир нутқий маҳорат (ноёб қобилият, санъат) емас, балки ҳар қандай одам егаллаши мумкин ва лозим нарса сифатида талқин етилади.

Келтирилган мулоҳазалардан кейин нутқ маданияти билан нотиқлик санъати орасидаги муносабатни белгилаш муайян қизиқиш уйғотиши аниқ.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ўхшаш томонларга ега. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадордир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, ўткир бўлиши учун кўрашади, инсоннинг нутқий маданиятини унинг нутқий ҳаётини устиришга хизмат қилади. Нутқ маданияти ҳам нотиқлик ҳам нутқий одоб, нутқий гўзаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озикланган ҳолда иш кўради. Аммо шунга қарамасдан бизнингча нутқий санъат маъносидаги нотиқликни, яъни фарқулодда нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотиқликни оммавий нутқ (нотиқлик) дан фарқлаш лозим.

Баъзи шахсларда учрайдиган нотиқлик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолият туфайли еришилувчи алоҳида санъатдир. Нотиқлиқда қобилият ва маҳоратнинг меҳнат билан қўшилиб кетганини кўриш мумкин. Ҳар бир халқнинг ўтмиш маданий ҳаётида бу халқдан йетишиб чиқкан ва чин маънода нотиқ деган мўтабар номга сазовор бўлган шахсларнинг унчалик кўп емаслиги ҳам аслида ана шу омил туфайлидир.

Нутқ маданияти тушунчаси айнан нотиқлик санъатининг ўзи емас, аммо у нотиқлик маҳоратига нисбатан олганда, қандайдир ўта оддий тушунилувчи ҳодиса ҳам емас.

Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, нутқ маданияти ва нотиқлик тушунчалари орасида баъзи ўхшашлик, умумий томонлар бор. Бу ҳар иккала соҳанинг мақсадида иш кўриш қуролининг умумийлигига кўринади. Аммо шунга қарамасдан нутқ маданияти тушунчаси билан нотиқлик тушунчаси айнан бир нарса емас. Улар орасида баъзи муҳим фарқли томонлар, белгилар бор. Булар қуйидагилардир:

1. Нутқ маданияти чиннакам маънода адабий тил билан боғлик ҳодисадир. Унинг пайдо бўлиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг меъёрлари билан боғлиқцир. Нотиқлик санъати учун булар асосий белгилар емас. Нотиқлар орасида адабий тил талабларига тўла амал қилмайдиганлар, маълум лаҗжа ёки шевада ҳам чиннакам нотиқлик санъатини намойиш қилувчилар учрайди. Сўзга чечанлик, нотиқлик тил материалининг характеристига қараб емас, нутқнинг таъсирчанлигига, нутқий санъатга қараб белгиланади.

2. Нотиқлик - бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиқлик санъати - оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти еса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир.

3. Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини кўзда тутади. Нутқ маданияти соҳасининг мақсади, орзуси барчанинг, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиришни мўлжаллайди. Мумтоз маънодаги нотиқлик еса алоҳида шахсларнинг нутқий маҳоратини, санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан, нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни йетказишни, уларни маълум мақсадга сафарбар қилишни кўзда тутади. Яъни нотиқлик санъатида тингловчиларни маълум мақсадга жалб қилиш асосий ўрин тутади.

4. Санъаткор нотиқ нутқи асосан кўпчилик тингловчига кенг аудиторияларга мўлжалланган бўлади. Нотиқни бирдан ортиқ шахслар тинглайди. Нутқ маданияти мана

шундай тингловчилардан ташқари кишилар орасида одатий сұхбатларни, якка кишига қаратылған нұтқларни үз ичига қамрайди.

5. Ҳар бир киши она тилининг имконият ва бойликларини яхши егаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотиқ бўлмаслиги, бўла олмаслиги мумкин. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.

6. Нутқ маданияти кўпчиликни, кенг халқ оммасини кўзда тўтиб иш кўрувчи соҳадир. Бу маънода нутқ маданияти кенг омма учун мўлжалланган талабдир, аммо нотиқлик - бу аввало қобилият, шахсий қобилиятдир. Алоҳида санъаткорлик маъносидаги нотиқлик нутқий санъатни, нутқий гўзалликни ҳисобга олади. Нутқ маданияти еса кишиларнинг барчасини санъаткор нотиқ қилишни кўзда тутмайди. У, асосан, она тилида ёки ўзга бир тилда тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш фаолиятини тарбиялашни мақсад қилиб олади.

7. Нутқ маданияти - бу факат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа емас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва унинг меъёрларини ўрганинг ва бу меъёрларни қайта ишлаш иши билан шуғулланади. Нотиқлик санъати еса бундай илмий - меъёрий фаолиятни кўзда тутмайди.

8. Нотиқлик, кўпроқ нутқнинг мазмунига мантиқий асосларига, мундарижавий тузилишига еътибор қилади, нутқ маданияти соҳаси еса кўпроқ нутқнинг тил қурилиши - лисоний тузилишига еътибор қилади.

9. Нотиқлик, асосан, аниқ бир шахс - нотиқ ёки гурӯҳлар -нотиқлар нутқи ҳақида қайғуради. Бунда у нотиқни тинглаёттандар, яъни кенг маънода тингловчилар оммаси нутқини ҳам кўзда тутмайди. Нутқ маданияти еса, бундан фарқли равишда умуман кишиларнинг нутқий фаолиятини, нутқ маданиятини кўзда тутади. Шу сабабли нутқ маданияти мақсадига кўра ва нутқий фаолияти нуқтаи назаридан кенг мақсадли соҳа нотиқлик еса тор соҳасидир.

10. Нотиқлик санъати нотиқ учун олдиндан қандай сўзлаш схемаси ва режасини бермайди ва бу тип нутқ доимо ҳам олдиндан тайёрланган, тайёргарлик қурилган нутқ емас, нутқ маданияти соҳаси еса жамият аъзоларини она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ шароит ва услуб тақозоси талабига кўра ўринли фойдалана олиш қўнимасини беради. Бундай қўнимка аслида ҳар қандай санъаткор нотиқ учун ҳам зарур.

11. Нотиқлик ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан анча қадимиј тарихга ега, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида ҳали ёш ва янгиdir.

Нутқнинг асосий хусусиятлари

Талабалардан саволлларга жавоб олингандан сўнг, уйга берил-ган топширик текширилади. Бир-икки ўқувчига ўқитилади. Сўнг ўқитувчи бу мавзуни хуросалайди.

Нутқ сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матн-нинг ташқи кўриниши бўлиб, у фақатгина тилга боғлиқ саналмас-дан, шу билан бирга, ҳам руҳий, ҳам эстетик ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга намунавий нутқ сифатида баҳо берилганда тингловчи ва китобхонга кўзда тутилган мақсаднинг, айтилмоқчи бўлган муддаонинг тўлиқ бориб етиши, уларга маълум таъсир ўтка-зиши назарда тутилади ҳамда бу вазифаларнинг амалга оширишда нутқ олдига айрим талаблар қўйилади. Бу талабалар грамматик жи-ҳатдан нутқнинг тўғри бўлишини, сўзлар кўзланган маънони аниқ акс эттиришини, чиройли, ёрқин ва таъсирчан бўлишини тақозо қи-ладики, улар нутқнинг асосий хусусиятлари сифатида қаралади. Нутқ ҳақидаги таълимот – ортология ана шу сифатларни ўрганиш билан шуғулланади.

Қадимги даврларда ҳам нутқнинг бу жиҳатларига алоҳида эъти-бор бериб келишган. Масалан, римликлар намунавий нутқнинг си-фатларини ўзида акс эттирувчи қоидалар ишлаб чиқишиган Машхур нотиқ Цицерон фикрича, аниқлик ва тозалик нутқ учун шунчалик зарурки, уларни асослаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Аммо нотиқ тингловчиларни ўзига жалб қилиши учун бу сифатлар ҳали етарли эмас. Бунинг учун нутқ

жозибадор бўлиши ҳам керак. Нотик Дио-нис Галикарнас эса нутқда мақсадга мувофиқликни муҳим деб ҳисоблаган.

Агар нутқ маълум вазият ва шарт-шароитларда амалга оширили-ши назарга олинса, бунда жой, вақт, мавзу ва мулоқот жараёнининг мақсади каби омиллар катта аҳамиятга эга бўлади. Айтилганларни қисқача умумлаштирадиган бўлсак, нутқнинг асосий хусусиятлари сифатида қуидагиларни белгилаш лозим бўлади: тўғрилик, аниқ-лик, мантиқийлик, таъсирчанлик, тимсоллилик, тушунарлилик ва мақсадга мувофиқлик. Қўйида улар ҳақида қисқача маълумотлар берилади:

Савол: – Талабалар, нутқнинг асосий хусусиятлари қайсилар экан?

Талабалар жавоб берадилар:

- Нутқнинг асосий хусусиятларига тўғрилик, аниқлик, манти-қийлик, тозалик, таъсирчанлик киради. Бундан ташқари нутқнинг тимсоллилик, тушунарлилик, мақсадга мувофиқлик каби хусусиятлари ҳам мавжуд.

Нутқнинг тўғрилиги

Нутқнинг тўғри бўлиши унинг бош коммуникатив хусусияти ҳисобланади. Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг – сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди. Агар нутқ тўғри бўлма-са, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантиқий ҳам бўлмайди. Демак, нутқнинг тўғри бўлиши дастлаб унинг адабий тил меъёр-ларига мувофиқ келиши бўлиб ҳисобланади.

Нутқнинг тўғри бўлиши асосан икки меъёрга – урғу ва грамма-тик меъёрга амал қилишни тақозо этади. Нутқ жараёнида маънони тўғри англатиш учун сўздаги бўғин, гапдаги сўз урғусининг тўғри ишлатишига эътибор қилишимиз лозим бўлади.

Нутқ қурилишининг грамматик шаклларини фарқлай олиш сўз-ларни мазмуний боғланишларига қараб жойлаштириш грамматик меъёрларни белгилар экан, нутқнинг тўғри ифодаланиши учун гап тузиш қоидаларини ўзлаштириш, ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги муносабатларни, эга-кесим мослигини, иккинчи даражали бўлак-ларнинг уларга боғланиш йўлларини яхши англаш лозим бўлади. Акс ҳолда нутқда камчилик рўй беради. Мисол: Алфавитимизга қўшимча ҳарфлар киритиш ёки чиқариш билан нутқ маданиятимизни ошириш учун имконият яратилмай, балки нутқ маданиятимиз такомиллашувида чалкашлик содир бўлиши **мумкин эмасми?** (Газетадан).

Маънонинг тўғри, мақсадга мувофиқ ифода этишида оҳангнинг ҳам хизмати катта. Сўзларга қайси йўсинда урғу берилишига ўзгариб бориши мумкин. Масалан, нутқ жараёнида келинг сўзидағи самимият, пичинг, масҳаралаш, норозилик каби оттенкалар факат оҳанг ёрдамидагина реаллашади.

Хуллас, она тили хазинасидан керакли грамматик шаклларни танлаш ва уларни жой-жойида ишлатиш, нутқни тўғри тузишга эришиш, ҳар бир тил бирлигини ўрнига қўйиб талаффуз қилиш нутқ маданиятининг асосий талабларидан саналади.

Нутқнинг аниқлиги

Аниқлик ҳам нутқнинг асосий коммуникатив сифатларидан би-ридир. Агар тўғрилик нутқнинг юзага келишида факт тил омили зарурӣ белгиси сифатида қаралса, нутқнинг аниқлиги дейилганда унинг шаклланишига хизмат қиласиган, тилдан ташқарида бўлган омилларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Бунда дастлаб тил ва тафаккур муносабати туради. Чунки, табиат ва ҳодисалар ўртасида-ги мутаносиблик ва унинг нутқда акс этиши ана шу аниқликнинг худди ўзидир.

А. Қаҳҳорнинг ижоди ҳамда тил маҳорати ҳақидаги айрим муло-ҳазалари диққатга сазовордир. Маъруф Ҳакимнинг “Қаҳрамоннинг ўлими” ҳикоясини таҳлил қилган ёзувчи Ботир белига қатор бешта бомба қистириб, қўлида бомба ушлаган ҳолда кўчага югорди жум-лаларидаги бомба сўзининг нотўғри қўлланганлигини, ёзувчининг бомба ва гранатани фарқламаслигини танқид қиласиди. А. Қаҳҳор таҳ-лилда давом этиб, ҳикоядан яна мисоллар келтиради. Ботир “Сул-тон аканинг оёкларини силаганда қўлига елимга ўхшаш

бир нарса ёпишганлигини сезди: қоронгуда нима эканлигини билолмай қол-ди”. Шу ернинг ўзида “Женя йигитнинг кўзига узоқ тикилиб қол-ди”. Қўлга теккан қон кўринмаган йигитнинг кўзига қоронғида кўз кўринадими, дейди ёзувчи¹.

Аниқлик – бу сўзниг ўзи ифодалаётган вокеликка мос ва муво-фиқ келишидир.

Нутқнинг мантиқийлиги

Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари – тўғрилик ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳат-дан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифода этиш учун муваф-фақияциз танланган лексик бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тинг-ловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ бориб етмас-лигига, баъзан умуман англашилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Нутқни шакллантиришдаги эътиборсизлик оқибатида баъзан мантиқсизлик ҳам юз беради. Қуйидаги мисолда диққат қиласлик: Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатга сут сотиш планларини муддатдан олдин бажардилар (Газетадан). Гапда сўзларнинг тарти-би тўғри бўлмаганлиги, олти ойлик бирикмасининг давлатга сўзи-дан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етаяпти, фикрни баён қилишда хатолик юз бераяпти.

Сўзларни бир-бирига мазмунан боғлаш, улар ўртасидаги грамма-тик алоқани тўғри шакллантириш синтактик меъёрга амал қилиш-нинг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Мана бу мисолда куй ва рақс сўзларининг диктор томонидан уйғун тарзда қўлланиб юбори-лиши мантиқнинг бузилишига олиб келган: Энди куй ва рақслар тинглаб, дам олинг (телевидениядан). Кўйни тинглаш мумкин, аммо рақсни-чи? Ҳаммомда қатиқ ва шиша идишлар истеъмол қилиш ман этилади (“Муштум” журнали).

Демак, мантиқий нутқ деганда яхлит бир тизим асосида шакл-ланган, фикрлар ривожи изчил бўлган, ҳар бир сўз, ибора аниқ, мақсадга мувофиқ равишда юзага келадиган нутқни тушунамиз.

Нутқнинг тозалиги

Нутқнинг тозалиги деганда унда тил элементларининг ишлатилишида адабий тил меъёрларига амал қилиш-қилмаслик тушунилади. Яхши, намунавий нутқ ҳозирги ўзбек адабий тилига, унинг та-лабларига мос ҳолда шаклланган бўлиши, турли ғайриадабий ва ғайриахлоқий тил элементларидан ҳоли бўлиши керак. Чунки у бой маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлган ва бугун мустақиллик даврида яшаб, дунё ҳамжамияти билан тенг мавқеда мулокотда бўлаётган ўзбек халқининг маданий даражасига мос бўлиши лозим.

Ижтимоий муҳитнинг тилдан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Кишилар ўз нутқларида билиб-бил-май ёки эътиборсизлик оқибатида бошқа тил элементларидан ҳам фойдаланадилар. Бошқа миллат вакиллари билан яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, хуллас, муомала жараёнида шундай ҳоллар юз беради.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш нутқда заруриятга кўра улар-дан фойдаланиш салбий ҳодиса эмас. Аммо бундай сўзлар орасида варваризм деб аталувчи шундай бир қатлам мавжудки, уларни нутқда қўллаш-қўлламаслик масаласига адабий тил меъёрлари нуқ-таи назаридан муносабат билдириш лозим.

Гап шундаки, варваризм сифатида қараладиган ну, как, вот, сов-сем, вообще, только, только так, естественно, объязательно, конечно, уже, почти, так что, значит, как раз, неужели, тем более, доку-мент, оформить қилмоқ, организовать қилмоқ, принимать қилмоқ, разрешенье олмоқ, подпись қўймоқ, бо, акун, сони каби сўз ва бирикмаларнинг ўзбек тилида айнан эквивалентлари мавжуд. Бу-нинг устига улар адабий тилимизга кирган эмас. Демак, бу сўзлар ўзбек тили учун меъёр эмас. Аммо биз уларни, ижтимоий муҳит таъсиридан бўлса керак албатта, фарқига бормасдан ишлатавера-миз, нутқимизни назорат қилмаймиз. Шу тарзда лексик меъёр ҳам, нутқ ҳам бузилади.

¹ А. Қаххор. Ёшлар билан сухбат. Т., 1968, 44–46-бетлар.

Шунинг учун ҳам тилда варваризмларнинг ишлатилишини ижо-бий ҳодиса сифатида эмас, балки меъёрнинг бузилиши деб қараш ва уларни нутқда қўлламаслик лозим.

Имкони борича бадиий адабиётда ҳам вулгар сўзларни ишла-тишдан қочиш керак. Чунки бадиий адабиёт кишиларга эстетик таъсир ўтказиш воситаси бўлиши билан бирга, тарбия манбаи экан-лигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Хуллас, нутқнимизнинг тозалиги учун кураш ундан фойдаланув- чи ҳар бир кишининг вазифаси бўлиши керак. Ана шундагина умуммиллий тил маданияти ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги

Нутқнинг ижро этилишида унга маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақи-да маълумот беришдан ташқари яна бир мақсад – тингловчи онгига ва руҳиятига таъсир этиш вазифа қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам таъсирчанлик нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ҳамда тўғрилик ва аниқлик ҳам, мантиқийлик ва тозалик ҳам сух-батдошга, тингловчига ёки ўқувчига таъсир этишига қаратилган бўлади. Бу санаб ўтилган хусусиятларда тил омиллари биринчи ўринда турса, уларнинг барчасидан фойдаланган ҳолда таъсирчан-лик кенг доирада тилдан ташқаридаги омилларни ҳам қамраб ола-ди.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қа-бул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳим са-налади. Яъни нотиқ аудиторияни ҳисобга олиши – уларни билим даражасидан ёшигача, ҳатто нутқ сўзланаётган пайтдаги кайфи-ятгача кузатиб турилиши, нутқнинг тингловчилар томонидан қабул қилинишини назоратга олиб борилиши лозим бўлади. Малакали би-лимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган аудитория олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапи-ришга йўл қўйиб бўлмайди. Хуллас, нотиқдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади. Ва бутун диққат-эътибор ифодаламоқчи бўлган фикрни тўлалигича тингловчиларга етказиш вазифа қилиб қўйилади.

Нутқнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида нотиқнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, жест ва мимикалари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам аҳамияти бор. Самимилик, хушмуомала-лик, одобилик, аудиторияга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг тингловчилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ҳақидаги гап, маълум маънода, нутқ сифатлари ҳақида айтилган мулоҳазаларга якун ясашдир. Чунки яхши нутқнинг фазилатларини кўрсатиб ўтиш, нутқда учрайдиган айрим типик хатоларни таҳлил этиш пировард натижада таъсирчан бир нутқни шакллантиришга хизмат қиласди.

8 мавзу: Нутқ маданияти тарихидан. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати.

Режа:

1. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимотнинг шаклланиши:
 - а) Қадимги Греция ва Римда нутқ маданияти масалалари.
 - б) Россия тарихида нотиқлик санъатининг ривож топиши.
 - в) Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданиятининг ўзига хос мавқеи.
2. Нотиқлик санъати ҳақида.
3. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. - материални ҳар томонлама тайёрлаш;

Таянч иборалари: материални жойлаштириш режасини белгилаш; материални ўзлаштириш, нутқ қурилишини тўғрилаш; нотиқнинг нутқ материалини ўрганиши; материални сўз билан ифодалаш; тўғри талаффуз қилиш, нутқ жараёни.

1

Кишилар чиройли, мазмундор нутқ масаласи билан жуда қадимдан қизиқиб келадилар. Қадимги Греция (Юнонистон) да ва Римда нутқ маданиятининг назарий

асослари яратилди. Нутқ олдига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Бу даврда давлатнинг, савдо-сотиқнинг, суд ишларининг ниҳоятда тараққий етиши, нотиқликни санъат даражасига кўтарди. Йетук инсон бўлиши учун албатта, нотиқлик санъатини егаллаш шарт қилиб қўйилади. Ана шу еҳтиёж туфайли нотиқлик назарияси яратилди. Унинг Цицерон, Демосфен, Квинтилиан, Аристотель каби назариётчилари йетишиб чиқди. Ерамизнинг 335 -йилида Аристотелнинг «Риторика» си яратилди. Унда нотиқ олдига қўйидагиларни вазифа қилиб қўйди:

- материални ҳар томонлама тайёрлаш;
- материални жойлаштириш режасини белгилаш;
- материални ўзлаштириш, нутқ қурилишини тўғрилаш;
- нотиқнинг нутқ материалини ўрганиши;
- материални сўз билан ифодалаш;
- нутқни талаффуз қилиш, яъни нутқ жараёни.

Бу талаблар ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда. Ўша давр суд нотиқлигига юксак муваффақиятларга еришди, нотиқлик санъати назариясига улкан ҳисса қўшди.

Цицероннинг «Нотиқ ҳақида», «Нотиқ», «Брут» асарлари ҳозир ҳам маълум қимматга егадир.

Рим нотиқлик мактабининг яна бир буюк вакили Марк Фабий Квинтилиандир. У ўзининг «Нотиқ билими ҳақида» китобида билимдонликни нотиқлиқнинг биринчи шарти қилиб қўяди. Квинтилиан нотиқликка доир билимни жуда ёшлиқдан ўргана бориш керак, дейди. Нутқнинг тингловчи учун тушунарли бўлишига катта аҳамият беради. У: «Сен шундай сўзлагинки, сени ҳар бир киши тушуна олсин», - деган еди.

Хуллас, қадимги Юнонистон ва Римда маданий нотиқлик назарияси ривожлантирилди. Бу назария кейинчалик Йевропада нутқ маданиятига бағишланган фаннинг майдонга келишига асос бўлди.

Россия тарихида нотиқлик санъатига бўлган еътибор, асосан Пётр И даврида анча кучайди. XVIII - XVIIИИ асрларга келиб, рус нотиқлигига, асосан бешта йўналиш мавжуд еди:

1. Юқори доирадаги дворянлар орасида мавжуд бўлган сарой нотиқлиги.
2. Диний нотиқлик.
3. Халқ нотиқлиги (Халқ қўзғолони раҳбарларининг)
4. Ҳарбий нотиқлик
5. Дипломатик нотиқлик.

М.В.Ломоносовнинг хизматлари туфайли рус тили нутқ маданияти борасида жиддий назарий фикрлар ўртага ташланди, унинг амалий аҳамияти нимада еканлиги қўрсатиб берилди, рус тилининг лисоний бойликлари асосида ижодий ривожлантирилди. М.В.Ломоносовнинг «Рус шеърияти қоидалари ҳақида мактублар» (1739), «Рус грамматикаси» (1755-1957), «Нутқ маданияти бўйича қисқача қўлланма» (1748) каби асарлари рус тилини илмий ўрганишни бошлаб берибгина қолмасдан, рус тилишунослигининг кейинги тараққиётида муҳим аҳамиятга ега бўлди.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти билан шуғулланинг ўзига хос мавқега ега.

Таниқли сиёсатшунос олим Назрулло Жўрайев ўзининг «Агар огоҳсен...» номли китобида ҳақли равишда ёзганидек, «Цивилизация дунёнинг турли минтақаларида турлича юз бериб, муайян ҳудудлар аҳолиси дунёқарashi ва турмуш тарзига чуқур ўрнашган. Цивилизация, жумладан Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Оврупада моддий техника тараққиёти, Туронда еса ахлоқ тарзида вужудга келган. Юртимизда ахлоқ бениҳоя серқамроқ, қиёси йўқ тушунча сифатида ардокланиб келинган. Маънили ва бежирим гапира билиш, нутқдаги маъқул ва номаъқул сўзларни илғай олиш, сўзнинг орка ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган».

Ваъзхонликнинг, балоғат (чечанлик, нотиқлик) санъатининг усули билан нутқ олдига қўйилган талаблар мукаммаллашиб борди. Буюк алломалар Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий кабилар тилга, луғатга, грамматика ва мантиқшуносликка бағищланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор фикрлар билдирилар.

Буюк қомусий олим Беруний (973-1048) ўзининг «Геодезия» асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб қўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий еҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аruz ва мантиқ фанлари ҳам шу еҳтиёжнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши материалига кўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалashi мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган «мезон» ни яратади. Бу мантиқ фани еди. Инсон нутқида шубҳали ўринлар сезилса, маълум «мезон» ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни ўрганмаганларга: «Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган наҳв (грамматика), аruz (шеър ўлчови) ва мантиқ (логика) ни мутолаа қилганда еди, сўз зотан, наср ва назмга ажралишини билган буларди», - дейди. Демак, Беруний нутқнинг икки хил - наср, назм кўриниши борлигини кўрсатади. Нутқнинг бу турлари маълум қоидалар асосида шаклланади.

Беруний шакл ва мазмун бирлигига катта аҳамият беради. Шакл мазмунга хизмат қилиши керак. Мазмунсиз ҳар қандай чиройли шакл ҳам ел орасида еътибор қозонмайди. Нутқнинг насрый шаклида ҳам назмий шаклида ҳам мазмун бош мезондир. Нутқ ўзининг ҳар икки шаклида ҳам сўзловчи ўз олдига қўйган маънони ифодалashi шарт. Олим ёзади: «Сўнгра сўз мана шу икки қисмда (наср ва назмда) ҳам сўзловчи мақсад қилган маънодан иборат бўлиб қолади». Насрий ва назмий нутқда мазмун (маъно) бор ёки йўқлигини билиш тузилган гапларни бир-бири билан қиёслаш орқали аниқланади. Бу вазифани мантиқ фани ўз бўйнига олади.

«Хуллас, яхши нутқ тузиш учун наҳв, аruz, мантиқ фанлари ҳамкорлигидан фойдаланинг зарур бўлади. Уларнинг бирортасига ҳам аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидасининг бузилиши, қолган иккитасига таъсир қилмай иложи йўқ».

Ҳар қандай тилнинг ўз грамматик қурилиши, грамматикаси, унинг ўз тартиб - қоидалари бўлиши, бу қоидаларнинг шу тилда тузилган нутқ учун аҳамияти бекёёс бўлгани ҳолда бошқа тил учун нозарур бўлиши мумкин. Беруний араб тилшуноси билан форс тилшуноси орасидаги мунозарани келтиради. Форс тилини араб тилидан афзал кўрувчи тилшунос шундай дейди: «Еганинг рафъда (бош келишикда), тўлдирувчининг насбда (тушум келишигига) бўлганидан ва сендаги тилнинг бошқа сабаб ва ажойибликларидан нима фойда бор. Мен араб тилига муҳтоҷ емасман!». Олим бунда мунозарачи бир томондан ҳақ бўлса, бошқа томондан ноҳақлигини айтади. «Унинг бу хитоби ўзига нисбатан тўғри, лекин мутлақо тўғри емас», - дейди. Бу билан олим ҳар бир тилнинг афзаллиги ўша тидда сўзловчилар учун зарур, деган фикрни тасдиқлайди. Беруний араб тилига хос балоғат санъати хусусида сўзлаганда юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. У балоға (т) (нотиқлик) араблар нутқига хослиги, бундай нутқ техникаси араблар учун фазилат еканлигини баён етади. Араб нутқида балоғанинг мавжудлиги «Куръон» тарғиботида муҳим аҳамият касб етади. Балоға араб нутқининг зийнатидир. Аммо ундан фойдаланган бир кишининг юқори мансабга еришуви ва бошқа шундай кишининг камбағалликда яшашига балоға айбдор емас, дейди, бундай хол бошқа сабабларга асосланган бўлиб, «балоғанинг фазилатини тушурмайди». Бошқа тилларда балоғани егаллаганларнинг обрў топмаганлигига сабаб, «балки балоғанинг араблар тилидан бошқа тилларга кўчиришда бозори юришмаганидир», - дейди.

Улуғ Ватандошимиз Абу Наср Форобий (870-950) тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва тугал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: «қандай қилиб таълим

бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён етиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи) га келганимизда, бу ҳақида билимларнинг енг биринчиси жисмларга (субстанция -нарсалар) ва акциденция (ходисалар) га исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман».

Иккинчи илм грамматикадир; У жисмларга берилган исмларни қандай тартибга солиши ҳамда субстанция (нарса) на акциденция (ходиса) нинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи хикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир; Маълум хulosалар келтириб чиқариш учун логик фигуранларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади, бу хulosалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри нима ёлғон еканлиги ҳақида хукм чиқарамиз.

Юкоридагилардан кўринадики, грамматика ва мантиқ фанларининг нутқ тузишдаги аҳамиятини икки буюк олим ҳам юксак даражада англаганлар ва уларга катта аҳамият берганлар.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (вафоти 997) ҳам ўзининг «Мафотихул - улум» («Илмлар калитлари») асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари - девонхона иш қофозлари, уларнинг шакллари, ишлатиладиган истилоҳлар (терминлар); шунингдек адабиётшунослик фани истилоҳлари, уларнинг таърифи ҳақида маълумот беради. Асарнинг бешинчи бобида аruz ва қофия илми ҳамда шеъриятда ишлатиладиган бадиий тасвир воситалари, уларнинг фазилатлари ва нуқсонлари устида сўзлайди.

Бу шуни кўрсатадики, X асрда ёқ улкамизда бадиий нутқ юксак даражада ривожланган. Унинг назарияси, мукаммал ишланган еди.

Қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири «Қобуснома» да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомўз гаплар айтилган бўлиб, улар ҳозир ҳам маълум даражада аҳамиятини йўқотмагандир. «Қобуснома» Кайковус томонидан 1082-1083 -йилларда яратилган бўлиб, 44 бобдан иборат. Унинг 6-7 боблари сўз одоби ҳақидадур. Асар муаллифнинг фарзандига қилган насиҳатлари сифатида ёзилгандир. У фарзандини ёқимли, мулоим, ўринли сўзлашга, бехуда гапирмасликка ундейди: «... яхши сўзлашга ўрган ва мулоим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиради. Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз, агар у яхши сўз бўлса ҳам ёмон кўринади». «Киши сухандон ва нотиқ бўлиши лозим». Ҳар бир нотиқ ўз нутки устида кўп машқ қилиши ҳалқ олдида нутқ сўзлаганда ёқимли ва бамани гапириши, ҳалқнинг еътиборини қозониши зарур. «Ҳалқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни ҳалқ қабул қилсин. Ҳалойик сенинг сўз билан баланд даражага еришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, ... ҳар кишининг аҳоли ўз сўзи остида яширган бўлади».

Кайковуснинг нотиқ сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак, деб ҳисоблади: «Ей, фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгин, уларга риоя қилгин, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога ега еканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!. Шундай кишини нотиқ (сухангуй) деймизки, унинг ҳар сўзи ҳалққа тушунарли бўлсин ва ҳалқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин. Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни бузма тўғри таърифла. Сўзни бир хилда гапир».

Киши камтар бўлиши керак, ўзини ҳалқ орасида оддий, камтар тутиши лозим, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси емас... «Ей фарзанд, агар сен ҳар қандай нотиқ бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастроқ тутгил, токи сўзинг билимдонлиги вактида бекор бўлиб қолмагайсан. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам, ҳалқ уни ақлсиз дейди...».

Сўзниг қадри, ундан фойдаланиш, кам сўзлаб, кўп маъно юклаш, равshan фикрлаш каби масалалар устида XII-XXIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакийлар ҳам ибратли фикрлар билдирганлар.

Улуг шоир Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадиий ёдгорлиги бўлган «Қутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида: «Билиб сўзласа сўз билиг саналур» деган еди.

Кисқа сўзлаш, сўзларга иложи борича кўпроқ маъно юклаш ҳақида:

Угуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,

Туман сўз тугунни бу бир сўзла ёз.

Мазмуни: Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) сўз тугунини шу бир сўз билан йеч.

Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан йетказишдан иборат. Шундай екан, нутқнинг тўғрилиги, равонлиги ва мантиқийлигига еришиш муҳим аҳамият касб етади. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда ҳовлиқмасдан, сўзниг маъноларини яхши англаш, нутқни равон қилиб тузишга чақиради:

Тил асиғи талим бор, басингма уқуш, -

Ара ўғдилур тил, ара минг сукуш.

Неча мундоғ ерса билиб сўзла сўз,

Сўзинг булсў курсу карагука кўз.

(Тилнинг фойдаси талайдир, ортиқча ҳовлиқма,

Гоҳо тил, мақталади, гоҳо сукилади.

Модомики шундай екан, сўзни билиб сўзла,

Сўзинг кўр учун кўз бўлсин (у) кўра билсин.

Адиб Аҳмад Юғнакий (XII-XXIII) ҳам сўзлагандан нутқни ўйлаб шошмасдан тузишга, кераксиз ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чақиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмаган, деб сўзловчини огоҳлантиради:

Уқуб сўзла сўзниева сўзлама,

Сўзинг кизла, кединг, бошинг кизлама.

(Сўзни ўқиб сўзла, шошиб гапирма (кераксиз, ярамас) сўзларни яшир,

Ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма).

Ўз замонасининг буюк шоирларидан бири бўлган Амир Ҳисрав Дехлавий (ХИВ) нутқни таъсирли эмоционал ва шу билан баробар мазмундор тузишга даъват қиласи:

Сўзларингда бўлса фикру ўй ёни, бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ.

Яна нутқда айтиладиган фикрни кўнгилда пишишиб, равон қилиб айтилса, у мазмундор ва оҳангдор бўлиши ҳақида қуидагича фикр билдирилган:

Назм айцам, айтаман таъб ўлчовида ўлчабон,

Ўлчаниб айтилса нуқта, бўлмас ўлчов бесамар.

Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк Алишер Навоий нотиқлик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. У «Махбубул-қулуб» асарининг 24 - бобини воизликка бағишлилан, «Мухокаматул луғатайн» ва «Мажолисун нафоис» асарлари еса бевосита тишишносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга, ўзбек тилининг бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини белгилаб беришга ҳамда ўзбек нутқи маданиятини ўрганишга қаратилган Навоий ижоди туфайли ўзбек адабий тили XV асрда оламга ммашхур адабий асарлар яратишга кодир тил еканлигини намойиш қилди. Унинг асарлари айниқса, газаллари ўзбек адабий тилида нутқ маданияти амалиётининг ривожига бебаҳо ҳисса бўлиб кушилди.

Алишер Навоий ўзининг «Мухокаматул луғатайн» асарида ҳар бир тилнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос ижобий томонлари борки, уларни бошқа бирор тилдан топиб бўлмайди, деган фикрни айтиб, форс тили шухрат топган тил бўлишига

қарамасдан, туркий тилда бўлган баъзи бир имкониятлар унда йўқлигини баён етади ва далил сифатида ўша давр ўзбек тилида амал қилган 99 дона феълни келтириб улар форс тилида йўқ еканлигини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн», «Махбубул кулуб», «Назмул жовоҳир» асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса кўшди.

(Навоийнинг юкоридаги асарларидан парчалар ўқиб таҳлил қилинади).

XV асрда Хиротда яшаган атоқли аллома Ҳусайн Воиз Кошфий ҳам нутқ ҳақида қимматли фикрлар билдирган:

«Билгилки, одамзотнинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул», - дейди ва суҳбат қоидаларини иккига ажратади.

И. Ёши улуғларнинг суҳбат одоби қоидалари олтига:

1. Ҳар кимнинг ахволига қараб муносиб сўз айчин;
2. Дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсан;
3. Гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсан;
4. Овозини баланд кўтармасин, ешитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсан;
5. Одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсан;
6. Агар сўзнинг қиммати-қадри бўлмаса уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга екманг униб чиқмайди;

ИИ. Ёшлар суҳбат одоби саккизта:

1. Сўрамагунларича гапирмасин;
2. Гапираётганда овозини баланд кўтармасин;
3. Гапираётганда ўнггу сулга қарамасин;
4. Фаразли ва кинояли гапларни гапирмасин;
5. Қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин;
6. Пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсан;
7. Одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин;
8. Кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор ецин.

Ўзбек бадиий нутқи тарихида З.М.Бобур алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг назми ва «Бобурнома»си нутқнинг гўзал намуналаридан. Дунё олимлари «Бобурнома»ни XV асрнинг енг яхши прозаик асари деб тан олишлари бежиз емас, албатта. «Бобурнома»ниҳоятда гўзал ва равон тилда ёзилган асардир. Бобур ўзи ҳаммабоп ёзиши билан бирга, бошқаларга ҳам шундай иш тутишни маслаҳат беради. Жумладан, Бобурнинг Ҳумоюнга ёзган хатини еслаш йетарлидир. (Хат ўқилиб, таҳлил еталади).

Шунингдек, кейинги асрларда ижод қилган Оғаҳий, Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий, Маширб, Махмур, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли, Фитрат, Беҳбудий, Сўфизода, Ҳамза каби мутафаккирларнинг асарларида ўзбек мумтоз адабий тили меъёрлари амалий жиҳатдан мукаммаллашиб борди ва уларнинг асарлари нутқ маданияти ривожига бебаҳо ҳисса бўлиб кўшилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Шарқ мутафаккирлари нотик олдига тилни пухта ўрганиш, унинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта егаллаш, мантиқли сўзлашни ўрганиш, нутқнинг ички (мазмун) ва ташки «шакл» кўринишига бирдек ётибор бериш, гўзал ва таъсирчан нутқ тузা билиш, тил бойликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўядилар ва уларнинг ижросини чуқур таҳлил етадилар.

Демак, нутқ маданиятининг тарихи қадимий екан, унинг бойлиги ҳам битмас туганмасдир. Бу бойликлардан ўринли фойдаланинг жозибали нутқ ифодасини ҳосил қиласди. Бу нутқимизнинг юксак намунаси бўлиб, адабий тил бойлигидан саралаб олинган

сўзлар йигиндисидан иборат бўлади. Нутқ жараёнида аниқ қолиплари ишлаб чиқилади, такомиллаштирилиб борилади.

Мавжуд лингвистик адабиётларда нотик, нотиқлик санъати, воиз, воизлик, воизлик санъати каби тушунча ва атамаларга дуч келамиз. Халқ орасида: сўзга чечан, сўзга уста, сўз устаси, сўзамол, сўзамоллик, сўзни боплайди, гапни дўндиради, гапга уста, чиройли гапиради сингари иборалар бор. Келтирилган сўз ва ибораларнинг барчаси инсон нутқининг, инсон нутқи камолотининг даражасини, умумий жўн нутқдан фарқланадиган нутқ намуналарини ифода қиласи. Ҳамма ҳам агар у нутқий нуқсон билан туғилмаса гапиради. Аммо ҳамма ҳам бир хилда гапга чечан, ўта чиройли гапиравчи бўлавермайди. Нутқий чечанлик - нотиқлик алоҳида қобилиятдир. Мумтоз маънодаги нотиқлик - бу алоҳида фарқулотда нутқий санъатдир. Чиннакам нотиқлар нотиқлик маҳоратига табиий қобилият билан бир қаторда ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш натижасида еришадилар.

Ўтмиш ва ўтмишга оид адабиётларда алоҳида нутқий маҳорат бўлган нотиқлик кўринишлари одамларнинг қундалик нутқидан, нутқий фаолиятидан фарқланилган. Чиннакам санъат, алоҳида қобилият маъносидаги нотиқлик барча кишилар учун ҳам хос бўлмаган.

Ҳар қандай нутқ «нотиқлик» намунаси (санъат сифатида) ва унинг егаси чин маънода «нотик» (санъаткор маъносида) деган гап емас. Нотиқлик қадимий даврдан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида инсондаги маҳсус, ноёб қобилият тарзида талқин етиб келинади. Шу туфайли нотиқликни (улар орасидаги боғлиқликни инкор етмаган ҳолда) нутқ маданиятидан фарқлаш лозим. Ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиқлик бўлавермайди. Сўзлаш маданияти ҳақида гап юритилувчи ва ҳатто лекторлар, тарғиботчилар (булар орасида ҳам ҳақиқий маънодаги нотиқлар кам учрайди) мўлжалланган асарлар ҳам бизнингча «Нотиқлик санъати» номи билан аталавермаслик керак.

Ўзбек тилшунослиги ва санъатшунослигида нотиқлик санъати ва унинг ўтмиши йетарли ишланган емас. Шу туфайли ўтмиш Шарқ нотиқлиги билан ҳозирги маънодаги нутқ маданияти соҳаси орасидаги қўргина ўхшаш ҳамда фарқли томонлар биз учун қоронғидир. Нутқ маданияти соҳаси ва унинг мақсадини оммага йетказишида ўтмиш нотиқлигининг ижобий томонларидан кенг фойдаланинг зарур. Ушбу нотиқликнинг қўргина қўрсатмалари, қоидавий ҳолатлари, таникли нотиқларнинг шахсий қобилият ва фаолиятилари нутқ маданиятини тарбиялашда яхшигина намунавий ташвиқот қуроли бўлиши мумкин. Бу масала С.Иномхўжайевнинг «Ўтмиш шарқ нотиқлиги» китобида яхши қўрсатилган.

Маълумки, нотиқлик санъатида тингловчини, оммани ўзига тортишга интилиш мақсади биринчи ўринда туради. Нотик нутқи чиройли, жозибали бўлиши шарт. Чиройлиликка еришиш учун нутқнинг мазмунига, мантикий кучига, жумлалар жимжимадорлигига катта еътибор берилади. Ушбу маънода мана бу сатрлар анча ўринли айтилган: «Нотиқлик аввало чиройли гапиришдир. Аммо нутқнинг фақат чиройли бўлиши ҳали йетарли емас, ҳар қандай беъмани сафсалаларни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу еса нотиқлик емас, вайсақилик саналади».

Г.О.Винокур ўзининг «Культура языка» асарида нутқ маданиятининг нотиқлик билан боғлиқ томонларига алоҳида тухталади: «Нотиқлик нутқи деганда мен ҳар қандай монологик оғзаки нутқни емас, балки тингловчиларни маълум ҳаракатга чорловчи ёки уларда қандайдир ғоялар, тасаввурлар тизимини уйғотишга қаратилган маҳсус вазифа бажарувчи нутқни тушунаман».

Ҳозирги кунда нотиқлик тушунчаси ва нотик атамаси алоҳида маҳорат ва санъат маъносида емас, балки жўн, оммавийроқ маънода тушунилмоқда ва қўлланмоқда. Ҳозирда нутқ сўзлаган ҳар қандай шахсни нотик деб юритилади. Натижада нотик атамаси ўз асл маъносидан узоқлашди ва у расмий ёки норасмий сўзга чиқкан ҳар бир нутқ егасини англатадиган бўлди.

Нотиқ ва нотиқлик тушунчалари доирасининг бундай кенгайиши, оммавийлашуви нотиқлик санъати соҳаси ҳақида ёзилган илмий ишларда ҳам «нотиқлик» ва «нотиқлик санъатини» оддийроқ ва кенгроқ маънода тушунинг ва тушунтиришга олиб келди. Бунга кўра, нотиқлик санъати ендиликда қандайдир нутқий маҳорат (ноёб қобилият, санъат) емас, балки ҳар қандай одам егаллаши мумкин ва лозим нарса сифатида талқин етилади.

Келтирилган мулоҳазалардан кейин нутқ маданияти билан нотиқлик санъати орасидаги муносабатни белгилаш муайян қизиқиш уйғотиши аниқ.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ўхшаш томонларга ега. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадордир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, ўткир бўлиши учун кўрашади, инсоннинг нутқий маданиятини унинг нутқий ҳаётини устиришга хизмат қиласи. Нутқ маданияти ҳам нотиқлик ҳам нутқий одоб, нутқий гўзаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озикланган ҳолда иш кўради. Аммо шунга қарамасдан бизнингча нутқий санъат маъносидаги нотиқликни, яъни фарқулодда нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотиқликни оммавий нутқ (нотиқлик) дан фарқлаш лозим.

Баъзи шахсларда учрайдиган нотиқлик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолият туфайли еришилувчи алоҳида санъатдир. Нотиқликда қобилият ва маҳоратнинг меҳнат билан қўшилиб кетганини кўриш мумкин. Ҳар бир халқнинг ўтмиш маданий ҳаётида бу халқдан йетишиб чиққан ва чин маънода нотиқ деган мўтабар номга сазовор бўлган шахсларнинг унчалик кўп емаслиги ҳам аслида ана шу омил туфайлидир.

Нутқ маданияти тушунчаси айнан нотиқлик санъатининг ўзи емас, аммо у нотиқлик маҳоратига нисбатан олганда, қандайдир ўта оддий тушунилувчи ҳодиса ҳам емас.

Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, нутқ маданияти ва нотиқлик тушунчалари орасида баъзи ўхашлик, умумий томонлар бор. Бу ҳар иккала соҳанинг мақсадида иш кўриш қуролининг умумийлигига кўринади. Аммо шунга қарамасдан нутқ маданияти тушунчаси билан нотиқлик тушунчаси айнан бир нарса емас. Улар орасида баъзи мухим фарқли томонлар, белгилар бор. Булар қуидагилардир:

1. Нутқ маданияти чиннакам маънода адабий тил билан боғлиқ ҳодисадир. Унинг пайдо бўлиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг меъёрлари билан боғлиқцир. Нотиқлик санъати учун булар асосий белгилар емас. Нотиқлар орасида адабий тил талабларига тўла амал қилмайдиганлар, маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чиннакам нотиқлик санъатини намойиш қилувчилар учрайди. Сўзга чечанлик, нотиқлик тил материалининг характеристига қараб емас, нутқнинг таъсирчанлигига, нутқий санъатга қараб белгиланади.

2. Нотиқлик - бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиқлик санъати - оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти еса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир.

3. Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини кўзда тутади. Нутқ маданияти соҳасининг мақсади, орзуси барчанинг, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиришни мўлжаллайди. Мумтоз маънодаги нотиқлик еса алоҳида шахсларнинг нутқий маҳоратини, санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан, нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни йетказишини, уларни маълум мақсадга сафарбар қилишни кўзда тутади. Яъни нотиқлик санъатида тингловчиларни маълум мақсадга жалб қилиш асосий ўрин тутади.

4. Санъаткор нотиқ нутқи асосан кўпчилик тингловчига кенг аудиторияларга мўлжалланган бўлади. Нотиқни бирдан ортиқ шахслар тинглайди. Нутқ маданияти мана шундай тингловчилардан ташқари кишилар орасида одатий сұхбатларни, якка кишига қаратилган нутқларни ўз ичига қамрайди.

5. Ҳар бир киши она тилининг имконият ва бойликларини яхши егаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотиқ бўлмаслиги, бўла олмаслиги мумкин. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.

6. Нутқ маданияти кўпчиликни, кенг халқ оммасини кўзда тўтиб иш кўрувчи соҳадир. Бу маънода нутқ маданияти кенг омма учун мўлжалланган талабдир, аммо нотиқлик - бу аввало қобилият, шахсий қобилиятдир. Алоҳида санъаткорлик маъносидаги нотиқлик нутқий санъатни, нутқий гўзалликни ҳисобга олади. Нутқ маданияти еса кишиларнинг барчасини санъаткор нотиқ қилишни кўзда тутмайди. У, асосан, она тилида ёки ўзга бир тилда тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш фаолиятини тарбиялашни мақсад қилиб олади.

7. Нутқ маданияти - бу фақат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа емас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва унинг меъёрларини ўрганинг ва бу меъёрларни қайта ишлаш иши билан шуғулланади. Нотиқлик санъати еса бундай илмий - меъёрий фаолиятни кўзда тутмайди.

8. Нотиқлик, кўпроқ нутқнинг мазмунига мантиқий асосларига, мундарижавий тузилишига еътибор қиласи, нутқ маданияти соҳаси еса кўпроқ нутқнинг тил қурилиши - лисоний тузилишига еътибор қиласи.

9. Нотиқлик, асосан, аниқ бир шахс - нотиқ ёки гурухлар -нотиқлар нутқи ҳақида қайфуради. Бунда у нотиқни тинглаёттандар, яъни кенг маънода тингловчилар оммаси нутқини ҳам кўзда тутмайди. Нутқ маданияти еса, бундан фарқли равишда умуман кишиларнинг нутқий фаолиятини, нутқ маданиятини кўзда тутади. Шу сабабли нутқ маданияти мақсадига кўра ва нутқий фаолияти нуқтаи назаридан кенг мақсадли соҳа нотиқлик еса тор соҳасидир.

10. Нотиқлик санъати нотиқ учун олдиндан қандай сўзлаш схемаси ва режасини бермайди ва бу тип нутқ доимо ҳам олдиндан тайёрланган, тайёргарлик қурилган нутқ емас, нутқ маданияти соҳаси еса жамият аъзоларини она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ шароит ва услуб тақозоси талабига кўра ўринли фойдалана олиш кўникмасини беради. Бундай кўникма аслида ҳар қандай санъаткор нотиқ учун ҳам зарур.

11. Нотиқлик ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан анча қадимиј тарихга ега, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида ҳали ёш ва янгиdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Кунғуров, Е.Бегматов, Ё.Тожийев. Нутқ маданияти ва услубият асослари, Тошкент, 1992 -йил.
2. Т.Қудартов. Нутқ маданияти асослари, Тошкент, 1993 -йил.
3. К.Назаров. Нутқ маданиятига оид масалалар, Тошкент, 1973 -йил.
4. Е.Бегматов, А.Бобойева, М.Асомиддинова, Б.Умрқулов. Ўзбек нутқи маданияти очерклари, Тошкент, 1988 -йил.
5. С.Иномхўжайев. Нотиқлик санъати асослари, Тошкент, 1982 -йил.
6. У.Носиров. Нутқ маданияти ва давр. Нутқ маданиятига оид масалалар, Тошкент, 1973 -йил.
7. Б.Умрқулов. Лектор нутқи ва бадиий тил, Тошкент, 1981 -йил.
8. Е.Фозилов. Нутқ маданиятининг баъзи - бир назарий масалалари. «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами, Тошкент, 1973 -йил.
9. С.Иномхўжайев. Ўтмиш шарқ нотиқлиги, Тошкент, 1972 -йил.
10. А.Аҳмедов. Нотиқлик санъати, Тошкент, 1967 -йил.
11. Г.Винокур. Культура языпса, Москва, 1929 -йил.
12. Беруний. Танланган асарлар. З том, 1982 -йил.
13. Абу Наср Форобий. Рисолалар. Тошкент, 1975 -йил.

Билим - инсон онгода акс этган объектив борлиқ.

Билиш-билим олиш ва унинг ривожланиши, муттасил чуқурлашуви жараёни.

Ватан-(арабча-она юрт)-инсон яшаб турган, униб-ўсан жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакат.

Ватанпарварлик-кишининг ўзи туғилиб ўсан, камол топған жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фапзилатлари.

Давлат рамзлари-давлат мустақиллигининг шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Бу муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳиясидир.

Зардуштийлик – Марказий Осиёдаги қадимги диний-фалсафий таълимот. Унда икки асос: ёвўзлик ва эзгуликнинг кураши ҳақида сўз юритилади. Асосчиси – Зардушт.

Инсонпарварлик-(арабча “инсон”, форс-тожикча “парвар”, ўзбекча “лик”-кишига ғамхўрлик қилиш)-одам қадри, эрки учун курашиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароит яратиш.

Истиқлол-(арабча кўзтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш)-ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити.

Комил инсон-(арабча-етук одам)-миллий мағкурамизнинг асосий ғояларидан бири.

Шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни баҳтли, саодатли қилиш ғояси.

Мағкура-(арабча-фикрлаш, фикрламоқ)-жамиятнинг, давлатнинг, ижтимоий гурухнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фикрлар, ғоялар ва қарашлар мажмуи.

Маънавият-(арабча-маънолар мажмуи)-кишиларнинг фалсафий, хуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Маънавий ва модлий хаёт уйғунлиги қонуни. Бу қонун биз яшайдиган хаётни ягона ва яхлит бир воқейлик сифатида тушуниш имконини беради.

Маънавиянинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни. Ушбу қонун муайян миллат, жамият ёки давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичида шу даврга мос келадиган маънавий тартиб ва тамойиллар тизимиға эга бўлишининг зарурият эканлигини ифодалайди.

Маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётта боғлиқлиги қонуни. Бу қонун ривожланиш жараёнидаги янгиланишнинг узлуксизлиги ва давомийлиги билан боғлиқ тамойилларни ифодалайди.

Маърифат-(арабча-бilmоқ)-кишиларни онгини, билимини оширишга қаратилган фаолият.

Миллий маънавият-муайян миллатни тарихан шаклланган ахлоқий, диний, илмий, бадиий, фалсафий, мағкуравий қарашлари.

Миллий салоҳият-миллатнинг мавжуд иқтисодий, илмий, маданий, маънавий ва бошқа имкониятлари.

Монийлик- III асрда Эронда вужудга келган уруш ва қон тўқмаслик, мол-дунё йигмаслик ғоясини кўтариб чиққан диний таълимот.

Мустақиллик-(арабча-тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик)-эркин ва озод равишида бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Давлат мустақиллиги эса-муайян давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий эркинлигидир.

Нутқ маданияти - билишнинг олий шакли, борлиқнинг тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалардаги мантиқий инъикоси.

Кадр – ўзликни англаб етиш, ўзини баҳолай билишдир.

Кадриятлар-борлиқ, жамият, нарса-ҳодисалар, модий ва маънавий бойликларни аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Нотиклик санъати-инсон маънавий оламининг гузаллиги

Воиз- сузлашиш санъати

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

Адабиётлар рўйхати:

а) Асосий:

1. Ортиқов А., Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. –Т.: “DONO-HAMRO” илмий маркази, 2002.
2. Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат. -Т.: Адолат, 2005.
3. Нурматова М. Нотиқлик санъати ва нутқ маданияти. -Т.: 2007.
4. Хусанов Б. ва бошқ. Муомала маданияти. –Т.: Университет, 2009.
5. Сайдов У. Бошқарув ва нотиқлик санъати. –Т.: Академия, 2010.

б) Қўшимча:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқ маданияти очерклари. -Т.: Ўқитувчи, 1988.
3. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти -Т.: Фан, 1983.
4. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. -Т.: Ўзбекистон, 1980.
5. Бекмирзаев Н. Нутқ маданияти ва нотиқлик асослари. –Т.: Фан, 2007.
6. Бекмирзаев Н. Нотиқлик санъати асослари. –Т.: Фан, 2008.
7. Бекмирзаев Н. Нотиқ, нутқ, хулқ. –Т.: Ноширлик ёғдуси, 2011.
8. Жуманиёзов Р., Салимов С. Гоявий тарбияда нотиқлик санъати. -Т.: 2002.
9. Иномхўжаев Н. Нотиқлик санъати асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1982.
10. Мухаммаджонова Л. Нотиқлик санъати. -Т.: Университет, 2007.
11. Сайдов У. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. -Т.: Академия. 2007.
12. Тожиев Ё., Хасanova X., Тожиматов X., Йулдошева О. Ўзбек нутқ маданияти ва услубият асослари (оммабоп қўлланма). -Т.: 1994.
13. Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Т.: 1994.
14. Махмуд Асьад Жўшон. Ўқув ва ёзув малакаси. –Т.: NOSHIRLIK YOG'DUSI нашриёти, 2010.
15. Маданиятшунослик. –Фарғона: Фарғона, 1997.

Интернет сайтлари:

1. www.istedod.uz
3. www.kutubxona.uz

2. www.pedagog.uz
4. www.ziyonet.uz